

И.ҚУРБОНОВ
У.ЭШМУРАДОВ

ЛОЙИҲА ТАҲЛИЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

И.ҚУРБОНОВ

У.ЭШМУРАДОВ

Институтнинг 80-йиллик
юбилейига бағишланади

ЛОЙИҲА ТАҲЛИЛИ

(лекциялар курси)

САМАРҚАНД-2009

Тузувчи: И.ҚУРБОНОВ, У.Эшмурадов

Такризчилар: М.Пардаев – СамИСИ «Статистика» кафедраси
мудири, и.ф.д., профессор
Т.Қудратов – СамҚХИ «Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» кафедраси доценти, и.ф.н.

Ушбу лекциялар курси Самарқанд қишлоқ хўжалик институт
Илмий кенгаши йиғилишида муҳокама қилиниб, кўп нусхада чоп этишга
тавсия этилган (_____2009 йил, ____-сон баённома).

Кириш

Республикамиз иқтисодиётини таркибий қайта қуриш, иқтисодий ўсишнинг барқарор, юқори суръатларини таъминлаш вазифалари иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестициялар хажмини тўхтовсиз ўстиришни, ҳар бир сўмлик инвестиция энг зарур, энг кўп самара берадиган объектларга сарфланишини талаб этади. Ички инвестиция манбаларининг чекланганлиги хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам катта куч-ғайратни талаб этмоқда. Афсуски қулай инвестиция муҳити яратилиши, давлат томонидан инвестиция фаолияти қонун йўли билан қўллаб-қувватланишига қарамасдан, инвестиция жараёнларида бир қатор муаммолар сақланиб келмоқда. Бундай ҳолатнинг сабаблари қаторида ваколатли идораларда техник-иқтисодий асосланган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш муддатлари чўзиб юборилаётганлиги ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича ишловчи тизимни малакали кадрлар билан таъминлашда сусткашликка йўл қўйилаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Лойиҳалар етарлича чуқур ва илмий таҳлил қилинмаслиги оқибатида амалга оширилган кўпгина инвестиция лойиҳаларида кўзда тутилган самарага эриша олмаёпмиз. Лойиҳа таҳлилини чуқур биладиган, унинг барча жихатларини тушунадиган, зарур бўлса малакали мутахассисларни жамлаб, лойиҳа таҳлили бўйича фаолиятни уюштира оладиган мутахассисларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортиб бормоқда. Кўриниб турибдики, мақсадга «Лойиҳа таҳлили» фанини пухта ўрганиш, бу жараёнда тавсия қилинаётган адабиётлар устида тинимсиз ишлаш орқалигина эришиш мумкин. Ушбу қўлланма шу ҳаётий зарурат махсулидир. Унда иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабалар ва барча лойиҳа таҳлили билан қизиқувчилар учун лойиҳа таҳлилининг энг муҳим жихатлари баён қилинган.

Лекциялар курси тўғрисида ўқувчилар томонидан билдирилган беғараз фикр-мулоҳазалар ва таклифлар учун муаллифлар томонидан олдиндан самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Манзил: Самарқанд ш. М.Улуғбек-77

СамҚХИ «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси

Лекциялар бўйича соатларнинг тақсимланмиши

№	Лекциялар мавзуси	Соат	Бет
	Кириш		
1-мавзу	Лойиҳа таҳлили билан боғлиқ иқтисодий концепциялар	4	
2-мавзу	Лойиҳа таҳлили концепцияси	4	
3-мавзу	Лойиҳаларни тайёрлаш	4	
4-мавзу	Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари	4	
5-мавзу	Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг асосий усуллари	4	
6-мавзу	Рақобатлашувчи инвестиция лойиҳаларини баҳолаш	4	
7-мавзу	Техник таҳлил	4	
8-мавзу	Экологик таҳлил	2	
9-мавзу	Ижтимоий таҳлил	4	
10-мавзу	Институционал таҳлил	4	
11-мавзу	Молиявий таҳлил	4	
12-мавзу	Иқтисодий таҳлил	4	
13-мавзу	Инвестиция лойиҳаларида қалтислик таҳлили	4	
14-мавзу	Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари	4	
	Жами	54	

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 1998 йил 24 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни (30.04.1998й). – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 2000 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 2000 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвесторларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги Қонуни. – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 2000 й.
5. «Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор 2004 йил 9 февраль.
6. Қўшма корхоналар ташкил этишга хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Қарор. 2002 йил 11 октябрь. 393-сон //Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлар.-2003.-№12. 135 б.
7. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. //Солиқлар ва божхона хабарлари. -2003. -21 (461)-16 май. -9 б.
8. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари»Т.: “Ўзбекистон”-2009 й.
9. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» - Т.: Ўзбекистон. 1995 й.
- 10.«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон. //Солиқ тўловчининг журнали.-2005.-№4.-4 б.
- 11.Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Ўзбекистон овози” газетаси, 6-декабр 2008-йил.
- 12.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда малакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 15-феврал.
- 13.Алексанов Д.С., В.М.Кошелов «Экономическая оценка инвестиций». Учебник М.: Колос-Пресс. 2002.
- 14.Алексанов Д.С., В.М.Кошелов «Жизненный цикл проекта». М.: 2000.
- 15.Аншин В.М. “Инвестиционный анализ” – М., 2004.
- 16.Виленский Г.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. “Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика”. 2004.

17. Волков А.С., Марченко А.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов: Учебное пособие. – М.: Издательство РИОР, 2006.
18. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Т.: “Шарқ”, 2005 й.
19. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т. “Молиявий таҳлил”, Т.: “Шарқ”, 2002 й.
20. Джумаева З.А., Қосимов М.С. Лойиҳа таҳлили. Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2003.
21. Жураев А.С., Хўжакулов Д.Ю., Маматов А.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. – Т.: Шарқ, 2003.
22. Ишмуҳамедов А.Е., Ҳайдаров М.Т., Мухамеджанова Г.Я. Лойиҳа бошқаруви. Ўқув қўлланма, - Т.: ТДИУ, 2006.
23. Ишмуҳамедов А.Е., Қосимов М.С., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. “Лойиҳа таҳлили”. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎЁХАЖ 2004.
24. Ковалев В.В. “Методи инвестиционных проектов”. – М., 2003.
25. Пардаев М.Қ., Абдиев А.А., Холиқулов А.Н. «Лойиҳа таҳлили». Маърузалар матни. Самарқанд 2007.
26. Пардаев М.Қ. «Лойиҳа таҳлили». Маъруза матнлари. Самарқанд 2001 йил
27. Пардаев М.Қ. «Инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили». Маърузалар матни. Самарқанд. 2000 йил.
28. Пардаев М.Қ. «Лойиҳа таҳлилининг мазмуни, предмети, метод ва усуллари». Маъруза матнлари. Самарқанд. 1999 й.
29. Пардаев М.Қ. «Лойиҳа хатарлилигининг таҳлили». Маъруза матнлари. Самарқанд. 2000 й.
30. Пардаев М.Қ., Абдиев А.А. «Лойиҳанинг иқтисодий таҳлили». Маърузалар матни. Самарқанд 2000.
31. Собиров А.Х. «Инвестицион лойиҳа таҳлили ва бизнес режалаш». Маърузалар матни. Т.: 2005
32. Холтаев Ж.Т. «Анализ проектов». Учебное пособие. – Т., 2006.
33. Холмурзаев М., Умиров У., Эшмурадов У. «Хорижий инвестициялар». Самарқанд. 2009 й.
34. Қудратов Т. “Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили”. Самарқанд 2008 й.
35. Қудратов Т. “Бошқарув таҳлили”. Самарқанд. 2008 й.
36. Қудратов Т. “Молиявий таҳлил». Самарқанд. 2007 й.
37. Қудратов Т., Иброҳимов М., Каримова З. «Иқтисодий таҳлил». Т. «Илм Зиё». 2005
38. Эргашева Ш., Узоқов А. «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш». Т.: «Молия» 2008 й.
39. Интернет сайтлар
www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
www.uzinfoinvest.uz- «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.
www.review.uz – «Экономическое обозрение» журналининг расмий сайти.
www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
www.omad.uz – Бизнес ривож учун ахборот портали.

1-мавзу. Лойиҳа таҳлили билан боғлиқ иқтисодий концепциялар. (4 соат).

Режа:

- 1.1.Лойиҳа таҳлили фанининг предмети, объекти ва субъекти.
- 1.2.Лойиҳа таҳлилининг вазифалари ва методлари.
- 1.3.Лойиҳа таҳлили фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
- 1.4.Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, турлари ва таркибий тузилиши.
- 1.5.Макроиқтисодий назарияда инвестицияларнинг талқини.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар: 1, 2, 3, 4.

***Таянч иборалар:** Лойиҳа, лойиҳа таҳлили, лойиҳа таҳлилининг предмети, объекти, субъекти, методи, инвестиция, моддий ва номоддий неъматлар, миллий ва интеллектуал бойликлар, пул маблағлари, инвестицион жараён, капитал инвестициялар, инновацион инвестициялар ва ижтимоий инвестициялар, молиявий инвестициялар, моддий инвестициялар, ақлий (интеллектуал) инвестициялар, инвестиция фаолияти, инвестиция объекти ва субъектлари, макроиқтисодий назария, фойиз ставкаси, фойда меъёри.*

1.1.Лойиҳа таҳлили фанининг предмети, объекти ва субъекти

Лойиҳа таҳлили – харажатлар ва даромадлар ҳамда лойиҳа билан боғлиқ бўлган таваккалчиликни тизимли баҳолаш ва очиб бериш асосида лойиҳаларни тайёрлаш, баҳолаш ва танлаб олиш усулидир. Лойиҳа таҳлилининг катта қисми лойиҳа даврининг дастлабки босқичида, яъни уни қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилингунгача амалга оширилади.

Ҳар бир фанда бўлгани каби лойиҳа таҳлили фани ҳам ўзининг предмети ва методига эгадир. Лойиҳа таҳлилининг предметини тўлиқ аниқлаш учун у нимани ўрганишини, бунда нимага асосланишини атрофлича кўриб чиқиш лозим. Лойиҳа таҳлилида инвестициянинг шаклланиши, ундан фойдаланиш жараёни, натижаси ўрганилади. Ўрганиш жараёнида эса бир қанча усуллар ва тадқиқотлар қўлланилади. Бундан ташқари мазкур фан асосан иқтисодиётнинг микро даражасидаги объектларда содир бўладиган инвестиция билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнларни ўрганади. Демак, ушбу назарий хулосалардан келиб чиқиб лойиҳа таҳлилининг предметига қуйидагича таърифни бериш мумкин.

Лойиҳа таҳлили фанининг предмети деганда микроиқтисодий даражада содир бўладиган инвестиция билан боғлиқ иқтисодий жараёнларнинг самарали усуллари танлаб олишга қаратилган тадқиқотлар мажмуаси тушунилади.

Фаннинг **объекти** деганда шу фанда ўрганиладиган жараёнлар қаерда содир бўлиши тушунилади. Лойиҳа таҳлилининг объекти турли мулк шаклига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция билан боғлиқ иқтисодий ишлар режаси, истикболини белгиловчи кўрсаткичлардир. Буларга корхоналар, бирлашмалар, акционерлик жамиятлари, фирмалар, кичик бизнес ва хусуссий

тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ва бошқа шу каби ҳуқуқий (юридик) шахслар киради.

Лойиҳа таҳлилининг **субъектлари** бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Лойиҳа раҳбари – юридик шахс бўлиб, унга буюртмачи ва инвестор лойиҳани бошқаришда, ишларни бошқаришда ҳисобот беради, режалаштириш, назорат ва лойиҳанинг барча иштирокчилари ишларини бошқаради.

Лойиҳа жамоаси – махсус ташкилий тузилма бўлиб, лойиҳа раҳбари томонидан бошқарилади ва лойиҳани амалга ошириш даврида шакллантирилади. Лойиҳа жамоаси лойиҳанинг мақсадлари самарасига эришишда лойиҳанинг бошқарув вазифаларини амалга оширади. Лойиҳа жамоаси таркиби ва вазифалари лойиҳанинг кўлами, мураккаблиги ва бошқа тавсифларга боғлиқ, лекин ҳар қандай ҳолатда жамоа ўзларига юклатилган барча мажбуриятларни юқори профессионал даражада таъминлаб бериши керак.

Шартномачи – лойиҳанинг иштирокчиси бўлиб, буюртмачи билан ўзаро муносабатда бўлади, шартнома бўйича ишларни бажаралиши учун жавобгарликни ўз бўйнига олади. Бу лойиҳанинг тўлиқ ёки бир қисми бўлиши мумкин. Шартномачининг асосий мақсади мумкин бўлган энг юқори фойдани олишдир. Шартномачи сифатида лойиҳа раҳбари ёки лойиҳанинг бошқа фаол иштирокчилари чиқиши мумкин.

Лойиҳаловчи – юридик шахс бўлиб, лойиҳа доирасида лойиҳавий изланиш ишларини шартнома бўйича бажаради. Лойиҳанинг асосий шартномачиси ёки бевосита буюртмачи билан шартнома алоқаларига киришади.

Таъминотчилар – субшартномачилар, улар шартнома асосида турли хил етказиб бериш ишлари – материаллар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқаларни амалга оширади.

Лойиҳанинг бошқа иштирокчилари – булар асосий иштирокчиларнинг рақиблири, лойиҳани амалга оширишда иқтисодий манфаатлари тўқнашадиган ижтимоий гуруҳлар ва ноиқтисодий лойиҳа ҳомийлари, турли инженерлик ташкилотлари ва бошқалар.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, фаннинг предмети унда нимани ўрганишини тушунтирса, объекти унинг қаерда содир бўлишини, субъекти эса ким томондан амалга оширилишини ифодалайди.

1.2.Лойиҳа таҳлилининг вазифалари ва методлари.

Лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш лойиҳа таҳлилининг вазифаси ҳисобланади. Даромадлилик эса лойиҳадан олинadиган даромад билан унга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Яъни лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш учун унинг барча натижаларини аниқлаш ҳамда лойиҳадан олинган даромадлар унга қилинган харажатлардан ортиш ёки ортмаслигини ҳисоблаб кўриш керак. Чунки лойиҳани амалга ошириш учун бугун қилинаётган харажатлар билан ундan қандайдир вақт ўтгандan кейин олинadиган даромадларни бевосита солиштириб бўлмайди. Лойиҳанинг айрим харажатлари ва натижаларини, масалан, қурилиш ишлари харажатларини ўлчаш ва баҳолаш осон. Бошқаларини эса ўлчаш осон, лекин баҳолаш анча қийин. Масалан,

ходимларни ўқитиш харажатлари ва натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан ўлчаш осон лекин реал натижаларини баҳолаш анча мураккаб.

Лойиҳа таҳлили ўз фаолияти жараёнида ўта муҳим ва кенг қамровли вазифаларни бажаради. Бу вазифалар иқтисодийнинг даражаси ва кўлами нуктаи назаридан икки гуруҳга бўлинади:

1.Макроиқтисодий даражасидаги (глобал) вазифаси.

2.Микроиқтисодий даражасидаги (локал) вазифаси.

Лойиҳа таҳлилининг макроиқтисодий даражасидаги вазифаси қуйидаги муаммоларни ҳал этишни кўзда тутди:

- Инвестиция лойиҳасининг умумий самарадорлигини баҳолаш ва аниқлаш;
- Инвестиция бозорини шакллантириш.

Лойиҳа таҳлилининг микроиқтисодий даражасидаги вазифаси қуйидаги муаммоларни ҳал этишни кўзда тутди:

- Инвестиция бозорида самарали инвестицияни танлаб олишни таъминлаш;
- Техника-технология бозорида энг илғорини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш;

- Моддий-техника таъминотини асослаш;
- Хом-ашёни самарали ва сифатлисини танлаб олишни асослаш;
- Меҳнатни мақсадга мувофиқ тарзда шакллантиришни таъминлаш;
- Тайёр маҳсулот (иш, хизмат) бозорини ўрганиш;
- Инвестицияни инфляция шароитида баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш.

Лойиҳа таҳлили фанининг методи деганда унинг предметини қандай ўрганиш тушунилади. Лойиҳа таҳлилининг методига тўлиқ таъриф бериш учун унинг қаерда содир бўлишини, нима билан боғлиқлигини, усуллар мажмуасидан иборатлигини ҳисобга олиш лозим. Бу қўйилган талаб нафақат лойиҳа таҳлили фанига, балки бошқа иқтисодий фанлар методига таъриф беришда ҳам асос бўлади.

Лойиҳа таҳлили фанининг методи деганда хўжалик юритувчи субъектларда содир бўладиган инвестиция билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида уни олдиндан асослаш учун қўлланиладиган методологик ёндошувлар ва усуллар мажмуаси тушунилади.

Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган асосий усуллар бўлиб индукция ва дедукция, оддийликдан мураккаблик сари ўрганиш, миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига олиб келиши, сабаб натижасида оқибат, макон ва замон ҳисобланади. Ушбу усулларнинг айримларига тушунча бериб ўтамиз.

Индукция усули билан инвестиция лойиҳасини ўрганишда олдин унинг ҳар бир бўлаги алоҳида-алоҳида ўрганилади, сўнгра улар туркумларга жамланади ва инвестиция қўйиладиган объект ҳақида умумлашган ҳолда яхлит хулосага келинади. Бошқача қилиб айтганда, объектни ўрганишда хусусийликдан умумийлик сари тадқиқ қилиш тушунилади. Мисол учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик завод қуриб ишга туширишга инвестиция қўйилиши кўзда тутилди. Бундай ҳолатда олдин унинг ҳар бир соҳаси алоҳида ўрганилади, яъни қурилиш лойиҳасининг қиймати, кичик заводнинг қурилиши, уни жиҳозлаш, технологияларнинг самарадорлиги, ёрдамчи цехларнинг

қурилиши кабилар. Шундан сўнг шу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик заводни қуришнинг умумий инвестиция қиймати қанча, унинг самарадорлик даражаси, қопланиш муддати каби масалалар умумлаштирилиб, яхлит хулосага келинади.

Микдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига олиб келиши деганда, лойиҳа таҳлили нуқтаи назаридан, бирор объектга қўйиладиган инвестициянинг ҳажми меъёр даражасигача қанча кўп бўлса, ушбу объектнинг сифати ҳам шунча яхши бўлиши тушунилади. Бунга мисол тариқасида қурилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик заводни олиш мумкин. Уни юқори даражадаги замонавий технология билан жиҳозлаш учун оддий технология билан жиҳозлашга қараганда кўпроқ инвестиция, яъни микдор талаб қилади ва ҳоказо.

1.3. Лойиҳа таҳлили фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

Лойиҳа таҳлили фани иқтисодиёт назарияси, бизнес режа, иқтисодий таҳлил инвестиция, бухгалтерия ҳисоби, статистика, маркетинг, менежмент, молия, кредит каби иқтисодий фанлар билан узвий алоқада бўлади.

Лойиҳа таҳлили энг аввало **иқтисодиёт назарияси** фани билан боғлиқ. Бу фан иқтисодиётда содир бўлаётган қонуниятлар, қонунлар, уларнинг амал қилиш доираси, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари каби назарий муаммоларни ўргатади. Бу назарий қарашлар барча иқтисодий фанлар, хусусан лойиҳа таҳлили фани учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Лойиҳа таҳлили иқтисодиётдаги умумий қонуниятларнинг аниқ амал қилишини, уларнинг ижобий ва салбий натижаларини тадқиқ қилади ва маълумотлар орқали умумий қонуниятнинг у ёки бу томонга ўзгаришини, уларга аниқлик киритишни кўрсатиб беради.

Лойиҳа таҳлили фани **бизнес-режа** фани билан ҳам узвий боғлиқ, чунки бизнес-режани тузишда лойиҳа таҳлили усулларида тўлиқ фойдаланилади. Умуман олганда лойиҳа таҳлили бизнес-режани тузиш учун деярли барча кўрсаткичларни тайёрлаб беради. Бундан ташқари бизнес-режа кўрсаткичлари лойиҳа таҳлилини амалга оширишда солиштириладиган объект сифатида ҳам қўлланилади. Бизнес-режа ва лойиҳа таҳлили фанлари инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берадиган кўзгудир.

Лойиҳа таҳлили **бухгалтерия ҳисоби** фани билан ўзаро боғлиқдир. Инвестиция лойиҳасини тузиш жараёнида бухгалтерия ҳисобининг меъёрлари ва маъёрий ҳужжатлари, унинг айрим усулларида фойдаланилади. Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобида ифода этилган аниқ маълумотлар инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

Лойиҳа таҳлили **инвестиция фанининг** таркибий қисми сифатида ушбу фаннинг барча мавзуларини очишда унинг усулларида фойдаланилади. Шу билан бирга лойиҳа таҳлили фанининг ҳам, инвестиция фанининг ҳам тадқиқот объекти битта – инвестиция.

Лойиҳа таҳлили **менежмент** фани билан ҳам узвий алоқада. Таҳлил бошқарувнинг бир функцияси сифатида асосли қарорлар қабул қилиш учун доимо маълумотларни тайёрлаб беради. Бошқарув қарорларини, хўжалик фаолиятини, хусусан, инвестиция қўйишни чуқур ўрганмасдан туриб, қабул қилиш қийин.

Бошқарув эса, ўз навбатида лойиҳа таҳлиliga қайси йўналишларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини ҳам кўрсатиб беради.

Лойиҳа таҳлиlида кўплаб статистик усуллардан фойдаланилади. Айниқса, кўрсаткичларни келгуси истиқболиги аниқлашда бевосита статистик усуллар қўлланилади. **Статистика** фани лойиҳа таҳлиlи фанининг такомиллашувига, лойиҳа таҳлиlи фани эса статистика фанининг бойишига хизмат қилади.

Инвестиция бозорини ўрганишда **маркетинг** усулларида фойдаланмаслик мумкин эмас. Худди шундай маркетингни амалга оширишда эса лойиҳа таҳлиlи маълумотлари, келгусига мўлжалланган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш жараёнлари маркетинг учун муҳим ахборот бўлиб хизмат қилади. Инвестиция қўйишдан мақсад бирор маҳсулот ишлаб чиқариб (хизмат кўрсатиб, иш бажариб) фойда олишдан иборатдир. Лекин ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмолчиси, харидори бўлиши керак. Бу кимлар, улар қанча миқдорда харид қилиши мумкин ва шундан қанча фойда қилинади деган саволларга тўлиқ жавоб топиш учун маркетинг усуллари билишни тақозо этади.

Лойиҳа таҳлиlи иқтисодиётга оид бўлмаган фалсафа, математика, информатика, экология каби фанлар билан ҳам узвий боғлиқдир.

Шундай қилиб, лойиҳа таҳлиlи фани мустақил фан сифатида бошқа фанлар билан узвий боғлиқ. Шу фанлар замирида у такомиллашиб боради. Ўз навбатида лойиҳа таҳлиlи ҳам бошқа фанларнинг такомиллашуви учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

1.4.Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, турлари ва таркибий тузилиши

«Инвестиция» атамаси латин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш», «капитал қўйилмаси» маъносини беради. Кенг маънода инвестиция маблағни кўпайтириб ва қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестиция деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб, даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.

Инвестиция тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунда кўрсатилишича, инвестиция бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир. Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитида тўлалигича фаолият кўрсатишини аниқ тасдиқлайди. Жумладан, унда, биринчидан, инвестициянинг ўзига ва инвестиция фаолиятининг объектларига кенг таъриф берилган; иккинчидан, инвестициянинг бевосита

иктисодий ва ижтимоий самара олишга муқаррар боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Демак, инвестицияга бозор муносабатларидан келиб чиқиб берилган таърифнинг ўзидаёқ инвестицион жараённинг ҳажми, асосий босқичлари, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилма маблағлар (сарф-харажатлар), самара (даромад, фойда) аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. Худди шу каби ёндашув инвестицион фаолиятнинг бозор муносабатларига ўтиши учун замин яратади, бу эса молиявий моддий ва ақлий бойликларни қайта тақсимлашнинг вертикал ва горизонтал усулларида бир хилда фойдаланишни таъминлаб беради.

Иктисодий категория сифатида инвестиция қуйидагича таснифланади:

- бирламчи (авайланган) жамғарилган капитални қўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик объектларига жойлаштириш;
- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иктисодий муносабатлардир.

1998 йил 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига асосан тайинланиш объектига кўра инвестициялар қуйидаги турларга бўлинади: капитал, инновацион ва ижтимоий.

Капитал инвестицияларга асосий жамғармаларни ташкил этиш ва тиклаш ҳамда моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларида киритиладиган инвестициялар киради.

Инновацион инвестицияларга техника ва технологиянинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга киритиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар инсон салоҳияти, билимлари ва ишлаб чиқариш тажрибасини ҳамда номоддий бойликларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисида қабул қилинган қонунларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, инвестициянинг шартли равишда урта турини ажратиш мумкин:

- молиявий инвестициялар;
- моддий инвестициялар;
- ақлий (интеллектуал) инвестициялар.

Бозор иктисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол ва пасив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиӣ ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг хиллари бозор муносабатларининг нечоғлиқ ривожланганлигига, миллий бозорларнинг ўзига хос

томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-хуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, “ноу-хау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эгалик ҳуқуқлари киради.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора-тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади. Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқий шахслар (корхоналар, фирмалар, акционер жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни фойда олиш ва самарага эришишни режалаштиради.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштирок этади. Инвестиция объекти бўлиб, инвесторлар томонидан келгусида юқори даромад олиш учун иқтисодиётга йўналтирилган барча мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар ҳисобланади. Инвестиция субъектлари - инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкӣ ва интеллектуал бойликларга эга бўлган жисмонӣ, ҳуқуқӣ шахслар ва давлатдир.

Инвестиция субъектлари орасидаги муносабатлар ишлаб чиқариш хусусиятига эгадир. Капитал қўйилмалар шаклида инвестиция фаолиятини амалга ошириш субъектлари қуйидагилардир: инвесторлар, пудратчилар, капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчилар ва бошқалар.

Инвестициялар – бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капитал. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган фаоллар ҳисобланса, иқтисодӣ хусусиятига кўра, у янги корхоналар қуришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир.

Амалиётда инвестицияларнинг манбаларига кўра тузилиши билан бирга уларнинг тармоқ (худудӣ) тузилиши, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши, такрор ишлаб чиқариш тузилиши ва технологик тузилиши фарқланади.

Инвестицияларнинг тармоқ (худудӣ) тузилиши алоҳида тармоқ (худуд)нинг маълум даврда қилинган инвестиция сарфларидаги улушини кўрсатса, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши жами инвестициялар манбаи ва сарфидаги давлат ва нодавлат мулки объектларининг ҳиссасини кўрсатади. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши янги қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш мақсадларида сарфланган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши кўринишида аниқланади. Инвестицияларнинг технологик тузилиши қурилиш-монтаж ишлари, ускуна ва инвентарлар ҳамда бошқа харажатлар (лойиҳа-қидирув ишлари, бошқарув харажатлари ва х.к.)га қилинган харажатларнинг жами инвестиция харажатларидаги улушини кўрсатади.

Инвестиция қиритишда, аввало:

- инвестиция фаолияти субъектларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги;

- киритилаётган моддий неъматларга инвестиция мақомини бериш (фукаро ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун олган буюмлари инвестиция бўла олмайди);

- қонун билан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

1.5.Макроиктисодий назарияда инвестицияларнинг талқини

Макроиктисодий назарияда инвестициялар (**I**), уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (**C**), ҳукумат харажатлари (**G**) ҳамда соф экспорт харажатлари (**Xn**) билан бирга жами харажатларни (жами талаб) ташкил этади ёки унинг бир қисми деб қаралади, яъни:

$$YMM = C + I + G + Xn$$

Инвестиция маблағларининг асосий манбаи бўлиб мамлакатдаги уй хўжаликлари жамғармалари (**Sp**) ҳамда ҳукумат жамғармалари (**Sg**) ҳисобланади.

$$S = Sp + Sg$$

Очиқ иқтисодиёт шароитида бунга хорижга чиқариладиган мамлакат ички жамғармалари билан хориждан инвестициялар ва кредитлар кўринишида кириб келадиган жамғармалар ўртасидаги фарқ –(**Sxn**) ҳам қўшилади:

$$S = Sp + Sg + Sxn$$

Инвестициялар ҳажмидаги у ёки бу манба улуши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, мамлакатдаги даромадлар даражасига, ижтимоий тузилмага, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, иқтисодий сиёсат стратегиясига боғлиқ.

Маълумки, миллий иқтисодиётда яратилган ялпи даромад (**ЯММ**)нинг бир қисми турли шаклларда истеъмол қилинади, бир қисми эса юқорида кўрсатилган шаклларда жамғарилади. Миллий иқтисодиётга қилинган жами инвестиция харажатлари билан ялпи жамғармалар ўртасида тенгликка эришиш, яъни **I = S** айниятнинг таъминланиши макроиктисодий мувозанатга эришишнинг муҳим шартларидан биридир.


Бу айниятга ўз-ўзидан эришилмайди, чунки уй хўжаликлари нафақат сармоя сифатида фойдаланиш мақсадида, балки кутилмаган харажатлар, қимматроқ буюмлар харид қилиш учун ҳам маблағ жамғарадилар, яъни жамғармаларнинг бир қисми инвестицияларга келиб қўшилмайди. Бундай вазиятда ҳукумат инвестиция харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олиши ёки хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали юқоридаги айниятни таъминлаши, бу учун эса мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиши лозим. Самарали бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсати, инвесторларга яратилган кафолатлар ва имтиёзлар ҳамда макроиктисодий барқарорлик бу муҳитни белгиловчи шартлардир. Айниқса, инфляция суръатларининг юқори бўлиши жамиятда истеъмолга чекланган мойилликнинг ортишига, жамғармалар ва охи-оқибат инвестициялар ҳажмининг пасайишига олиб келади.

Инвестицияга кетган харажатнинг миқдори икки омилга боғлиқ: биринчиси – соф фойданинг кутилаётган меъёри, қайсики уни тадбиркорлар инвестицияга кетган харажатларидан олишни мўлжаллайди; иккинчиси – фоиз ставкаси ёки тадбиркор реал капитални сотиб олишга зарур бўлган пулга эга бўлиши учун тўлаши лозим бўлган баҳо. Агарда, кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда меъёридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Инвестиция харажатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Реал фоиз ставка нархлар даражасини ўзгаришини акс эттириб, номинал ставкадан инфляция даражасини айирмаси кўринишида аниқланади. Масалан, номинал фоиз ставкаси 12%га тенг бўлса, инфляция даражаси йилига 8% ташкил этса, унда реал фоиз ставкаси 4% ни (12%-8%) ташкил этади. Агарда, бу миқдор кутилаётган соф фойда меъёридан паст бўлса, инвестиция харажатлари ўсиб боради. Инвестиция талабининг эгри чизиғи исталган инвестиция ҳажми (I) ва реал фоиз ставкаси миқдори (r) ўртасидаги боғлиқликни ўрнатади. Реал фоиз ставкаси, яъни пул капиталини қарзга олиш баҳоси қанчалик юқори бўлса, инвестициялашни ҳоҳловчилар шунча кам бўлади ва аксинча реал фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, фойда келтирадиган инвестиция лойиҳалари шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам инвестиция функцияси графиги қуйига қараб оғма бўлади (1-чизма).

1-чизма

Инвестиция функциясининг графиги



Инвестицияга талаб формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$I_{\text{талаб}} = E - dR + nY$$

Бу ерда:

$I_{\text{талаб}}$ – иқтисодиётда инвестицияларга талаб ҳажми;

E – фоиз ставкаси нолга тенг бўлгандаги инвестицияларга максимал талаб ҳажми;

d – фоиз ставкаси ўзгаришига инвестициялар ҳажми ўзгариши боғлиқлигини кўрсатувчи эмпирик коэффицент;

R – банк фоиз ставкаси;

n – инвестициялашга чекланган мойиллик;

Y – жами даромад (ялпи миллий маҳсулот).

Инвестициялашга чекланган мойиллик инвестиция харажатларидаги ўзгариш миқдорининг (DI) жами даромадлар ўзгаришидаги (DY) улушини кўрсатади.

$$n = \frac{\Delta I}{\Delta Y}$$

Макроиқтисодий назарияда фоиз ставкаси билан инвестиция ҳажми ўртасидаги мавжуд боғлиқлик ҳисобга олинади ва кенг фойдаланилади. Фоиз ставкасининг миқдори пул-кредит сиёсатининг муҳим қуроли ҳисобланади. Давлат уни ўзгартириш орқали мамлакатдаги пул таклифини тартибга солиб туради. Фоиз ставкасини кўтарилиши пулнинг қимматлашуви ва унга бўлган талабнинг қисқараётганини билдиради. Демак, инвестиция харажатлари ҳам қисқариб боради. Ўз навбатида, инвестиция харажатларини қисқариши, келажакда миллий ишлаб чиқариш ҳажмини пасайишини билдиради.

Муҳокама учун саволлар:

1. Лойиҳа таҳлили фани нимани ўрганади?
2. Лойиҳа таҳлили фанининг объекти ва субъекти.
3. Лойиҳа таҳлили фанининг қандай методларини биласиз?
4. Лойиҳа таҳлили фани қайси фанлар билан узвий алоқада?
5. Инвестиция сўзи қандай маънони англатади?
6. Инвестицияга таъриф беринг.
7. Инвестициянинг қандай турлари мавжуд?
8. Моддий инвестициялар таркибига нималар киради?
9. Молиявий инвестициялар таркибига нималар киради?
10. Ақлий инвестициялар деганда нимани тушунасиз?
11. Макроиқтисодий назарияда инвестициялар талқини деганда нима тушунилади?

2-мавзу. Лойиҳа таҳлили концепцияси (4 соат).

Режа:

- 2.1.Лойиҳа тушунчаси ва таснифи.
- 2.2.Лойиҳа муҳити.
- 2.3.Лойиҳа ҳаёт цикли (даври)нинг асосий босқичлари.
- 2.4.Давлатнинг инвестиция лойиҳалари.
- 2.5.Лойиҳа иштирокчиларининг фаоллигини таъминлаш.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: *Лойиҳа, лойиҳа тури, лойиҳа синфи, монолойиҳа, мултилойиҳа, мегалойиҳа, лойиҳа кўлами, лойиҳа муҳити, лойиҳа давомийлиги, лойиҳа ҳаёт цикли, лойиҳа олди босқичи, лойиҳа таҳлили тузилмаси, лойиҳа зояси, лойиҳа соҳаси, инвестиция лойиҳаси, лойиҳа иштирокчилари, давлат инвестиция лойиҳалари.*

2.1.Лойиҳа тушунчаси ва таснифи

Лойиҳа – бу чекланган вақт давомида ҳамда белгиланган бюджет билан олдинга қўйилган мақсадларга эришишга хизмат қилувчи ўзаро боғланган тадбирлар мажмуидир.

Тармоқларда яратилаётган объектлар шу қадар мураккабки, уларни амалга ошириш ишлари лойиҳа эмас, балки дастур доирасида олиб борилади. Дастурлар узокроқ муддатга, кенгрок кўламга эга бўлиб, асосий мақсадга хизмат қилувчи бир неча лойиҳани ўз ичига олиши мумкин. Бу лойиҳалар дастурнинг хизмат муддати ва кўлами бўйича бир нечтани ташкил этиб, мақсади, тури бўйича ўзаро фарқ қилиши мумкин.

Лойиҳанинг белгилари ва таърифлар таҳлили асосида лойиҳанинг қуйидаги таърифи берилган: “Лойиҳа – бу алоҳида тизимнинг вақт билан чегараланган, мақсадга йўналтирилган ўзгариши бўлиб, у капитал ва ресурслар ҳамда махсус ташкилотлар харажатларининг тахминий доирасида белгиланган талаблар билан натижаларнинг сифатига қаратилгандир”.

“Алоҳида тизимлар” тушунчасига киритилиши нафақат лойиҳанинг тўлиқлиги ва унинг бошқа ташкилотлар билан чегараланганлигини кўрсатади, балки лойиҳанинг ягоналигини (серияли ишлаб чиқаришдан фарқли равишда) билдиради, демак, унинг бетакрорлигини ва янгилик (инновация) белгиларини ҳам реал ҳаётда дуч келинадиган лойиҳаларнинг турличалиги жуда каттадир. Улар киритилиш соҳалари, фан соҳасининг таркиби, кўлами, давомийлиги, қатнашувчиларнинг таркиби, қийинлик даражаси, натижалар таъсири ва ҳакозолар бўйича катта фарқ қилиши мумкин.

Лойиҳаларнинг таҳлили ва синтези қулайлиги учун турли хил бошқариш тизимлари турли асослар бўйича таснифланиши мумкин.

Лойиҳа тури (амалга оширилаётган лойиҳанинг асосий фаолият соҳалари бўйича): ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва аралаш.

Лойиҳа синфи (лойиҳа таркиби ва тизимини ҳамда унинг фан соҳаси бўйича): монолойиҳа, мултилойиҳа, мегалойиҳа. Монолойиҳа – бу ҳар хил тур, қурилиш ва ҳажмдаги алоҳида лойиҳадир. Мултилойиҳа – бу бир неча монолойиҳалар ташкил топган ва кўп лойиҳали бошқарувли тадбиқни талаб қилувчи комплекс лойиҳадир. Мегалойиҳа – бу таълим соҳаларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари бўлиб, бу тартибга бир қатор моно ва мултилойиҳалар киритилади.

Лойиҳа кўлами – (лойиҳанинг ҳажми, қатнашувчилар сони ва атроф-муҳитга таъсир даражаси бўйича): кичик лойиҳалар, ўрта лойиҳалар, йирик лойиҳалар, жуда йирик лойиҳалар. Лойиҳаларнинг бундай тақсимооти жуда шартлидир. Лойиҳа кўламларини аниқроқ шаклда кўриш мумкин. Давлатлараро, халқаро, миллий минтақалараро ва минтақа, тармоқлараро ва тармоқлар бўйича, кооператив, ташкилий лойиҳалар.

Лойиҳа давомийлиги (лойиҳани амалга ошириш вақти давомийлиги бўйича): қисқа муддатли - 3 йилгача, ўрта муддатли - 5 йилдан ортиқ.

Лойиҳаларнинг мураккаблиги (мураккаблик даражаси бўйича): оддий, мураккаб, жуда мураккаб.

Лойиҳа тури (лойиҳанинг фан соҳаси характери бўйича): инвестицион, инновацион, илмий-тадқиқот, аралаш. Инвестицион лойиҳаларга одатда, инвестицион қўйилмаларни талаб қилувчи, бош мақсади асосий фондларни ишлаб чиқариш яъни янгилаш бўлган лойиҳалар киритилади. Инновацион лойиҳаларга, тизимлар ривожланишини таъминлайдиган, бош мақсади янги технологияларни, ноу-хау ва бошқа янгиликларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўлган лойиҳалар киритилади.

Лойиҳаларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

1.Ўлчамлилик – лойиҳа бўйича фаолият ва кутилаётган натижаларни миқдорий ифодалаш имкониятларни мавжудлиги.

2.Вақт бўйича чекланганлиги – лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муддатлари чекланганлиги.

3.Алоҳида фаолият турлари билан боғлиқ ҳодисаларнинг аниқ белгиланган кетма кетлиги.

4.Мақсадга йўналтирилганлиги.

2.2..Лойиҳа муҳити

Лойиҳанинг амалга оширилиши маълум ички динамик ва ташқи муҳит қуршовида юз бериб, унга маълум таъсирини ўтказди. Шу билан бирга, қурилиш лойиҳаларида барпо этилаётган қурилма конструкцияларига тушадиган барча турдаги статистик ва динамик юкларни аниқлай олиш ва ҳисоблай олиш зарурлиги каби, кенгроқ кўламдаги лойиҳада ҳам, лойиҳага ва унинг муҳитига

таъсир қилиши мумкин бўлган барча иқтисодий, ижтимоий, молиявий, ташкилий омилларни аниқлаш ва ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Маълум шароитларда бундай омилларнинг ҳар бири лойиҳа учун хавфли бўлиб чиқиб, унинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Лойиҳа атроф-муҳит ўртасидаги муносабатни маълум бир маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона учун маҳсулотни ривожлантириш лойиҳаси мисолида кўриб чиқиш мумкин. Оддий, узоқ муддат фаолият кўрсатаётган ўзгаришлар ва янгиланиш шароитида талабнинг юзага чиқишига асос бўлиб хизмат қилади. Натижада лойиҳанинг пайдо бўлишига олиб келади. Қачонки лойиҳа ҳақиқатдан бошланган бўлса, у мустақил ривожлана бошлайди. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида унинг иштирокчилари ўз вазифаларини бажаришга диққат қаратадилар. Улар ўз лойиҳалари оламида яшашади, фикрлашади ва ҳаракат қилишади. Корхонани узоқ муддат доирасида ташкил қилишда, кичик нисбатан қисқа муддатли «лойиҳа» ташкилоти пайдо бўлди.

Лойиҳани амалга ошириш давомида корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш, бошқарувдаги оддий ҳаёти давом этаверади. Худди шу ҳолат лойиҳанинг муҳитига ҳам тегишли. Бу ерда ҳам ўзгаришлар юз бериб, улар корхона орқали лойиҳага таъсир этади. Лойиҳанинг мавжуд шарт-шароит ва уларни ривожидан ажралиб бўлмайди. Демак, олдиндан лойиҳанинг бевосита муҳитини, яъни корхонанинг ўзини ва атроф-муҳитини ҳисобга олиш керак. Уларнинг ўзгариши, натижасида, лойиҳа муваффақияти учун ҳал қилувчи ўринни эгаллаши мумкин. Лойиҳанинг ички муҳити омилларини кўриб чиқамиз.

Корхона раҳбарияти – лойиҳанинг мақсади ва асосий талабларини аниқлашнинг бош манбаи ҳисобланади. Корхонанинг ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб, раҳбарият мутахассисларнинг алоҳида талабларини умумлаштиради. Бунга раҳбариятнинг махсус талаблари: лойиҳани амалга ошириш талаби, бўлинмалар ва корхона мутахассислари томонидан лойиҳанинг мақсад ва талабларини тўғрилаш тартиби ва услубияти қўшилади.

Молия соҳаси – маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш ва лойиҳа харажатларини қоплаш учун калькуляциялар ҳисоби билан лойиҳанинг бюджет доирасини ҳамда лойиҳани молиялаштириш усуллари ва манбаларини аниқлайди.

Сотиш соҳаси – лойиҳанинг муҳим талаб ва шартларини ташкил қилади, бу эса сотиш бозорлари ва сотиб олувчиларни қарорлари билан аниқланадиган, рақобатчиларнинг мавжудлиги ва харажатлар билан боғлиқ.

Тайёрлаш соҳаси – ишлаб чиқариш воситалари бозори билан боғлиқ ва ўзининг махсус талабларини олдинга суради, мисол учун, технология ва ускуналардан фойдаланиш бўйича тавсиялар, туриб қолган ишлаб чиқариш майдонларини ишга тушириш талаби, маълум технологик жараёнлардан воз кечиш, ишлаб чиқариш воситалари бозори имкониятларининг лойиҳа талабларига мос келиши ва ҳоказо.

Моддий таъминот соҳаси – хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар бозори билан боғлиқ ва мақбул нархларда хом ашё, материал ва ускуналар билан таъминлаш имкониятидан келиб чиқиб, лойиҳага ўзининг талабларини қўяди.

Инфраструктура соҳаси – турли хизматлар бозори билан боғлиқ ва лойиҳага ва унинг таъминотида ўз талабларини қўяди. Бунга, рекламага, транспортга, алоқа

телекоммуникацияга, информацион ва бошқа тур таъминотга бўлган талаблар киритилади.

Корхона муҳитига қуйидагилар таъсир этади:

Сиёсий омиллар: сиёсий барқарорлик, лойиҳанинг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши, миллийлининг юзага чиқиши, жиноятчилик даражаси, иштирокчи мамлакатлар билан савдо баланси, ҳарбий бирлашмаларда иштирок этиш.

Иқтисодий омиллар: миллий хўжалик структураси, жавобгарлик ва мулкӣ ҳуқуқлар турлари, жумладан, ер ҳуқуқи, солиқлар, суғурталаш, инфляция даражаси ва валюта барқарорлиги, банк тизимининг ривожланганлиги, инвестициялар ва капитал қўйилмалар манбалари, тадбиркорлик эркинлиги ва мустақиллиги даражаси, бозор инфраструктураси ривожланганлиги, баҳолар даражаси, бозорлар ҳолати, савдо, инвестициялар, ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва маҳсулотлар, ишчи кучи ва бошқалар.

Жамият омиллари: ҳаёт даражаси ва шароитлари, таълим даражаси, кўчиб юриш эркинлиги, меҳнат қонунийлиги, соғлиқни сақлаш, дам олиш шароитлари, жамоат ташкилотлари, оммавий-ахборот воситалари, маҳаллий аҳолини лойиҳаларга муносабати.

Табиий ва экологик омиллар: табиий иқлим шароитлари, табиий ресурслар, транспорт тизимлари билан алоқа ва жойлашув, сув манбалари ва тупроқ қатлами, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик, тенденциялар таснифи ва экологик тизимларнинг ҳолати (ҳаво, сув ва тупроқ).

Инфратузилма омиллари: транспорт воситалари, алоқа ва коммуникация, информацион тизимлар, энергия таъминоти, хом ашё ва хизматлар, хўжалик тармоқлари, хизмат кўрсатувчи тизимлар ва бошқалар.

2.3.Лойиҳа ҳаёт цикли (даври)нинг асосий босқичлари.

Лойиҳа ҳаёт цикли (даври) деб, лойиҳа юзага келган вақтдан токи у тугатилгунга қадар ўтган вақт оралиғига айтилади. Лойиҳа босиб ўтиши лозим бўлган ҳолатларга эса **фазалар, босқичлар** дейилади. Лойиҳалар ҳаёт цикли (даври) нинг қуйидаги босқичлари фарқланади:

I. Инвестиция олди босқичи.

- а) инвестиция имкониятларининг таҳлили;
- б) дастлабки техник-иқтисодий асослаш;
- в) техник-иқтисодий асослаш;
- г) инвестиция имкониятлари тўғрисида ахборот.

II. Инвестиция босқичи.

- а) музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш;
- б) лойиҳалаштириш;
- в) қуриш(қурилиш ишларини амалга ошириш);
- г) маркетинг;
- д) ходимларни ўқитиш.

III. Эксплуатация босқичи.

- а) қабул қилиш ва ишга тушириш;
- б) ускуналарни алмаштириш (янгилаш);
- в) кенгайтириш, инновация.

Меҳнат сиғимига кўра, ЛХЦ ни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

Босқичлар	Концепция	Режалаштириш	Лойиҳалаштириш	Қурилиш	Яқунлаш
Вақт	3 %	5%	20%	60%	12%

Лойиҳанинг концепциясини ишлаб чиқиш лойиҳанинг якуний мақсадлари ва бу мақсадларга эришиш йўллариини белгилашни ўз ичига олади. Бунда муқобил мақсадлар кўриб чиқилади, ҳажмлар, муддатлар, фойда хажми миқдоран солиштирилади.

Лойиҳани яшовчанлигини баҳолаш дастлабки техник-иқтисодий асослаш мазмунини ташкил этади. Бунда бир неча муқобил вариантлар кўриб чиқилади ва қиймати ҳамда фойда бўйича баҳоланади. Лойиҳани режалаштириш босқичида лойиҳа бўйича ишлар режаси тузилади. Бу режада ишларнинг таркибий ва вақт бўйича босқичлари, ижрочилари аниқланади. Биз фақат инвестиция олди босқичини ўрганамиз, холос. ЛХЦни характерлаган ҳолда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Лойиҳа ғояси.
2. Муаммо таҳлили (мақсадлар, талаблар, вазифалар).
3. Концепцияни ишлаб чиқиш (ишлаб чиқишга қўйилган талаблар, амалга ошириш имкониятлари таҳлили, муқобил концепциялар).
4. Лойиҳани ишлаб чиқиш.
5. Лойиҳани амалга ошириш (иш ҳужжатлари, харид, синов, қабул қилиш).
6. Эксплуатация (натижалар синов, техник хизмат кўрсатиш).
7. Тугатиш (демонтаж, сотиш, ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилиш ва янги лойиҳа).

Лойиҳани ишлаб чиқишнинг турли босқичларида турли даражадаги аниқликка эришилади ва таваккалчиликка йўл қўйилади.

2.4. Давлатнинг инвестиция лойиҳалари

Лойиҳа таҳлилининг турли бўлимлари доирасидаги тадқиқотлар лойиҳанинг ўзаро келишиб олинган вазифаларидан келиб чиқиб олиб борилиши лозим. Кўпинча бу вазифалар, ҳудуддаги маҳаллий шароитлар лойиҳани амалга оширишга кўрсатадиган таъсирни ҳисобга олган ҳолда алоҳида секторларни ривожлантириш дастурларини акс эттиради. Бу вазифалар характерига қуйидагилар ҳам таъсир кўрсатади:

- турли тадбирларни ўтказишни кимга (давлат ёки хусусий секторга) топшириш тўғрисида жамиятнинг ҳоҳиш-иродаси.

- давлат лойиҳалари олдига қўйилган мақсадлар бўйича ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро келишувга эришишига ёрдам берувчи жараёнлар.

Илмий-тадқиқотлар якунлари ҳамда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, давлатнинг фаоллиги кўламларини қисқартириш ҳамда давлат дастурларини хусусий иқтисодий фаолият учун қулай сиёсий шароитлар яратишга йўналтириш фойдалироқ бўлар экан. Бозор иқтисодиётига эга давлатларда ҳам сиёсатчилар ва иқтисодчилар давлатнинг нафақат бевосита давлат корхоналари фаолиятидаги ролига, шу билан бирга давлат анъанавий иштирок этиб келган инфратузилма ва ижтимоий хизматлар соҳасидаги ролига ҳам иккиланиш (шубҳа) билан қарашади.

Хусусий секторнинг бу соҳаларда иштирок этиш учун интилишига бош сабаб менежерлар шахсан жавобгар бўлган шароитда объектлар фаолияти самарадорлигини ошириш имконияти мавжудлиги ҳисобланади. Хусусий инвесторлар маиший хизматларга муваффақиятли жалб қилинган ҳолларда молиявий ресурсларга эга бўлиш имкониятлари кенгайишидан ҳам маълум маънода манфаатдорлик келиб чиқади.

Пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсат юритаётган мамлакатларда инвестицияланган капиталлардан келадиган даромад анча юқори. Иқтисодиётдаги хатоликлар нисбатан катта бўлмаган мамлакатларда инвестициялардан келадиган самара 10%дан анча ортиқ ва 20%гача ҳамда ундан ҳам кўпроққа етади. Нотўғри макроиқтисодий сиёсат юритаётган (шунингдек, валюта мукофоти юқори бўлган) мамлакатларда инвестициялардан келадиган самара (қайтим) бор-йўғи 10% га етади ва кўпинча ундан ҳам паст бўлади.

Макроиқтисодий сиёсатни тўғри ва нотўғри олиб бораётган ҳар иккала гуруҳ давлатларида ҳам хусусий, ҳам давлат инвестицияларидан олинadиган фойда жами инвестицияларнинг миллий ҳажмидаги давлат инвестициялари улушига мутаносиб тарзда ўзгаради. Давлат инвестициялари улуши паст бўлган шароитда инвестиция самараси (қайтими) юқори бўлиши, бу улуш 40% гача ва ундан юқори бўлса, кескин пасайиб кетиши кузатилади.

Кузатилган бу икки қонуният ҳам давлат фаолиятини ўзгартириш, яъни макроиқтисодий хатоликларни қисқартириш ва иқтисодий фаолиятда давлат родини пасайтириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида хусусий секторнинг макроиқтисодий сиёсат мақсадларини белгилашда ҳамда лойиҳаларда иштироки кенгайтирилгандагина бундай ўзгаришлардан ютуққа эришиш мумкин.

Хусусий капитал иштироки учун шароитларни яхшилаш зарурати лойиҳаларни ким амалга ошириши кераклиги ҳамда хусусий капитал иштироки кўзда тутилган лойиҳаларни ким ишлаб чиқиши кераклиги тўғрисида сўров ўтказишни, шунингдек, мавжуд давлат тузилмалари ва сиёсати иқтисодиётнинг янги секторларга хусусий капитални киритишга қай даражада ёрдам бериши ёки тўсқинлик қилишини кўриб чиқиш зарур.

2.5.Лойиҳа иштирокчиларининг фаоллигини таъминлаш

Лойиҳа мақсади, таҳлил чизмаси ва режалаштириш барча манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги жараёнида мунтазам мувофиқлаштириб борилсагина, давлат ихтиёрида қолган лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Бу манфаатдор томонлар жумласига лойиҳа туфайли зарар кўрувчилар ҳам, фойда олувчилар ҳам, лойиҳани амалга ошириш ва эксплуатация қилиш учун масъул бўлган ташкилот ходимлари ҳам, шунингдек, давлат бошқарув идоралари, сиёсатчилар ҳамда молиячилар ҳам киради.

Лойиҳа вазифалари ва кўламини белгилаш учун ҳамда лойиҳани тайёрлашда, бошқаришда, ишлаб чиқариш графигини ўрнатишда турли гуруҳларнинг ролини ва масъулиятини аниқлаш учун бу гуруҳлар иштирокида (ҳамкорлигида) режалар ишлаб чиқиш жараёнидан тобора кўп фойдаланилмоқда. Лойиҳаларни режалаштиришга бундай ёндашув икки томонлама устунликка эга. Биринчидан лойиҳаларни ҳамкорликда режалаштириш ўзаро келишувга эришишга ёрдам беради ҳамда иштирокчиларни лойиҳа мақсадлари ва вазифаларига тарафдорликларини таъминлайди. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай режалаштирилган лойиҳа муваффақиятли ва яшовчан бўлади. Иккинчидан, турлича манфаатларга эга бўлган иштирокчиларнинг жалб қилиниши экспертлар гуруҳлари ўртасида лойиҳа харажатлари ва натижаларининг нисбий қиймати тўғрисидаги тортишувларга нисбатан самаралироқдир.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг турли лойиҳалари шундай натижаларга олиб келадики, уларни объектив баҳолаб бўлмайди (масалан: ҳайвонот турларини йўқолиб кетиши). Агар режалаштириш жараёнига манфаатдор томонлар, керак бўлса, маҳаллий аҳоли ва халқаро жамият жалб этилса, илгари ечилиши гумон бўлган муаммоларни ечиш учун ҳам имкон топилиши мумкин.

Муҳокама учун саволлар:

1. Лойиҳа тушунчаси.
2. Лойиҳа таснифлари.
3. Лойиҳанинг асосий хусусиятлари.
4. Лойиҳа муҳити деганда нима тушунилади?
5. Лойиҳа кўлами деганда нима тушунилади?
6. Лойиҳа синфи деганда нима тушунилади?
7. Мегалойиҳа, монолойиҳа, мултилойиҳа.
8. Лойиҳанинг қандай босқичлари мавжуд?
9. Инвестиция олди босқичи ўз ичига нималарни олади?
10. Инвестиция босқичи ўз ичига нималарни олади?
11. Давлат инвестиция лойиҳалари.

3-мавзу. Лойиҳаларни тайёрлаш. (4 соат)

Режа:

- 3.1. Лойиҳаларни тайёрлаш. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш бочқичлари.
- 3.2. Лойиҳани тайёрлашда инвестиция имкониятларини излашни ташкил этиш.
- 3.3. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш.
- 3.4. Лойиҳани техник-иқтисодий асослаш ва унинг ташкилий тузилмаси.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: Лойиҳа, лойиҳаларни тайёрлаш, инвестиция лойиҳалари, тайёрлаш босқичлари, инвестиция олди босқичи, инвестиция босқичи, эксплуатация босқичи, лойиҳа принциплари, лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш, лойиҳани техник асослаш, бизнес-режа, лойиҳани иқтисодий асослаш, лойиҳанинг ташкилий тузилмаси.

3.1. Лойиҳаларни тайёрлаш. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш бочқичлари.

Лойиҳалар маълум илмий-тадқиқот, илмий изланишлар ва маркетинг тадқиқотлари натижасида тузилади ва илмий жиҳатдан асосланади. Изланишлар натижаси сифатида аниқ ғоя ва лойиҳанинг концепцияси яратилади. Ғоя эса реал ва аниқ давр билан чегараланади. Лойиҳани амалга оширишда йўлбошчининг роли бениҳоя каттадир. Шу билан бирга лойиҳанинг муҳити қулай ва рағбатлантириш механизми самарали бўлиши керак. Лойиҳа йўлбошчиси ўз атрофига профессионал мутахассислардан иборат жамоани тўплай олсагина, ҳар томонлама асосланган лойиҳани яратишни таъминлаши мумкин.

Корхонанинг инвестиция лойиҳасини корхона раҳбари ва унинг етук мутахассислари ишлаб чиқишади. Агар корхона мутахассисларининг билими ва тажрибаси етарли бўлмаса, профессионал маслаҳатчилар хизматидан фойдаланилади. Агар йирик лойиҳалар кўп компонентларга эга бўлса, бундай лойиҳаларни тайёрлашга халқаро тажрибага эга бўлган экспертлар ва маҳаллий мутахассислар жалб этилади. Уларнинг билим ва тажрибалари тайёрланган лойиҳаларнинг реал ва илмий асосланганлигини таъминлайди. Лойиҳаларнинг реал бўлиши учун, шунингдек, уларни тайёрлаш жараёнида экспертларнинг хулосасини олиш мақсадга мувофиқдир. Баъзи ҳолларда лойиҳаларни тайёрлаш жараёнида уларнинг самарадорлиги пастлиги ва амалиётга тадбиқ этиш қийинлиги экспертлар тамонидан исботланади. Натижада келгусидаги унумсиз харажатларнинг олди олинади.

Инвестиция лойиҳаларини халқаро тажрибада ўқта йирик босқичга бўладилар:

- инвестиция олди босқичи;
- инвестиция босқичи;
- янгидан вужудга келган объектларни эксплуатация қилиш босқичи.

Лойиҳа таҳлили фанининг асосий вазифаси биринчи босқич тўғрисида фикр юритишдир. БМТнинг лойиҳаларни молиялаштириш бўлими томонидан чиқарилган бюллетенида инвестиция олди босқичини тўртда йўналишга бўлиб ўрганиш тавсия этилади. Булар:

- инвестиция концепцияларини танлаш;
- дастлабки (бирламчи) лойиҳаларни вужудга келтириш;
- якуний лойиҳани вужудга келтириш ва унинг техник-иқтисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллигини баҳолаш;
- лойиҳанинг якуний муҳокамаси ва у бўйича маълум қарорга келиш.

Инвестиция олди босқичини бундай йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки аввал корхонанинг ёки тармоқнинг инвестиция ёрдамида ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконияти бор ёки йўқлигини аниқлаш керак. Бундан кейин инвестиция ҳақидаги фикрларни чуқур ўрганиб чиқиш ва шу асосда бизнес-режани вужудга келтириш лозим. Агар бу режа инвестор ва буюртмачида қизиқиш уйғотса ишни кейинги босқичларда давом эттириш лозим. Бу йўналиш бизнес-режани чуқур таҳлил-қилиш ва уни иқтисодий-молиявий томондан баҳолашдан иборат. Агар бу изланишлар натижаси ижобий бўлса, лойиҳаларни вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган охирги хулоса чиқариш йўналишсига ўтиш тавсия этилади. Индустриал ривожланган мамлакатларда инвестиция олди босқичини вужудга келтириш лойиҳа қийматининг 1,5-5% ҳажмидаги харажатни талаб этади. Албатта, бу ерда лойиҳа қиймати ҳажми асосий роль ўйнайди. Умумий инвестиция харажатларидаги инвестиция олди босқичининг йўналишлари бўйича харажатлар улуши қуйидагича: биринчи йўналишда 0,2 - 1,0%, иккинчи йўналишда 0,25 - 1,5 %, учинчи йўналишда катта лойиҳалар бўйича 0,2 - 1,2 %, кичиклари бўйича эса 1,0 - 3,0%ни ташкил этади.

Инвестиция олди босқичида муқобил вариантларга эга бўлган бир неча лойиҳалар ўрганилади ва улардан самарадорлиги пастлари ёки самара бермайдиганлари чиқариб юборилади. Бундай лойиҳалар келгуси йўналишларда қўрилмайди ва бу билан жуда катта маблағ тежаб қолинади. Лойиҳаларнинг инвестиция олди босқичини қуйидаги 2-чизма кўринишида ифодалаш мумкин.



3.2. Лойиҳани тайёрлашда инвестиция имкониятларини излашни ташкил этиш.

Инвестиция лойиҳалари учун ғояларни қидириш ва улар ичида маъбулини танлаб олиш жуда мураккаб ҳамда масъулиятли вазифадир. Биринчидан, бу муаммони ечиш учун лойиҳани вужудга келтиришдан ким мафаатдор эканлигини билишимиз зарур. Агар бу лойиҳа ишлаб турган корхона учун бўлса, унда инвестиция концепцияси шу тармоқда йиғилган тажриба, ундаги ходимларнинг малакаси, бозор муаммолари маълум маънода белгилангандир. Бу корхоналарни бошқарувчи идоралар ҳам инвестиция концепциясини вужудга келтиришда қийналмайдилар. Улар учун бундай лойиҳани амалга ошириш зарурати, корхона маҳсулотлари ҳозирча мавжуд талабни етарлича қондира олмаслиги, ёки шу тармоқ шу даврда устувор тармоқ эканлиги ҳам белгилаб берилади.

Халқаро тажрибада турли соҳадаги корхоналар учун инвестиция концепцияларини излаб топиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган дастлабки шарт-шароитларнинг қуйидаги таснифи (классификацияси) қабул қилинган:

- ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш учун зарур бўлган фойдали қазилмалар ресурсларининг мавжудлиги;

- қишлоқ хўжалигининг агросаноат комплекси доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар доираси ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш потенциалини белгилаб берувчи имкониятлари ва анъаналари;

- ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар таъсирида ёки бозорда янги товар вужудга келиши натижасида талаб ҳажми ва таркибида келажақда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни баҳолаш (Масалан, радиотехниканинг ривожланиши грампластинкалар ишлаб чиқарувчи корхона учун инвестиция концепцияларини яратишда туртки бўлиб хизмат қилади);

- импорт тузилмаси ва ҳажми. Бу кўрсаткичлар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни яратишга йўналтирилган лойиҳаларни вужудга келтиришга туртки бўлиши мумкин;

- ўхшаш ресурслар ва ижтимоий-иқтисодий даражага эга бўлган давлатларнинг ишлаб чиқариш тузилмасини ривожлантириш бўйича тажрибалари ва анъаналари;

- миллий ёки жаҳон иқтисодиёти доирасида истеъмолчи тармоқларда юзага келган ёки келиши мумкин бўлган эҳтиёжлар;

- истеъмолчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш режалари тўғрисидаги ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга жаҳон бозорида талабнинг ўзгаришини характерловчи ахборотлар;

- ягона хом ашё базасида турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг маълум ва янгидан топилган имкониятлари;

- оммавий ишлаб чиқаришдан иқтисодий тежамкорликка эришиш мақсадида ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш;

- умумиқтисодий шарт-шароитлар (масалан, ҳукумат томонидан қулай инвестиция муҳитининг яратилиши, миллий валюта алмашинув курсининг ўзгартирилиши натижасида экспорт имкониятларининг яхшиланиши ва х.к.).

Юқорида келтирилганлар лойиҳаларни инвестициялаш учун умумий шарт-шароитлар ҳисобланади. Бу шарт-шароитлар хали лойиҳаларни ташкил этиш учун тўлиқ асос бўла олмайди. У ёки бу лойиҳа концепциясининг кейинги босқичларини давом эттириш ёки эттирмаслик учун мутахассисларнинг чуқур таҳлили натижалари зарур бўлади. Молиявий манбалардаги ахборотлар етарли бўлишига қарамай, инвестор ўзича бирор-бир қарорга келишдан хавфсирайди. Бундан ташқари турли таҳлилларга сарф этиш учун унинг вақти ҳам йўқ. Шунинг учун инвестор ҳар хил консультантларга мурожаат этишни лозим кўради. Инвестиция бўйича консультантлар - булар шундай шахс ёки фирмаларки, уларнинг асосий вазифаси ўз мижозларига маблағларни қайси лойиҳага сарф этишни тавсия этишдан иборат.

3.3. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш

Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш йўналишининг асосини бизнес-режа ташкил этади. Кичик лойиҳалар учун бизнес-режа биринчи даражали асословчи ҳужжат ҳисоблансада, катта лойиҳаларни тайёрлашда оралиқ ҳужжат вазифасини

ўтайди, холос. Бундай бизнес-режасининг вазифаси қуйидаги саволларга жавоб топишдан иборат:

- Инвестиция лойиҳасининг концепцияси лойиҳа устида ишни давом эттириб, техник-иқтисодий ва молиявий жиҳатдан фойдали эканлигини баҳолаш учун ҳужжатлар тайёрлашга арзирдиган даражада қизиқарли ва фойдалими?

- Бу концепцияда келажакдаги муваффақият учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган, шу сабабли алоҳида эътибор билан тадқиқ қилиниши шарт бўлган жиҳатлар борми?

Бизнес-режа инвестиция лойиҳаларини асослайдиган, лойиҳаларнинг имкониятларини белгилайдиган, даромад ва харажатларни ҳисоблайдиган, маблағ оқимини кўрсатадиган муҳим ҳужжатдир. Бу ҳужжат орқали лойиҳалар бошқарилади. Бизнес-режанинг асосий вазифаси лойиҳаларга системали баҳо беришдан иборатдир.

Бизнес-режа иқтисодчи ва ишбилармонларга қуйидаги тўртта асосий масалани ечишда ёрдам бериши керак:

- бозор сиғими ва уни ривожланиш истиқболларини ўрганишда;
- бу бозорга зарур бўлган маҳсулотларни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни баҳолаш ва бу харажатларни товарларни сотиш баҳолари билан солиштириб, мўлжалланган ишнинг фойдалилиги даражасини аниқлашда;
- янги бизнеснинг биринчи йилларида бозорда кутилиши мумкин бўлган тўсиқларни аниқлашда;
- иш ривожланаётганлиги, ёки орқага кетаётганлигини доимий баҳолаб бориш имконини берувчи сигнал-кўрсаткичларни аниқлаш.

Бизнес-режа истиқбол характерга эга бўлиб, уни камида 3 йил ёки 5 йил олдинга тузиш тавсия этилади. Бизнес-режада биринчи йил муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун режа кўрсаткичлари ойлар бўйича, иккинчи йили чорак (квартал)лар бўйича, кейинги йилларда эса йилда бир марта ифода этилади. Бизнес-режа маълум бир тузилмага эга бўлиши керак. Масалан, ЮНИДО маълумотномасида бу тузилмада, қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларни таҳлил қилишга бағишланган қуйидаги бўлимларни ажратиш кўрсатиш тавсия этилган:

- товар ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилмаси. Бозор сиғимини ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш бу учун асос бўлиб ҳисобланади;

- маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ресурслар ассортименти ва ҳажми;

- янги ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг техник асослари: келгусидаги технологиялар ва уларни реализация қилишни таъминловчи ускуналар парки тавсифи;

- ишлаб чиқариш, бошқарув ва савдо ходимлари ишини таъминлаш учун сарфланадиган харажатлар ҳажми ва тузилмаси;

- ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимлари иш фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, меҳнат ҳақи масалалари;

- лойиҳани амалга оширишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, шу жумладан, янги ташкил қилинган объектларнинг ҳуқуқий мақоми;

- лойиҳани молиявий таъминлаш, яъни зарур инвестиция суммалари, тахминий ишлаб чиқариш харажатлари, шунингдек, инвестиция ресурсларини олиш имкониятларни ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш.

Маҳсулотлар реализация қилинадиган бозор ва рақобатни баҳолаш бизнес-режада катта ўрин тутаяди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз нисбатда сифатли, охириги техника ва технология талабларига жавоб берадиган бўлишининг ўзи хали ижтимоий натижа эмас. Энг муҳими, маҳсулотингиз истеъмолчига керакли бўлиши ва у реализация қилиниши керак. Шунинг учун бу бўлимнинг асосий вазифаси сизнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотингиз ўз истеъмолчисини топа олиши ва рақобатга чидамлилигига инвесторни ишонтира олишдан иборатдир.

Маҳсулот реализация қилинадиган бозорларни ўрганиш даврида, уларни тўрт гуруҳга бўлади:

- сиз ишлаб чиқарадиган маҳсулотингизни истеъмолчилар билмайдиган бозорлар;

- ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотингизни истеъмолчилар билмайдиган, лекин сотиб олмайдиган бозорлар;

- сизнинг рақобатчингиз маҳсулотини сотиб оладиган бозорлар;

- истеъмолчилар сизнинг маҳсулотингизни сотиб оладиган бозорлар.

Ана шу бозор турлари чуқур таҳлил қилингандан кейин лойиҳа маҳсулотини қаерда ва неча сўмдан сотиш кераклиги аниқланади.

Бизнес-режадан ташқари, агар инвестиция асосий фондларни кенгайтириш ёки реконструкция қилишга сарф этилса, унга смета ҳам тузилади.

3.4. Лойиҳани техник-иқтисодий асослаш ва унинг ташкилий тузилмаси

Лойиҳаларни техник-иқтисодий ва молиявий асослашда, унинг барча жиҳатлари (яъни техник, молиявий, тижорат жиҳатлари) билан боғлиқ бўлган муаммоларни муқобил суратда кўриб чиқилади. Бу вазифани фақат иқтисодчиларнинг ўзларигина уддалай олмайдилар, шу сабабли лойиҳаларни тайёрлашнинг бу босқичида турли соҳадаги мутахассислар гуруҳи иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Булар:

- шу тармоқда иш тажрибасига эга бўлган иқтисодчи (иложи бўлса мутахассислар гуруҳига иқтисодчи раҳбарлик қилиши керак);

- маҳсулот реализация қилинадиган бозорни таҳлил қиладиган мутахассис (маркетолог);

- маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини яхши биладиган бир ёки бир неча муҳандис-технолог;

- маҳсулот хусусиятларини, уни сотишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, хизмат кўрсатишни яхши биладиган муҳандис-конструктор;

- шунга ўхшаш ишлаб чиқаришларни барпо этиш билан шуғулланган қурувчи-муҳандис;

- шу турдаги ишлаб чиқаришларда харажатлар ҳисобини юритиш бўйича мутахассис.

Доим ишловчи мутахассислар билан бир қаторда гуруҳ ишида лойиҳанинг айрим муаммолари бўйича мутахассислар ҳам (масалан, экологлар) вақти-вақти билан жалб этилиши мумкин. Лойиҳани қабул қилишга, яъни уни қабул қилишга қандайдир омиллар таъсир кўрсатиши аниқланса, лойиҳа гуруҳи дархол бу тўсиқни бартараф этувчи муқобил ечимларни топиши лозим.

Лойиҳани якуний шакллантириш ва уни тўлиқ техник-иқтисодий ва молиявий асослашнинг мазмунини якуний қарорга келиш учун зарур бўлган барча турдаги маълумотларни тайёрлаш ташкил этади.

Лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш деганда - уларнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ва стандартлигини кўрсатадиган, ҳисобланадиган ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш тушунилади.

Бу инвестиция олди ҳужжат бўлиб, унда лойиҳалар муҳандислик - конструкторлик, қурилиш-технологик томондан асосланади. Тажрибада бу жараёнга бир ёклама ёндашиш унинг ҳамма лойиҳалар учун бир хил моделини топиш жуда қийин.

Техник-иқтисодий асослашнинг бўлимларининг тахминий тузилмаси қуйида келтирилган:

1. Лойиҳаларни вужудга келтириш шарт-шароитлари ва ғояси:
 - 1.1. Лойиҳа ғоясининг мазмуни.
 - 1.2. Лойиҳа ташаббуслари.
 - 1.3. Лойиҳа бўйича маълумотлар.
2. Бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси:
 - 2.1. Умумиқтисодий таҳлил.
 - 2.2. Маркетинг бўйича изланишлар.
 - 2.3. Лойиҳа стратегияси асослари.
 - 2.4. Маркетинг концепцияси.
 - 2.5. Маркетинг тармоқлари ва харажатлари.
3. Лойиҳани ресурслар билан таъминланганлиги:
 - 3.1. Хом ашё ва материаллар таснифи (классификацияси).
 - 3.2. Материалларга бўлган талабнинг ўзига хос хусусиятлари.
 - 3.3. Материал ресурслар мавжудлиги ва уларни етказиб бериш.
 - 3.4. Материалларни етказиб бериш маркетинги.
 - 3.5. Бутловчи маҳсулотлар ва материал ресурслар харажатлари.
4. Лойиҳалардаги объектларни жойлашадиган ўрни ва атроф-муҳит:
 - 4.1. Объект жойлашадиган жой таҳлили.
 - 4.2. Табиий муҳит.
 - 4.3. Атроф-муҳитнинг таъсирини баҳолаш.
 - 4.4. Ижтимоий-иқтисодий сиёсат.
 - 4.5. Лойиҳаларнинг инфратузилмаси ҳолати.
 - 4.6. Лойиҳа учун жойни танлаш.
5. Лойиҳалаш ва технология:
 - 5.1. Ишлаб чиқариш дастури ва қувватлар.
 - 5.2. Лойиҳа учун технология танлаш.

- 5.3. Лойиҳа учун технология сотиб олиш.
 - 5.4. Лойиҳа учун асосий ҳужжатларни тайёрлаш.
 - 5.5. Лойиҳа учун керакли машиналар ва ускуналарни танлаш.
 - 5.6. Аҳоли учун уй-жой қуриш.
 - 5.7. Техникавий хизмат кўрсатишга қўйиладиган талаблар.
 - 5.8. Умумий инвестиция харажатларини баҳолаш.
 6. Лойиҳалар кўрсатилган корхонани ташкил қилиш ва бошқа харажатлар:
 - 6.1. Корхонани бошқаришни ташкил этиш.
 - 6.2. Лойиҳалашни ташкил этиш.
 - 6.3. Умумхўжалик ва умумишлаб чиқариш харажатлари.
 7. Меҳнат ресурслари:
 - 7.1. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит.
 - 7.2. Ходимларнинг тоифа бўйича меҳнат ресурсларига талаби.
 - 7.3. Штат жадвали.
 - 7.4. Ходимларни ўқитиш-ўргатиш ва қайта тайёрлаш режаси.
 - 7.4. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини баҳолаш.
 8. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштириш:
 - 8.1. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштиришнинг мақсади.
 - 8.2. Лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари.
 - 8.3. Лойиҳаларни амалга ошириш графиги.
 - 8.4. Лойиҳаларни амалга ошириш бюджети.
 9. Инвестиция лойиҳаларини молиявий таҳлили ва инвестицияларни баҳолаш:
 - 9.1. Лойиҳалар молиявий таҳлилининг мақсади ва вазифалари.
 - 9.2. Лойиҳа харажатларини баҳолашнинг таҳлили.
 - 9.3. Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услуби.
 - 9.4. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.
- Лойиҳа ғоясида инвестициянинг аниқ мазмунини ифода қилиш ва инвесторларнинг нима учун бу лойиҳага қизиқиши сабабларини белгилаб бериш зарур. Бу бўлимда лойиҳанинг тарихи, ғоянинг вужудга келиш сабаби, у бўйича олдин қилинган изланишлар баёноти берилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Лойиҳаларни тайёрлаш деганда нима тушунилади?
2. Лойиҳаларни тайёрлаш босқичлари айтинг.
3. Инвестиция олди босқичи таркиби.
4. Лойиҳани ишлаб чиқиш принципларини айтинг.
5. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш деганда нима тушунилади?
6. Бизнес-режа нима?
7. Лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш деганда нима тушунилади?
8. Лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш тузилмасини айтинг.

4-мавзу. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари. (4 соат)

Режа:

- 4.1.Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг моҳияти.
- 4.2.Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг услублари.
- 4.3.Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари.
- 4.4.Инвестиция лойиҳаларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари.
- 4.5.Инвестицион лойиҳаларни баҳолашни такомиллаштириш йўллари.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

***Таянч иборалар:** Инвестиция лойиҳалари, молиявий-иқтисодий баҳолаш, баҳолаш услублари, дисконтлаштириш концепцияси, соф жорий қиймат, инвестициялар рентабеллиги, ички фойда меъёри, мунозарали лойиҳа, лойиҳаларни молиялаштириш, самарадорлик, инвестиция самарадорлиги, иқтисодий самарадорлик, инвестиция нормаси.*

4.1.Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг моҳияти

Реал активларга маблағ сарф қилишнинг мақбул вариантларини танлаш ва асослаб бериш жараёнида инвестиция лойиҳаларини иқтисодий-молиявий баҳолашнинг аҳамияти жуда катта. Бошқа барча жиҳатлари ижобий бўлгани ҳолда ҳам қуйидаги шартларни таъминламаган лойиҳа амалга ошириш учун қабул қилинмайди:

- товарларнинг реализация қилинишидан келган даромадлар сарф этилган харажатларни қопламаса;
- лойиҳани маблағ билан таъминлайдиган инвестор ўртача фойда меъёридан кам бўлмаган рентабелликка эришмаса;
- инвестор учун маъқул келадиган давр ичида харажатлар қопланмаса.

Мана шу шартларнинг бажарилиши реал эканлигини аниқлаш инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай баҳолашни ўтказиш бир қанча сабабларга кўра, анча қийин. Бу сабаблар қуйидагилардир:

- биринчидан, инвестиция харажатлари бир марта қилиниши ёки узок муддат ичида бир неча марта такрорланиши мумкин;
- иккинчидан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан натижа олиш жараёни ҳам узок давом этиши мумкин;
- учинчидан, узок муддатли операцияларни амалга ошириш инвестиция лойиҳаларининг барча жиҳатларини баҳолашда ноаниқлик даражаси ошишига, турли хатоликларга йўл қўйилишига олиб келади.

Айнан ана шу омилларнинг мавжудлиги инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг махсус, хатолик даражаси минимал бўлган, етарлича асосланган қарорлар қабул қилиш имконини берадиган услубларини вужудга келтиришни тақозо этди.

4.2.Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг услублари

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш мазмунини жуда содда саволга, яъни келгусидаги пул тушумлари ҳозирги қилинган харажатларни қоплайдими ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш ташкил этади.

Албатта буни олдиндан тез ва юз фоиз аниқлик билан ҳеч ким ҳам ҳисоблай олмайди. Лекин таклиф этиладиган баҳолаш услублари инвестиция лойиҳаларини қабул қилишда камчиликларни (тасодифларини) бартараф қилишга кўмаклашади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш услубларининг вужудга келишига сабаб, пул маблағларини вақт давомида ўзгариб туришидадир.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда инвестицияларни баҳолашнинг турли лойиҳаларга қўйилган маблағларнинг фойдалилигини таққослашга асосланган усуллари кўп қўлланилади. Бунда у ёки бу лойиҳага инвестиция қилишнинг муқобил варианты бўлиб бошқа объектларга маблағ сарфлаш, шунингдек маблағларни маълум фоиз билан банкка қўйиш ёки уларни қимматли қоғозларга айлантириш имкониятлари ҳисобланади. Албатта буни олдиндан тез ва юз фоиз аниқлик билан ҳеч ким ҳам ҳисоблай олмайди. Лекин таклиф этиладиган баҳолаш услублари инвестиция лойиҳаларини қабул қилишда камчиликларни (тасодифларини) бартараф қилишга кўмаклашади. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш услубларининг вужудга келишига сабаб, пул маблағларини вақт давомида ўзгариб туришидадир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш услублари деганда харажатларнинг фойдалилиги ва қопланиши нуқтаи назаридан турли объектларга (лойиҳаларга, тадбирларга) инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш усуллари тушунилади. Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда, уларнинг айрим жиҳатларинигина ҳарактерлайдиган алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланиш етарли бўлмайди. Шу сабабли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш учун бир неча услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда беш асосий услубдан кенг фойдаланилади. Ўз навбатида бу услублар икки гуруҳга ажратилади:

1. Дисконтлаш концепциясини қўллашга асосланган услублар:
 - соф жорий қийматни аниқлаш услуги;
 - инвестицияларнинг рентабеллик даражасини аниқлаш услуги;
 - ички фойда меъёрини аниқлаш услуги.
2. Дисконтлаш концепциясини қўллашни кўзда тутмаган услублар:
 - инвестиция лойиҳаларига сарфланган маблағларни қоплаш даврини аниқлаш услуги;

– инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллигини аниқлаш услуги.

Ушбу услубларни кўриб чиқишдан олдин шуни таъкидлаш зарурки, ҳар бешала услуб инвестицияларнинг мутлақ самарадорлигини аниқлаш усули сифатида кўриб чиқилади, яъни ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга ошириш корхонанинг бошқа лойиҳаларга инвестиция сарфлаш имкониятларига таъсир этмайди, деган шартга амал қилинади.

Бундай шартнинг киритилишига сабаб шуки, амалда кўпчилик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бошқа лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини пасайтиради ёки мутлақо йўққа чиқаради. Бундай инвестиция лойиҳалари ўзаро мунозарали лойиҳалар дейилади. Ўзаро мунозарали лойиҳалар жумласига шунингдек, корхонанинг маълум бир пировард мақсадига эришишнинг турли йўллари кўзда тутовчи лойиҳалар киради. Турли лойиҳаларнинг мунозарали бўлишига сабаб корхона маблағларининг чекланганлигидир. Корхоналар лойиҳаларни нафақат мутлақ самарадорлиги мезонига кўра, балки маблағ етмай қолганлиги сабаб бошқа лойиҳаларни амалга ошира олмаслиги туфайли ўзи кўриши мумкин бўлган йўқотишлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳам танлайди. Бошқача айтганда, корхона инвестиция лойиҳаларини нисбий самарадорлик мезонига кўра танлайди.

Инвестициялар самарадорлигини аниқлаш усуллари ўрганиш жараёнида лойиҳа билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ва тушумлар пул кўринишига эга деб қаралади.

4.3. Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари

Бозор иқтисодиёти шароитида лойиҳаларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланган ҳолда қуйидаги турларга бўлинади:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари;

2. Банк кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар:

а) хорижий инвестициялар;

б) давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида лойиҳаларни молиялаштириш манбалари иккига бўлинади: а) ўз маблағлари б) қарз маблағлари.

Ўз маблағлари:

- хусусий капитал (устав капитали, тақсимланмаган фойда ва бошқалар);
- беғараз ёрдам.

Қарз маблағлари:

- имтиёзли кредитлар;
- умумий тартибдаги тижорат кредитлари;
- чет эл кредитлари;
- тайёрлов ташкилотларининг маблағлари.

Сўнгги йилларда лойиҳаларни инвестициялаш таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитлари аҳамияти кескин ўзгарди.

**Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар
таркиби ва динамикаси, (%)**

Манбалар	Й и л л а р								
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Давлат бюджети	29,2	21,5	25,0	17,7	14,9	12,2	10,4	9,0	6,2
Корхоналар маблағлари	27,1	31,0	40,0	41,8	43,2	46,0	48,4	47,6	42,4
Аҳоли маблағлари	12,0	10,3	12,0	11,8	12,4	11,4	11,8	11,4	9,0
Хорижий инвестициялар	23,2	28,0	20,4	26,3	24,5	21,7	18,5	22,8	26,6
Банклар кредитлари	6,9	8,1	6,1	1,9	2,3	3,5	3,7	5,0	7,9
Бошқа қарз маблағлари	0,4	0,6	0,7	0,8	0,3	0,3	0,4	-	-
Бюджетдан ташқари маблағлар	1,2	0,5	0,3	0,4	2,4	4,8	6,8	6,1	7,9
Жами:	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Давлат бюджетининг лойиҳаларни молиялаштириш бўйича инвестиция сарфлари 2000 йилда 29,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда 6,2 фоизга камайган, бу даврда корхоналар инвестицияси 27,1% дан 42,4% га, хорижий инвестициялар 23,2% дан 26,6 гача кўпайган. Монетар сиёсатнинг кучайтирилиши, корхоналар молиявий аҳволининг барқарор ривожланиши, корхона ва жисмоний шахслар маблағларидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларнинг ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ва корхоналар учун самарали бўлишига иқтисодий инфратузилманинг марказий бўғини, молиявий механизмнинг таркибий қисми бўлган солиқлар механизми ҳисобланади. Чунки солиқлар ҳам ҳар бир корхона миқёсида тузилган инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самараси тақдирини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда ҳам инвестицион лойиҳаларни тузишда ва молиялаштириш учун қулай инвестиция муҳитни яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

-иқтисодий барқарорлик;

-инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта - сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция лойиҳаларини тузиш ва уларни молиялаштириш бўйича қуйидаги омиллар мавжуд:

-инвестицион лойиҳалар билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ёки хўжалик субъектларини рағбатлантириш;

-саноатнинг устувор соҳалари, ёқилғи, энергетика мажмуалари бўйича инвестицион лойиҳалар тузишни жадаллаштириш;

4.2-жадвал

**Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва
иштирокчилари таснифи**

Гуруҳлар	Гуруҳ ишчи гуруҳлари	Инвестиция фаолияти иштирокчилари ташкилий шакллари
Бюджет ва нобюджет фондлар	Давлат бюджети	Ҳукумат Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги
	Маҳаллий бюджетлар	Маҳаллий ваколатли органлар
	Нобюджет фондлар	Пенсия фонди Бандлик фонди Инвестиция фонди ва бошқа фондлар
Кредит тизими	Банклар Кредит муассасалари	Марказий банк Давлат ғазначилиги Инвестицион банклар Кредит уюшмалари
Суғурта тизими	Суғурта фондлари ва ташкилотлари	Давлат суғурта компаниялари Бошқа суғурта компаниялари
Молиялаш- тиришнинг жамоавий шакллари	Инвестицион ташкилотлар, банклар, Суғурта ташкилотлари	Инвестиция компаниялари ва фондлари Нодавлат пенсия фондлари Суғурта компаниялари Пайли инвестицион фондлар
Хорижий инвесторлар	Чет эл давлатлари, ҳукуматлари, тижорат банклари, инвестицион банклар	ХТТБ ЕТТБ Халқаро молиявий қўмита АҚШ эксимбанки ва бошқалар
Корхоналар		Мулкчиликнинг турли шаклларидаги ҳар қандай корхоналар

-халқ хўжалигининг илм-фанга талаб кучли тармоқларида ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барпо этиш бўйича интеллектуал инвестицион лойиҳаларни амалга киритилиши.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда айланма капиталга устуворлик берилишини фақат капиталнинг таркибий тузилиши билан тушунтириш озлик қилади. Гап шундаки, дастлабки капитал жамғариш даврида пулни тез тўплаш учун уни капитал айланмаси тез амалга ошириладиган соҳаларга жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир, чунки бу билан юқори фойда нормаси юзага келади. Фойда меъёри юқори жойда эса, уни капиталлаштириш

имкони катта бўлади. Бу омил ҳам хусусий секторда пулни айланма капиталга айлантириш учун рағбат яратади.

4.4.Инвестиция лойиҳаларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари

Иқтисодий самарадорлик – инвестицияга жалб этилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий-техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги нисбатни билдиради.

Иқтисодий самара бу инвестиция ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади;

$$\mathcal{E} = D - K$$

Бу ерда $\mathcal{E}$ - иқтисодий самара

D - қўйилган капиталдан даромад

K - қўйилган капитал суммаси

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{If}{K}$$

Бу ерда: $\mathcal{E}$ - иқтисодий самарадорлик

If – инвестициялашдан олинган фойда

K - қўйилган капитал

Мамалакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамалакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакат миқёсида қўйилган инвестиция миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{YMM}{K}$$

Бу ерда: YMM – ялпи миллий маҳсулот

K - YMM ни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт ўтиши билан капитал қайтими бўлган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100$$

Бу ерда, *ЯИН*- ялпи инвестиция нормаси

ЯИС- ялпи инвестиция суммаси

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини кўрсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узок муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг меъёрлари деган тушунча мавжуд бўлиб, бу халқ хўжалиги ёки тармоқларда қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодда 6-8 йил деб қабул қилинган.

4.5. Инвестицион лойиҳаларни баҳолашни такомиллаштириш йўллари

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган чет эллик ташкилотлар ваколатхоналарининг бизнесга техникавий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Масалан, немис иқтисодиёти ваколатхонасида замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналар ишлаб чиқарадиган фирмалар реквизитлари бўйича ахборотлар олиш мумкин. Бундан ташқари, катта экспертлар жамияти маркетинг соҳаси, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш менежменти бўйича немис мутахассисларининг бепул маслаҳатларини ташкил этади. GTZ, ICE, TIKA, JICA ва хоказолардаги худди шунга ухшаш мутахассисларнинг молиявий ва ташкилий ёрдамларидан фойдаланган ҳолда чет элда экспорт маҳсулотини реклама қилиш ва олға силжитиш бўйича кўргазмалар, шунингдек ўқув семинарлари ташкил этиш мумкин. Энди инвестиция лойиҳаларини молиялаш борасидаги айрим масалаларни кўриб чиқамиз. Ҳозир Ўзбекистонда молия бозори етарлича ривожланмаганлиги сабабли, лойиҳавий молиялаш кўпчилик ҳолларда банк кредитлаши шаклида амалга оширилмоқда. Бунда жаҳонда кенг ёйилган бошқа усуллар - қимматли қоғозлар чиқариш (ўз капитали), инвестиция фондлари, банк консорциумлари, нафақа жамғармалари, лизинг компаниялари ва хоказолардан етарлича фойдаланилмаяпти. Қатор афзалликларга, шу жумладан, солиқ соҳасида имтиёзларга эга бўлган лизинг инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг кенг тарқалган усулларида биридир, Лекин у ҳали етарлича ривожлангани йўқ. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаш корхоналарнинг, айниқса, кичик бизнес корхоналарининг ўз маблағлари етишмаслиги, шунингдек тижорат банклари берадиган кредитнинг нархи амалда барча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги унинг молиявий самарасидан юқорироқ эканлиги туфайли олға силжимаяпти. Ҳозирги пайтда инвестиция лойиҳаси қарз маблағлари қайтарилишининг ўртача муддати 5-8 йилдир. Экспортга йўналтирилган лойиҳалар устувор деб топилганлиги сабабли, лойиҳаларнинг катта қисми рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имконини берадиган замонавий юқори унумли технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан амалга

оширилмоқда. Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун асосан тижорат банкларининг кредитлари жалб этилмоқда. Бунда ускунанинг пировард қиймати ускунанинг ҳисоблаб чиқилган нархи (етказиб бериш ва монтаж қилишни ҳам ҳисобга олган ҳолда), кредит линиялари экспорт суғурта мукофотининг қиймати, кредит учун тўланадиган фоизлар, маҳсулот етказиб берувчи фирмалар хизматларининг қиймати, инвестиция давридаги фоизлар ва банк комиссиялари, шунингдек ускуналарни суғурталаш қийматидан таркиб топади.

Лойиҳани баҳолашда ушбу лойиҳани таклиф этувчи компаниянинг молиявий-иқтисодий таҳлили зарурий компонент бўлади. Компаниянинг лаёқати ва барқарорлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина лойиҳанинг ўзини таҳлил қилиш ва унинг молияланиши тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Инвестиция лойиҳалари деганда нима тушунилади?
2. Инвестицияларни молиявий-иқтисодий баҳолаш деганда нима тушунилади?
3. Инвестицияларни молиявий-иқтисодий баҳолашнинг қандай услублари мавжуд?
4. Дисконтлаш концепциясини қўллашга асосланган услубларни айтинг.
5. Дисконтлаш концепциясини қўллашни кўзда тутмаган услублар.
6. Мунозарали лойиҳалар деб қандай лойиҳаларга айтилади?
7. Иқтисодий самарадорлик қандай аниқланади?
8. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш кўрсаткичларини айтинг.
9. Инвестицион лойиҳалар иқтисодий самарасини аниқлашнинг қандай усуллари мавжуд?
10. Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари айтинг.

5-мавзу. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг асосий усуллари. (4 соат).

Режа:

- 5.1.Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда дисконтлаштириш усули.
- 5.2.Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган усуллари.
- 5.3.Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услублари.
- 5.4.Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда аннуитет усули.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: Дисконтлаштириш, дисконтлаштириш коэффиценти, дисконтлаштириш коэффицентининг жорий қиймати, дисконтлаштириш коэффицентининг келгуси қиймати, инвестиция лойиҳалари, соф жорий қиймат, пул тушумлари, инвестиция рентабеллиги, лойиҳани баҳолашнинг содда услублари, аннуитет, аннуитет суммаси, аннуитетнинг жорий қиймати, аннуитетнинг келгуси қиймати, қопланадиган аннуитет.

5.1.Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда дисконтлаштириш усули

Дисконтлаштириш деганда инвестиция ёки пул оқимларининг келгусидаги қийматининг бугунги жорий баҳода ифодаланиши тушунилади.

Дисконтлаштириш аксарият ҳолда лойиҳа таҳлилида инвестиция ва турли мажбуриятларни баҳолашда кенг қўлланилади. Агар мулкдор ортиқча мулкни инвестицияга қўймоқчи бўлса, унинг бирор мўлжали бўлиши мумкин. Мисол учун, мулкдор 10 йилдан кейин 5000,0 минг сўм пулга эга бўлиши керак. Бунга 10 фоиз ставкада фоиз тўлаш кўзда тутилган бўлса, у бугун қанча маблағ қўйиши керак? Айнан мана шу саволга пул оқимларини дисконтлаштириш орқали жавоб топиш мумкин. Бунинг учун қўйилган инвестициянинг жорий қийматини аниқлаш лозим. Бу қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$I_{jq} = I_{bq} \times \frac{1}{(1 + Z)^n}$$

бунда: I_{jq} – инвестициянинг жорий қиймати
 I_{bq} – инвестициянинг бошланғич қиймати
 Z – белгиланган фоиз ставкаси
 n – йиллар (давр) сони.

Ушбу формулага юқоридаги мисолда келтирилган маълумотларни қўйсақ, қуйидаги натижага эришамиз:

$$I_{jq} = 5000,0 \times \frac{1}{(1 + 0,1)^{10}} = 5000,0 \times 0,3855 = 1927,5 \text{ минг сўм}$$

Ушбу ҳисоб-китобдан кўриниб турибдики, мулкдор 10 йилдан кейин 5000,0 минг сўмга эга бўлиш учун 10 фоизлик ставкада бугунги кунда 1927,5 минг сўмлик инвестиция қўйиши лозим.

Лойиҳа таҳлилида пул оқимларини дисконтлаштириш учун дисконтлаштириш коэффициентидан фойдаланилади.

Дисконтлаштириш коэффициенти деганда инвестиция ёки пул оқимлари бир сўмлик қийматининг маълум муддатдан кейин фоиз ставкасини ҳисобга олган ҳолдаги миқдори тушунилади. Дисконтлаштириш коэффициентининг икки тури мавжуд:

1. Дисконтлаштириш коэффициентининг жорий қиймати.
2. Дисконтлаштириш коэффициентининг келгуси қиймати.

Дисконтлаштириш коэффициентининг жорий қийматини ифодаловчи миқдори 1 билан 0 ўртасида бўлади. Мазкур коэффициентнинг жорий қийматини (K_{dj}) аниқлаш учун ўзидан олдинги коэффициент миқдорини фоиз ставкасининг коэффициентдаги ифодасига бўлиш керак. Уни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{dj} = S : (1 + Z)^n$$

бунда: K_{dj} – дисконтлаштириш коэффициентининг жорий қиймати
 S – лойиҳанинг 1 сўмлик ўтган даврдаги жорий қиймати
 Z – белгиланган фоиз ставкаси
 n – йиллар (давр) сони.

Ушбу формулага асосан мазкур лойиҳанинг жорий қийматини 15 фоизлик ставка билан 5 йилга аниқлаб олиш талаб қилинса, қуйидагича аниқланади:

5.1.-жадвал

Дисконтлаштириш коэффициентининг жорий қийматини аниқлаш
 ҳисоб-китоби

Йиллар	Ҳисоблаш тартиби ($Z=15\%$)	Инвестициянинг 1 сўмлик жорий қиймати
1	1 : 1,15	0,870
2	0,870 : 1,15	0,756
3	0,756 : 1,15	0,657
4	0,657 : 1,15	0,572
5	0,572 : 1,15	0,497

Дисконтлаштириш коэффициентининг келгуси қийматини (K_{dk}) аниқлаш учун ўзидан олдинги фоиз ставкасининг коэффициентдаги миқдорини жорий йилдаги фоиз ставкасининг коэффициентдаги миқдорига кўпайтирилади. Уни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{dk} = P \cdot (1 + Z)^n$$

бунда: K_{dk} – дисконтлаштириш коэффициентининг жорий қиймати
 P – лойиҳанинг 1 сўмлик ўтган даврдаги келгуси қиймати

Ушбу формула асосида 5 йилга мўлжалланган инвестиция ёки пул оқимларининг 15 фоизлик ставка билан келгуси қийматини аниқлаш қуйидагича бўлади:

5.2.-жадвал

Дисконтлаштириш коэффициентининг келгуси қийматини аниқлаш
ҳисоб-китоби

Йиллар	Ҳисоблаш тартиби ($Z=15\%$)	Инвестициянинг 1 сўмлик келгуси қиймати
1	$1 \times 1,15$	1,15
2	$1,15 \times 1,15$	1,3225
3	$1,3225 \times 1,15$	1,5209
4	$1,5209 \times 1,15$	1,7490
5	$1,7490 \times 1,15$	2,0114

5.2.Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган усуллари

Соф жорий қиймат – S_{jq} кўрсаткичи лойиҳа амалга оширилиши натижасида фирма бойлиги қанчага кўпайганини характерлайди. Соф жорий қийматга асосланган ҳолда инвестицияларни таҳлил қилиш усули қуйидаги иккита шартдан келиб чиқади:

- ҳар қандай корхона ёки фирма ўз бойликларини оширишга ҳаракат қилади;
- ҳар хил вақтда сарфланган маблағлар бир хил қийматга эга бўлмайди.

Соф жорий қиймат бу дисконтланган пул тушумлари билан дисконтланган харажатларининг фарқидир.

Агар бошланғич инвестиция маблағларини – I_b , давр охиридаги пул тушумларини – P_t деб белгиласак, у ҳолда соф жорий қийматни аниқлаш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$S_{jq} = P_t : (I_b + Z)^n$$

Агар соф жорий қиймат мусбат миқдорга эга бўлса, бу лойиҳа учун қилинадиган инвестиция самаралидир.

Айрим ҳолларда узоқ муддатли инвестиция сарф этилиб, узоқ муддат ичида пул тушумлари вужудга келади, яъни пул оқими бирданига эмас, бир неча йилга чўзилади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$S_{jq} = \frac{P_t}{(1+Z)^n} - \frac{I_b}{(1+Z)^n}$$

Лойиҳаларнинг ҳаёт даври чекланмаган ҳолатларда соф жорий қийматни ҳисоблашда Горден формуласидан фойдаланилади.

$$S_{jq} = P_t : (Z \pm q) - I_b$$

Бунда: P_t – пул тушумлари

q – пул тушумларининг доимий ўсиш суратлари.

Мисол учун, тадбиркор сут маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхонани 200 млн. сўмга сотиб олмоқчи. Шу даврда келадиган фойда меъёри 15%. Ҳар йили бу корхона 20 млн. сўм пул тушумлари вужудга келтиради. Тадбиркор ушбу корхонани сотиб олса бўладими?

$$S_{jq} = 20,0 : (0,15 - 0) - 200,0 = 1333 - 200,0 = -66,7$$

Бу ҳисоб-китобдан кўриб турибдики, корхонани сотиб олиш тадбиркорга зарар келтиради.

Агар пул тушумлари йилига 6% га ошса ва йил охирида 20 млн. сўм пул тушумига эга бўлинса, бундай ҳолатда тадбиркорга корхонани сотиб олиш фойдали бўлади.

$$S_{jq} = 20,0 : (0,15 - 0,06) - 200,0 = 2222 - 200,0 = 22,2$$

Инвестициялар самарадорлигини соф жорий қиймат формуласи асосида аниқлаш усули кенг тарқалган бўлиб, бу лойиҳани инвестициялаш орқали корхона бойлиги ўсишига олиб келадими, деган саволга жавоб берса-да, бундай ўсишнинг нисбий ўлчамлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Бу камчиликни тўлдириш учун бошқа бир кўрсаткич, яъни инвестициялар рентабеллигини ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

Инвестициялар рентабеллиги - R_i қилинган ҳар бир сўм инвестицияга қандай даражада фойда олинганлигини ёки инвесторнинг мулки қанчага кўпайганини ифодалайдиган кўрсаткичдир. Кўп ҳолларда фойда меъёри, дейиладиган бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$R_i = \left(\frac{Pt}{(1 + Z)^n} \right) : I_b$$

Агар узоқ муддатли харажатлар ёки узоқ муддатли тушумлар ҳолати бўлса, бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$R_i = \frac{P_t}{(1 + Z)^n} : \frac{I_b}{(1 + Z)^n}$$

Юқоридаги мисолдан фойдаланиб, лойиҳанинг рентабеллик даражасини аниқлаймиз:

$$R_i = \left(\frac{20,0}{(1 + 0,15)^1} \right) : 200,0 = 17,4 : 200,0 = 0,087 \cdot 100 = 8,7\%$$

Бунда лойиҳа учун сарф этилган ҳар бир сўм 0,087 сўм ёки 8,7 % соф жорий даромад олиб келмоқда.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, унда соф жорий қийматнинг икки томони – даромад ва инвестиция томони ўзаро таққосланади. Агар дисконтнинг қандайдир даражасида лойиҳанинг рентабеллиги 1 га тенг бўлса, у ҳолда келтирилган инвестиция харажатлари келтирилган даромадларга тенг бўлади ва лойиҳанинг соф келтирилган дисконтланган даромади нолга тенг бўлади.

Агар соф жорий қиймат мусбат бўлса, инвестициялар рентабеллиги албатта 1 дан катта бўлади. Демак, инвестициялар рентабеллиги 1 дан катта бўлса,

инвестициялар самарали ҳисобланади. Инвестициялар рентабеллиги инвестицияларнинг мутлақ самарадорлиги кўрсаткичи бўлиши билан бирга инвестиция лойиҳаларини яна икки жиҳатдан туриб баҳолаш имконини берар экан:

Биринчидан, бу кўрсаткич ёрдамида лойиҳанинг барқарорлиги даражасини текшириб кўриш мумкин, яъни инвестициялар рентабеллиги қанча катта бўлса, лойиҳанинг барқарорлик даражаси шунча катта бўлади. Бундай лойиҳа шароитлар ўзгариши таъсирида дарҳол фойда келтирмайдиган лойиҳага айланиб қолмайди.

Иккинчидан, инвестициялар рентабеллиги инвесторларга турли инвестицияларни уларнинг самаралилиги нуқтаи назаридан таққослаш имконини беради.

5.3. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услублари

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услубларига дисконтлаш концепциясини қўллашни кўзда тутмаган услублар, яъни инвестиция лойиҳаларига сарфланган маблағларни қоплаш даври ва бухгалтерия рентабеллигини ҳисоблаш услублари киради.

Лойиҳаларни баҳолашнинг содда услублари лойиҳа бўйича қўшимча маълумотлар олиш имконини беради. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг барча услублари ўзига хос афзалликлар ҳамда камчиликларга эга. Шу туфайли уларни биргаликда қўллаш инвестиция лойиҳаларини тўлиқ баҳолаш имконини беради.

Инвестиция лойиҳаларига сарфланган маблағларни қоплаш даври - I_{qd} бу шундай даврки, бунда дастлабки қилинган инвестициялар миқдори тикланади.

$$I_{qd} = I_b : P_t$$

Бу формула ёрдамида инвестициялашдан келадиган пул тушуми суммасини икки усулда аниқлаш мумкин. Биринчи усул қачонки, пул тушумлари йил давомида бир хил бўлса қўлланилади. Мисол учун, инвестор 200 млн. сўм инвестиция сарф қилди ва 5 йил ичида ҳар йили 50 млн. сўмдан даромад олишни кутаяпти. Унда 4 йил ($200/50=4$) ичида сарфланган инвестиция қопланади ва қолган 1 йил давомида инвестор соф фойда олади. Иккинчи усул инвестиция қўйилгандан кейин, пул тушумлари бир хил бўлмаса ёки ўсиб боровчи миқдорни ташкил этса қўлланилади. Юқорида келтирилган мисолимизда пул тушумлари йиллар бўйича бир хил бўлмасдан ортиб борсин:

1-йил	25 млн. сўм,
2-йил	50 млн. сўм,
3-йил	75 млн. сўм,
4-йил	100 млн. сўм,
5-йил	125 млн. сўм.

Бунда 3 йил ичидаги пул тушумлари инвестиция суммасидан кам, 4 йил ичидагиси эса кўп. Бундай ҳолатда инвестицияни қоплаш даврини аниқ белгилаб олиш учун қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- қайси йиллар орасида инвестиция суммаси қопланишини топиш зарур, бу 3-4 йиллар орасида;

- қопланмаган сумма миқдорини аниқлаш керак, бу 50 млн. сўм $(200 - (25 + 50 + 75))$;

- аниқланган қопланмаган суммани 4-йилги пул тушумлари миқдорига бўлиш керак, яъни $50/100 = 0,5$. Кўриниб турибдики, қопланмаган сумма 4-йилнинг ярмида қопланади. Демак, бунда инвестицияларни қоплаш даври 3,5 йилни ташкил қилади.

Инвестицияларнинг қопланиш муддати кўрсаткичидан қуйидаги шартлар бажарилгандагина фойдаланилса ижобий натижага эришилади:

- бу кўрсаткич ёрдамида таққосланаётган барча лойиҳалар бир хил ҳаёт даврига эга бўлиши керак;

- барча лойиҳалар бошланғич инвестицияларнинг бир марталик сарфланишини кўзда тутаяди;

- маблағ сарфланиб бўлингандан сўнг барча инвесторлар лойиҳа ҳаёт даврининг охиригача бир хил пул тушумларига эга бўладилар.

Бу кўрсаткич ҳисоблаб топиш осонлиги, тушуниш учун соддалиги билан бирга лойиҳанинг таваккал хавфи даражаси ҳақида маълумот бериши туфайли ҳам қадриlidir. Инвестицияларнинг қопланиш муддати қанчалик катта бўлса, дастлабки ҳисобланган натижаларга салбий таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларнинг юзага келиши хавфи шунча юқори бўлади.

Шу билан бирга бу кўрсаткич турли муддатларда пулнинг қиймати турлича бўлишини ва қопланиш муддати тугагандан кейин ҳам пул тушумларининг давом этиш ҳолатини инкор қилади. Шунинг учун ҳам инвестициянинг қопланиш даври кўрсаткичини инвестициялар самарадорлигини баҳолашда асосий усул сифатида қўллаб бўлмайди.

Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги - I_{br} кўрсаткичи лойиҳани баҳолашнинг иккинчи содда кўрсаткичи бўлиб, кўпгина адабиётларда инвестициянинг ўртача фойда меъёри, ҳисобланган фойда меъёри деб ҳам юритилади. Бу кўрсаткич воситасида инвестицияларга пул тушумлари асосида эмас, балки бухгалтерия кўрсаткичи бўлган корхона даромади миқдорига асосланиб баҳо берилади. Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги кўрсаткичи бухгалтерия ҳисоботи бўйича корхона даромадларининг ўртача миқдорини инвестицияларнинг ўртача миқдорига нисбатини ифодалайди. Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$I_{br} = STF \cdot (I_b - S_s) : (A_{ybq} - A_{yoq}) : 2$$

Бунда: STF – корхонанинг фоиз ва солиқ тўловларини амалга оширгунга қадар ёки солиқ тўловларидан кейинги, лекин фоиз тўловларигача бўлган фойдаси;

S_s – солиқ ставкаси, коэффициентда;

A_{ybq} , A_{yoq} – активларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги қиймати. Бу иккала миқдор ўртасидаги фарқ инвестиция харажатлари ҳажмини кўрсатади.

Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги кўрсаткичининг қўлланиши унинг ҳисобланган даражасини корхона учун маъқул бўлган рентабеллилик даражалари билан солиштиришга асосланган. Агар бу кўрсаткич корхона томонидан маъқул деб қабул қилинган кўрсаткичдан катта бўлса, лойиҳа маъқул деб ҳисобланади.

Бу кўрсаткич воситасида инвестиция лойиҳалари таққосланганда пулнинг турли вақтларда қиймати бир хил бўлмаслиги эътиборга олинмайди, лойиҳалар турлича муддат хизмат қилиши инкор қилинади, яъни бир хил рентабелликка эга икки лойиҳадан бири 5 йил, иккинчиси 10 йил даромад олишини таъминлаши бу кўрсаткичда акс этмайди.

Шунингдек, инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги корхона бойлигининг реал ўзгаришини акс эттирмасдан, акциядорлар ва «четдаги» бошқа шахсларнинг талабларига мос натижа олишга қаратилган.

5.4. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда аннуитет усули

Аннуитет деганда инвестиция ёки пул оқимларининг бугунги қиймати тенг даврда (ҳар ойда, чоракда, йилда) тенг миқдорда қўйилиб ёки олиниб борилиб, маълум вақтдан кейин белгиланган фоиз ставкаси билан қанча миқдорда бўлиши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, доимий равишда бир хил тўловлар ёки тушумлар содир бўлиб турадиган жараёнларни ҳисобга олиш тушунилади. Мисол учун, фермер хўжалиги тракторни ижарага олгани учун ҳар ойда 200,0 минг сўмдан ижара ҳақи тўлаши ёки корхона ҳар чоракда 50,0 минг сўмдан сувдан фойдаланганлиги учун солиқни тўлаб туриши лозим. Шу бир хил вақтда, бир хил миқдорда тўланадиган сумма **аннуитет суммаси** деб аталади.

Аннуитетлар моҳияти жиҳатидан оддий ва қопланадиган аннуитетларга бўлинади. Оддий аннуитет суммаси давр охирида тўланади, қопланадиган аннуитет суммаси эса давр бошида тўланади.

Оддий аннуитет ўз навбатида иккига бўлинади:

1. Аннуитетнинг жорий қиймати
2. Аннуитетнинг келгуси қиймати.

Оддий аннуитетнинг жорий қиймати деганда келажакда тўланиши ёки олиниши лозим бўлган бир хил тўловларнинг жорий қиймати тушунилади.

Аннуитетнинг жорий қийматини (A_{jq}) аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$A_{jq} = A_s \cdot K_{oa}$$

бунда: A_s – аннуитет суммаси.

K_{oa} – оддий аннуитет коэффиценти.

Мисол учун, инвестор офис учун Самарқанд шаҳридан битта бинони 5 йилга ижарага олди. Бир йиллик ижара ҳақи 4,0 млн. сўм. Инвестор бино эгасига ҳар йили 4,0 млн. сўмдан ижара ҳақини тўлаб туриши учун шу йил қанча инвестиция қўйиши керак? Инвестициянинг йиллик фоиз ставкаси 15 фоиз. Бунини аниқлаш учун аввал оддий аннуитет коэффиценти (K_{oa}) аниқлаб олиш керак.

Бу коэффициент дисконтлаштириш коэффициентининг жорий қийматини кетма-кет қўшиш орқали аниқланади:

$$Koa = Kd_1 + Kd_i$$

бунда: Kd_1 – дисконтлаштириш коэффициентининг маълум фоиз ставкаси билан биринчи йилги қиймати

Kd_i – навбатдаги йиллар учун аниқланган дисконтлаштириш коэффициенти қиймати

Юқоридаги мисолдан ва 5.1.-жадвалдан фойдаланиб оддий аннуитет коэффициентларини аниқлаш тартибини кўрамиз.

5.3.-жадвал

Оддий аннуитет коэффициенти аниқлаш ҳисоб-китоби

Йиллар	Дисконтлаштириш коэффициенти	Ҳисоблаш тартиби ($Kd_1 + Kd_i$)	Аннуитет коэффициенти
1	0,870	0,870	0,870
2	0,756	0,870 + 0,756	1,626
3	0,657	1,626 + 0,657	2,283
4	0,572	2,283 + 0,572	2,855
5	0,497	2,855 + 0,497	3,352

$$Ajq = 4,0 \text{ млн} \cdot 3,352 = 13,41 \text{ млн}.$$

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, инвестор бино эгасига ҳар йили 4,0 млн. сўмдан ижара ҳақини тўлаб туриши учун шу йил 13,41 млн. сўм инвестиция қўйиши керак экан. Агар шу инвестор инвестиция қўймасдан шу беш йил мобайнида 20,0 млн. сўм ($4,0 \text{ млн.} \times 5 \text{ йил} = 20,0 \text{ млн.}$) тўлаши керак эди. У инвестиция қўйиш эвазига 6,59 млн. сўм ($20,0 - 13,41 = 6,59 \text{ млн.}$) фойда қилди.

Оддий аннуитетнинг келгуси қиймати деганда бугунги кундан бошлаб то белгиланган вақтгача даврлар бўйича бир хил тўловни амалга оширганда маълум фоиз ставкаси билан қанча миқдорга эга бўлиши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, оддий аннуитетнинг келгуси қиймати пулдорнинг тегишли ставкада бир хил суммада инвестиция қўйиб борса, маълум даврдан кейин унинг миқдори қанча бўлишини кўрсатади. Оддий аннуитетнинг келгуси қиймати (A_{kq}) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$A_{kq} = A_s \cdot K_{ak}$$

бунда: K_{ak} – оддий аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлайдиган коэффициент.

Мисол учун, инвестор ҳар йили 500,0 минг сўмдан 5 йил давомида 12 фоизлик ставка билан инвестиция қўйишга қарор қилди. Инвесторни шу 5 йилдан кейинги инвестициянинг келгуси қиймати, яъни умумий миқдори қанча бўлиши қизиқтиради. Буни топиш учун биз аввало оддий аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлайдиган коэффициентни топишимиз лозим. Бунинг учун келгуси қиймат коэффициенти кетма-кет қўшилади:

$$K_{ak} = 1 + K_{kq}_i$$

бунда: K_{kq}_i – келгуси қиймат коэффициенти.

Аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлаш ҳисоб-китоби

Йиллар	Келгуси қиймат коэффициентлари	Ҳисоблаш тартиби ($1 + Kkq_i$)	Аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлайдиган коэффициенти
1	1	1	1
2	1,12	$1 + 1,12$	2,12
3	1,2544	$2,12 + 1,2544$	3,3744
4	1,5735	$3,3744 + 1,5735$	4,9479
5	1,7623	$4,9479 + 1,7623$	6,7102

$$Akq = 500,0 \text{ минг} \cdot 6,7102 = 3355,1 \text{ минг}.$$

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, инвестор беш йил давомида ҳар йили 500,0 минг сўмдан 12 фоизлик ставкада инвестиция қўйиб борса, унинг маблағи беш йилдан кейин 3355,1 минг сўмга етади. Агар уни инвестицияга қўймасдан ҳар йили 500,0 минг сўмдан тўплаб борганда, инвесторнинг маблағи шу беш йилда 2500,0 минг сўмни ($500,0 \text{ минг} \times 5 \text{ йил} = 2500,0 \text{ минг сўм}$) ташкил қилган бўлар эди. Демак, инвестор ўз маблағини инвестицияга қўйиб шу беш йил мобайнида 855,1 минг сўм ($3355,1 - 2500,0 = 855,1 \text{ минг сўм}$) фойда қилибди. Шундай қилиб, маблағни инвестицияга қўйиш уни оддий сақлашдан кўра анча самарали экан.

Оддий аннуитетнинг келгуси қиймати қопланадиган аннуитет усули билан ҳам баҳоланади. **Қопланадиган аннуитет** деганда асос суммага қопланадиган аннуитет коэффициентининг бирга камайтирилган миқдори билан ҳисобланган асосий сумманинг келгуси қиймати тушунилади. Қопланадиган аннуитет коэффициенти (Qak) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Qak = As \cdot (Kak - 1)$$

Юқоридаги мисолда қопланадиган аннуитет коэффициенти қуйидагича бўлади:

$$Qak = 500,0 \cdot (6,7102 - 1) = 2855,1 \text{ минг}$$

Бу ҳолда ҳам инвестор ўз маблағини инвестицияга қўйиш орқали 355,1 минг сўм ($2855,1 - 2500,0 = 355,1 \text{ минг сўм}$) фойда қилган.

Муҳокама учун саволлар:

1. Дисконтлаштириш деб нимага айтилади?
2. Дисконтлаштириш коэффициенти деганда нима тушунилади?
3. Дисконтлаштириш коэффициентининг жорий қиймати қандай аниқланади?
4. Дисконтлаштириш коэффициентининг келгуси қиймати қандай аниқланади?
5. Соф жорий қиймат деганда нима тушунилади?
6. Инвестицияларнинг соф жорий қиймати қандай аниқланади?

7. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услубларига қандай услублар киради?
8. Инвестицияларнинг қопланиш муддати кўрсаткичи нимани англатади?
9. Инвестицияларнинг қопланиш муддати кўрсаткичи қандай аниқланади?
10. Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги деганда нима тушунилади?
11. Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги кўрсаткичи қандай аниқланади?
12. Аннуитет нима?
13. Аннуитетнинг қандай шакллари мавжуд?
14. Аннуитетнинг жорий қиймати қандай аниқланади?
15. Аннуитетнинг келгуси қиймати қандай аниқланади?
16. Қопланадиган аннуитет деганда нима тушунилади?

6-мавзу. Рақобатлашувчи инвестиция лойиҳаларини баҳолаш. (4 соат)

Режа:

- 6.1. Рақобатлашувчи инвестициялар ҳақида тушунча.
- 6.2. Муқобил инвестициялар.
- 6.3. Инвестиция лойиҳаларининг амал қилиш муддатларидаги фарқлар.
- 6.4. Харажатларга кўра самарадорликни баҳолаш усули.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: *Рақобат, рақобатлашувчи инвестициялар, инвестор, инвестор фаолиятининг рақобатбардошлиги, такомиллашган рақобат, олигополлашган рақобат, монополлашган рақобат, инвестиция лойиҳаси, муқобил инвестициялар, зиддиятли инвестициялар, муқобил инвестицияларни таққослаш.*

6.1. Рақобатлашувчи инвестициялар ҳақида тушунча

Рақобат – бу иқтисодий ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир.

Рақобат – лойиҳа бозорида инвесторлар иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасида инвестицияларни қулай шароит ва юқори фойда келтирадиган лойиҳалар учун курашни билдиради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инвестициялар рақобатбардошлигини таҳлил қилганда, икки нарсага аҳамият берилади. Биринчидан, Инвестор (тадбиркор, мулкдор) фаолиятининг рақобатбардошлиги, иккинчидан у киритаётган инвестиция асосида ишлаб чиқараётган маҳсулот (иш, хизмат)лар рақобатбардошлигидир.

Инвестор (тадбиркор, мулкдор) фаолиятининг рақобатбардошлиги деганда рақобатбардош субъектларга нисбатан фаолиятининг кенг кўламлиги ва истикболлиги, инвестицияларни мақсадга мувофиқ йўналтириб, кўпроқ фойда олиш қobiliятининг кучлилиги тушунилади. Мисол учун, инвестор, тадбиркор ўз маблағини чорвачилик фермаси ташкил этишга йўналтириб, у ерда сут ишлаб чиқаради ва реализация қилади. Кўлами кенгрок бўлиши учун тадбиркор ишлаб чиқарадиган сутдан қаймоқ, сметана ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, сут маҳсулотларини сотиш учун бир қанча ҳудудларда савдо дўконларини ташкил қилса мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин бошқа рақобатчиларига нисбатан олинадиган фоиз суммасини юқори қўймаслик ҳамда ўз маҳсулотининг сифатини ошириб, реализация баҳосини ҳаддан зиёд кўтариб юбормаслик чораларини кўриши лозим. Шундагина рақобат муҳитида инкирозга учрамайди.

Инвестор (тадбиркор, мулкдор) қўйган инвестиция натижасида ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизмат)лар рақобатбардошлиги деганда, рақобатбардош субъектлар маҳсулот (иш, хизмат)нинг сифати ва реализация баҳосига нисбатан истеъмолчига (харидорга) қулайлиги, унга қўйилган инвестициянинг

самарадорлиги ва шу маҳсулот (иш, хизмат)лар реализациясидан оладиган фойдасининг юқорилигини таъминловчи омиллар тизими тушунилади.

Инвестициялар бозорида рақобатнинг учта шакли мавжуд: такомиллашган рақобат, олигополлашган рақобат ва монополлашган рақобат.

Такомиллашган рақобат – бу эркин рақобат бўлиб, унда бозордаги маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилишда бир хил мавқега эга бўлган инвестор (тадбиркор, мулкдор)лар иштирок этади.

Олигополлашган рақобат – бу маълум даражада чегараланган рақобат бўлиб, унда бозордаги маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилишда камчилиқни ташкил қиладиган бир қанча йирик инвестор (тадбиркор, мулкдор)лар иштирок этади.

Монополлашган рақобат – бунда бозорни битта йирик инвестор (тадбиркор, мулкдор) эгаллаган бўлади ва бир хил маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариб реализация қилишда ўзи ҳукмронлик қиладди.

Юқори фойда олишни таъминлаш ҳар бир инвесторнинг асосий мақсадидир. Бунинг учун ўз рақибини синдириш, инвестициялар бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш олиб боради, бунда турли усуллардан фойдаланади, жумладан, рақобатнинг энг асосий усули лойиҳа баҳосини пасайтириш, инвестиция фоизини камайтириш орқали эришадилар. Натижада инвестиция киритиш камайиб, бозорда лойиҳалар баҳоси кўтарилади ва юқори фойда олишни таъминлайдилар.

Демак, инвестициялар рақобатбардошлигини таъминлаш учун инвесторлар иш ҳажми, яъни лойиҳа ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан, лойиҳа сифатини оширишдан, агар имкони бўлса, лойиҳа баҳосини оширишдан манфаатдор экан.

6.2. Муқобил инвестициялар

Инвестицияларнинг сафарбар этилиши кўп жиҳатдан лойиҳаларнинг юқори самарадорликка эғалигига асосланади. Сабаби бундай инвестиция лойиҳалари катта фойда олиш имконини беради. Одатда, юқори фойда олиш аксарият инвесторларнинг асосий мақсади бўлганлиги боис, бундай лойиҳаларни молиялаштиришдан инвесторлар манфаатдор бўладилар. Лекин барча инвестиция лойиҳалари ҳам бир хил кўрсаткичларга эга бўлавермайди. Бу эса улар ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтиради. Инвестиция лойиҳалари ўртасидаги рақобат курашининг вужудга келишига қуйидаги сабабларга асосланади:

1. Инвестицияларнинг тез қопланиши ва юқори фойда келтириши.
2. Инвесторнинг капитал жамғармаси чекланганлиги.

Инвестициялардан у ёки бу натижаларга эришиш ёки муайян турдаги чекланган ресурслардан фойдаланишдан муқобил имкониятлари таъминланса **муқобил инвестициялар** ҳисобланади. Муқобил инвестицияларни таққослаш эса улар ичидан энг юқори самаралисини аниқлашга ва уни кўзланган мақсад йўлида молиялаштиришга имкон беради. Муқобил инвестицияларни ўзаро таққослашда ишлаб чиқариш режаси ва ҳажмига, вақт омилига, янги технология бўйича бажарилган иш ҳажмига, ижтимоий омилларга ҳамда молиявий кўрсаткичларга эътибор қаратиш лозим.

Муқобил инвестицияларни асослашда қўлланиладиган кўрсаткичлар инвесторларни зиддиятли хулосаларга олиб келади. Барча мезонларга кўра инвестицияларнинг юқори даромадли бўлиши камдан-кам учрайдиган ҳолдир. Бунинг устига битта инвестиция лойиҳасининг ўзи бир кўрсаткич бўйича ўзаро фарқ қилувчи бир неча миқдорларга эга бўлиши мумкин.

Инвестициялар битта натижага эришишнинг бир нечта муқобил вариантлари мавжуд бўлган ҳолда ёки қандайдир чекланган ресурснинг (пул маблағларидан ташқари) битта манбасини ишлатганларида ўзаро инкор этувчи ёки муқобил бўлиши мумкин. Ресурслар чекланганлиги билан боғлиқ кўпгина иқтисодий масалалар сингари муқобил инвестиция лойиҳаларидан бирини танлаш муаммоси ҳам чекланган вақт давомида рўй беради, яъни шу вақт давомида ресурсларнинг етишмовчилиги муаммосини ҳам ҳал этиш керак. Мисол учун, ишлаб чиқариш корхонаси олдида ёки бир цехдаги ускуналарни янгилаш ёки янги цех қуриш лойиҳаларидан бирини танлаш муаммоси шу давр ичида бирданига икки лойиҳани молиялаштириш имконияти йуклиги туфайли юзага келади.

Фараз қилайлик, янги қурилган кўп қаватли уй-жойни иссиқ сув билан таъминлаш учун иситиш қозонини қуриш керак. Бунинг учун кўмир, газ, мазут каби уч хил турдаги ёқилғи ишлатилиши мумкин. Мутахассислар энергия таъминотининг уч варианты бўйича қуйидаги таҳлилий жадвални тузишди. Таҳлил осон бўлиши учун барча вариантни ҳам амал қилиш муддати 4 йил деб олинди.

Инвестиция тури	Йиллик пул тушумлари					Соф жорий қиймат млн. сўм	Инвести циялар рента- беллиги	Фойда ички меъёри %
	Йиллар							
	0	1	2	3	4			
Кўмир	-1000	750	500	0	0	95,04	1,095	18
Газ	-1000	350	350	350	350	109,45	1,109	15
Мазут	-500	180	180	180	180	70,58	1,141	16

Кўмир варианты самарадорлигининг пастлиги туфайли унга мослаб қурилган қозонхона учинчи йилдан бошлаб пул тушумини таъминламайди. Шу билан бирга дисконт коэффиценти 10% га тенг бўлганда, бу вариант мазут схемасига нисбатан юқори соф жорий қийматга эга. Демак, турли кўрсаткичлар бўйича турли лойиҳалар самаралидек туюлади. Лойиҳа таҳлилида бундай муаммолар икки сабабга кўра юзага келади:

1. Келгуси пул тушумларининг графикларидаги фарқ.
2. Талаб этилган инвестиция суммаларидаги фарқ.

Жадвалда фойда ички меъёри кўрсаткичига кўра кўмир варианты газникидан устун, аммо кўмир вариантыда дастлабки йилларда пул тушумлари катта бўлган ва мутлақо тўхтаган. Бошқача айтганда, каттароқ фойда ички меъёри кўмир лойиҳасида газ лойиҳасига нисбатан қисқароқ даврда таъминланади. Бошқа томондан қараганда, мазут схемаси бир сўмлик инвестицияга энг кўп фойда келтиради. Бу ерда соф жорий қийматнинг кичиклиги дастлабки инвестиция миқдорининг камлиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, муқобил лойиҳаларнинг самарадорлигини таққослама аниқлашда белгиланган дисконт ставкасида қайси лойиҳа юқори соф жорий қийматга эга бўлса ёки ҳосил қилинган соф жорий қиймат ҳисобига бошланғич капиталнинг энг юқори ўсишига эриша олса, ўша лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлади.

6.3.Инвестиция лойиҳаларининг амал қилиш муддатларидаги фарқлар

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда лойиҳаларни амал қилиш муддати ҳам таъсир кўрсатади. Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, йирик компаниялар бир вақтнинг ўзида бир неча хил лойиҳаларни молиялаштириш имконига эга бўладилар. Бундай пайтда ўша компания бир қанча инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш ва танлашга қабул қилади. Бунда компания уларнинг энг самаралиларини танлаб оладилар. Танлаб олинган инвестиция лойиҳаларининг қиймати эса ўзининг молиялаштириш имкониятига мос қилиб олинади ва уларни амалга оширишдан кўрадиган фойдани ҳисоблайди.

Муқобил инвестиция лойиҳаларининг бундай таққослама таҳлили улар ичидан энг самарали лойиҳани танлаб олишга ва лойиҳани молиялаштириш учун тўғри қарор қабул қилишга имкон беради. Умуман, муқобил лойиҳалар таҳлили инвесторнинг молиялаштириш учун қабул қилган лойиҳасининг беҳато танланишини ва ишончлилигини таъминлайди.

6.4.Харажатларга кўра самарадорликни баҳолаш усули

Амалиётда пул тушумларини таъминламайдиган лойиҳаларни баҳолашга дуч келишимиз мумкин. Мисол учун, хизмат биносини ёритиш учун кундузги ёритиш лампаларидан ёки бошқа турдаги ёритиш воситаларидан бирини танлаш вазифаси турганда шундай ҳолат юзага келади. Бунда корхона маълум бир вақт давомида кам харажат талаб этадиган ёритиш лойиҳасини танлайди.

Агар биз турли хизмат даврларига эга лойиҳаларга дуч келсак, ҳамда баҳоланаётган фаолиятни давом эттириш учун қайта молиялаш кўзда тутилса, эквивалент аннуитетни аниқлаш усулидан фойдаланилади. Бунда эквивалент аннуитет – йиллик эквивалент харажатлар деб аталади.

Фараз қилайлик, шаҳар ҳокимияти сув ёки электр билан иситиш тизимини киритиш масаласини ечиши керак. Бунда дисконтлаш ставкаси 10 фоиз деб олинади. Сув билан иситиш 5 йил ва бу тизимни яратиш ҳамда таъминлаб туриш учун 100 млн. сўм харажат қилиш керак. Электр иситиш тизими учун бу кўрсаткичлар мос ҳолда 7 йил ва 120 млн. сўмни ташкил этади. Буларни бир хил даврга келтириб, яъни сув тизимини 7 марта, электр тизимини 5 марта қайта лойиҳалашни кўзда тутиб, мураккаб ҳисоб-китобларни амалга оширамиз. Бу ҳисоб-китоблар қуйидаги 6.1.-жадвалда келтирилган:

Эквивалент йиллик харажатлар ҳисоб-китоби

Иситиш тизими	Амал қилиш муддати, йил	Харажатларнинг жорий қиймати, млн. сўм	Эквивалент йиллик харажатлар, млн сўм
Сув	5	100	$100:3,791 = 26,38$
Электр	7	120	$120:4,868 = 24,65$

Кўриниб турибдики, электр иситиш тизими йиллик кам харажатни талаб этади. Шунинг учун шаҳар ҳокимияти учун шу лойиҳани танлаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, юқори кўриб ўтилган, маъқул инвестиция вариантини танлаб олиш усули бюджет ва даромад келтирмайдиган ташкилотлар учун аҳамиятга эга. Лекин, чекланган инвестиция ресурсларидан рационал фойдаланиш масаласи ҳам жуда муҳимдир.

Муҳокама учун саволлар:

1. Рақобат нима?
2. Рақобатлашувчи инвестициялар деб нимага айтилади?
3. Инвестор фаолиятининг рақобатбардошлиги деганда нима тушунилади?
4. Рақобатнинг қандай шакллари мавжуд?
5. Такмиллашган рақобат деганда нима тушунилади?
6. Олигополлашган рақобат деганда нима тушунилади?
7. Монополлашган рақобат деганда нима тушунилади?
8. Муқобил инвестициялар деб нимага айтилади?
9. Муқобил инвестицияларни таққослаш деганда нима тушунилади?

7-мавзу. Техник таҳлил. (4 соат)

Режа:

- 7.1.Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари.
- 7.2.Техник таҳлил таркиби.
- 7.3.Лойиҳа компонентлари таҳлили.
- 7.4.Лойиҳа харажатларидаги ўзгаришлар.Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар графиги.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: *Техник таҳлил, лойиҳа, тижорат таклифи, тендер, лойиҳа ҳажми, техник таҳлил таркиби, мулк шакли, лойиҳа кўлами, лойиҳа масштаби, лойиҳа компонентлари, ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган компонентлар, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи компонентлар, мустакил компонентлар, харажатлар сметаси, лойиҳа графиги.*

7.1.Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари

Лойиҳанинг маркетинг нуқтаи назардан ижобий хулосаси олинган, унинг техник таҳлили амалга оширилади. Техник таҳлилда лойиҳа технологиясини ишлаб чиқарувчилардан шу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган тижорат таклифи олинади. Тижорат таклифи лойиҳа технологиясининг ҳар бир асбоб-ускунаси, уларнинг баҳоси, техник спецификацияси, техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Лойиҳани амалга оширишда энг самарали бўлган технология танланади. Агар лойиҳа чет эл валютаси ҳисобига технология билан таъминланадиган бўлса, унда халқаро кўламда шу технологияни ишлаб чиқарувчилар ўртасида танлов эълон қилинади. Мутахассислар тилида бундай танлов тендер деб аталади.

Инвестиция лойиҳаларини техник таҳлил қилишнинг вазифаси лойиҳа мақсади нуқтаи назаридан энг қулай бўлган технологиялар, лойиҳадан манфаат кўриши мумкин бўлган аҳоли контингенти, маҳаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг баҳоси, бозор ҳажми, шунингдек, лойиҳани режалаштириш ҳамда амалга оширишнинг мавжуд потенциал имкониятларини аниқлаш ҳисобланади.

Техник таҳлил олдига қуйидаги вазифаларни кўриб чиқиш ва белгилаш киради:

1. Техник ва технологик жиҳатдан муқобил вариантлар.
2. Лойиҳани жойлаштириш ўрни бўйича муқобил вариантлар.
3. Лойиҳа ҳажми.
4. Лойиҳани амалга ошириш муддатлари.
5. Хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг етарлилигини.

6. Лойиҳа маҳсулоти учун бозор сифими (ҳажми).

7. Кўзда тутилмаган омилларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа харажатлари.

Инвестиция лойиҳалари устида ишлаш жараёнида техник таҳлил биринчи навбатда ўтказилади.

7.2. Техник таҳлил таркиби

Турли лойиҳаларда учрайдиган техник муаммолар ўзига хос бўлади. Аммо айрим муаммолар кўпчилик лойиҳаларга хос бўлади ва уларни идентификация қилиш мумкин. Бу муаммолар қуйидаги категорияларга бўлинадилар: мулк шакли, лойиҳа кўлами, амалга ошириш муддатлари ҳамда технологияларни танлаш ва тўплаш.

Лойиҳанинг техник режаси, эксплуатацияси ва менежменти лойиҳани ким амалга оширишига боғлиқ. Қайси лойиҳаларни давлат сектори, қайсисини эса хусусий сектор амалга ошириши кераклилигини аниқлаш ҳозирда анча муаммо. Чунки инвесторлар инфратузилмалар ва коммунал хизмат сингари анъанавий давлат секторларига ҳам кириб боришяпти. Лойиҳа қайси соҳага (тармоққа) тегишли эканлиги ҳам мулк шаклини танлашда муҳим рол ўйнайди. Мулк шакли масаласи шу билан бирга лойиҳанинг қандай техник режаси танланишини белгилаб беради. Мисол учун, бир ҳудудни электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаси давлат секторида бажарилиши танланса, у ҳолда йирикрок электростанция қурилиши танланади. Хусусий секторда эса бир неча кичик, ўзаро рақобат қилувчи электростанциялар қурилиши танланиши мумкин. Йирик электростанция қуриш қарори бундай инвестицияларда таваккалчилик даражаси юқори бўлгани учун инвесторлар иштирокини инкор этади. Шу сабабли инвесторларни лойиҳа устида ишлашга жалб қилиш қарори қандай технологиялар танланишини белгилаб беради ҳамда технологияларни олдиндан танлаш лойиҳа давлат секторидагина бажарилиши мумкин, деган хулосага олиб келиши мумкин.

Лойиҳа кўлами ва масштаби деярли ҳар доим лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида аниқланадиган ўзгарувчан миқдорлар бўлиб келган. Қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқариш лойиҳалари кўлами лойиҳага бўлган талабга кўра белгиланади. Бошқа ҳолларда лойиҳа кўлами аввало уни амалга оширувчи муассасаларнинг ёки ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятларига боғлиқ бўлади. Айрим лойиҳалар кўлами фойдаланиш мўлжалланаётган ҳудудий ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги билан белгиланади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам режалаштирувчи идораларнинг мавжуд шароитни ҳисобга олмасдан катта кўламларни афзал кўришларини чеклаш керак. Тажрибадан ўтган технологик ечимлар йўқ бўлса, босқичма-босқич ёндашувни танлашга мажбур бўлинади. Бундай ёндашув тадқиқотлар ва адаптация ишларидан бошланади. Шундан сўнг лойиҳанинг тажриба варианты яратилади ва у тўпланган тажриба билан тўлдира борилиб, тўлиқ лойиҳага келтирилади. Молиявий жиҳатлар, масалан, лойиҳа амалга оширилгандан сўнг уни эксплуатация қилишга харажатлар қилиш зарурати ҳам лойиҳа кўламини белгилаши мумкин.

Лойиҳа кўлами масаласига таҳлилий ёндашиш ҳам мумкин. Оддий қилиб айтганда, лойиҳа учун соф келтирилган қиймат (СКҚ) максимал бўлишини

таъминлайдиган кўлам оптимал бўлади. Бундай таҳлил ўтказилиши учун лойиҳа бир нечта алоҳида компонентларга бўлиб ташланади, сўнгра бу компонентлар технологик жиҳатдан энг кичик бўлган «базис» лойиҳага бирлаштирилади. Бундан кейин базис лойиҳа ҳамда компонентларнинг ҳар бир комбинацияси учун соф келтирилган қиймат ҳисобланади. Охирги қўшилган компонент учун даромаднинг чекланган ички ставкаси дисконт ставкасига тенг бўлмагунга қадар лойиҳанинг изланаётган кўлами катталаштириб борилаверади. Айни шу лаҳзада соф келтирилган қиймат бутун лойиҳа учун мусбат бўлади ва максимал даражага етади. Лойиҳа бундан кейин ҳам кенгайтирилганда қўшилган компонентлар учун даромаднинг чекланган ички ставкаси дисконт ставкасидан паст, соф келтирилган қиймат эса манфий бўлади.

Лойиҳа кўламига нисбатан бундай ёндашув йирик корхона таркибида алоҳида бўлинмаларни ажратиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун қўлланилиши мумкин. Кўпгина ривожлантириш лойиҳалари турли секторларга ёки фаолият турларига тегишли компонентлардан ташкил топади. Мисол учун, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаси суғориш тизими ва дренажлар, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган турли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш, қишлоқ йўллари ва ижтимоий инфратузилманинг сув таъминоти тизими, мактаб ва тиббиёт муассасалари каби элементларини ўз ичига олиши мумкин. Шу туфайли лойиҳанинг турли элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Мактаблар ва тиббиёт муассасалари бир вазиятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан чамбарчас боғланган бўлса, бошқа вазиятда ҳеч қандай алоқага эга бўлмаслиги мумкин. Агар лойиҳа компонентлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлса, у ҳолда иқтисодий таҳлилда даромадлар ва харажатларни компонентлар бўйича тақсимлаш ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди. Бунда турли компонентлар бўйича даромад ставкасини аниқлаш керак эмас. Бундай ҳолда дастлаб бутун лойиҳа учун соф келтирилган қиймат ва даромаднинг ички ставкасини аниқлаш, сўнгра лойиҳанинг бир ёки бир неча компонентини ўзгартириб, айтилган кўрсаткичларни ошириш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш керак. Агар лойиҳанинг алоҳида компонентлари бир-бири билан деярли боғланмаган бўлса, улар алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниши керак.

7.3. Лойиҳа компонентлари таҳлили

Лойиҳанинг ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган, бир-бирини тўлдирадиган ёки мустақил компонентлар бўлиши мумкин. Агар лойиҳа компонентларини биргаликда амалга оширишдан олинadиган манфаат уларнинг ҳар бири алоҳида амалга оширилганда олинadиган манфаатлар йиғиндисидан кам бўлса, бундай компонентлар ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган компонентлар ҳисобланади. Агар лойиҳанинг алоҳида компонентларидан манфаат кўрилса, улар ўзаро бир-бирини тўлдирувчи компонентлар дейилади. Агар бутун лойиҳадан кўрилган манфаат алоҳида компонентлардан кўрилган манфаатлар йиғиндисига тенг бўлса, бу компонентлар мустақил компонентлар дейилади.

Лойиҳа компонентлари, шунингдек, харажатларга кўра ҳам ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган, ўрнини тўлдирадиган ва мустақил компонентлар бўлиши мумкин. Бир-бирининг ўрнини босувчи компонентлар учун умумий харажатлар уларни алоҳида-алоҳида амалга ошириш харажатлари йиғиндисидан катта бўлади. Бир-бирини тўлдирувчи компонентлар учун эса умумий харажатлар уларни алоҳида-алоҳида амалга ошириш харажатлари йиғиндисидан кичик бўлади. Мустақил компонентлар учун харажатлар миқдори бошқа компонентлар бор-йўқлигига боғлиқ бўлмайди.

Лойиҳаларнинг компонентлари бўйича турланиши

Лойиҳа компонентлари	Харажатларга кўра мустақил	Харажатларга кўра бир-бирини тўлдирувчи	Харажатларга кўра бир-бирининг ўрнини босувчи
Даромадларга кўра мустақил	Умумий соф келтирилган қиймат мустақил соф келтирилган қийматлар йиғиндисига тенг	Умумий соф келтирилган қиймат мустақил соф келтирилган қийматлар йиғиндисидан катта	Умумий соф келтирилган қиймат мустақил соф келтирилган қийматлар йиғиндисидан кичик
Даромадларга кўра бир-бирини тўлдирувчи	Умумий соф келтирилган қиймат мустақил соф келтирилган қийматлар йиғиндисидан катта	Умумий соф келтирилган қиймат алоҳида соф келтирилган қийматлар йиғиндисидан катта	Аниқланмаган натижа. Бирма-бир солиштириб кўриш талаб этилади
Даромадларга кўра бир-бирининг ўрнини босувчи	Умумий соф келтирилган қиймат алоҳида соф келтирилган қийматлар йиғиндисидан кичик	Аниқланмаган натижа. Бирма-бир солиштириб кўриш талаб этилади	Умумий соф келтирилган қиймат алоҳида соф келтирилган қийматлар йиғиндисидан кичик

Кўпгина кўп мақсадли лойиҳалар харажатларга кўра бир-бирини тўлдирувчи, даромадларга кўра эса бир-бирини ўрнини босувчи ҳисобланади. Мисол учун, суғориш ва гидроэлектростанция учун умумий тўғон қуриш алоҳида-алоҳида тўғон қуришга нисбатан кам харажат талаб этади. Лекин электр энергияси олиш учун қишда оқизилган сув суғориш учун фойдасиз бўлса, ёзда суғориш учун электр энергияси олиш эҳтиёжларидан кўпроқ сув оқизилади. Сув оқизиш миқдори ГЭС талаблари учун ҳам, қишлоқ хўжалиги талаби учун ҳам зарур бўлган оптимал миқдордан кўп бўлади. Оқибатда алоҳида лойиҳадагига нисбатан камроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳамда электр энергияси ишлаб чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолатда иқтисодий таҳлил чоғида «лойиҳасиз»

вазият сифатида тегишли иншоотларни алоҳида қуриш варианты кўриб чиқиши керак.

7.4. Лойиҳа харажатларидаги ўзгаришлар. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар графиги

Харажатларга ва лойиҳани амалга ошириш графигига реал баҳо бериш учун муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишланмаларининг аниқ бўлиши талаб этилади. Нотўғри берилган баҳо иқтисодий ва молиявий таҳлилда ҳам нотўғри ечимларга олиб келиши мумкин.

Харажатлар сметаси лойиҳа тури ва мавжуд услубларнинг имкониятидан келиб чиқиб мумкин қадар максимал аниқликда баҳоланган бўлиши керак. Шунингдек, бундай смета лойиҳани молиялаштириш бошланишидан анча олдин тайёр бўлиши керак. Лойиҳа турларига қараб муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишлари ҳажми турлича бўлади, мисол учун, текис жойда йўл қуриш лойиҳаси ҳамда тоғли жойда йўл қуриш лойиҳасида. Агар лойиҳада стандарт ускуналарни бир неча бор харид қилиш ёки анъанавий ишларни бажариш кўзда тутилган бўлса, муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишларига кетадиган харажатлар минимал бўлади.

Лойиҳанинг ҳар бир компоненти учун алоҳида харажатлар сметаси тузилади. Ускуналар сотиб олиш харажатлари сметаси ускуналар тури, сони ва ҳар бирининг баҳосидан келиб чиқиб тузилади. Мамлакатда бажарилган ўхшаш лойиҳалар тажрибаси ускуналар баҳосини аниқлашда мўлжал ҳисобланади. Агар бу тўғрида ахборот етарли бўлмаса ёки ўхшаш лойиҳалар яқин вақт ичида амалга оширилмаган бўлса, харажатлар сметасини тузишда ихтисослашган корхоналар, шахслар ёки пудратчилар хизматидан фойдаланилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар учун харажатлар сметалари ҳам миллий, ҳам хорижий валютада тузилади. Қурилиш даврида ҳисобланган фоизлар ва қўшимча айланма капиталга эҳтиёж ҳам харажатлар сметасида ҳисобга олиниши керак. Харажатлар сметаси молиявий кўринишда пул харажатларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Маҳаллий солиқлар ва импортга бож тўловлари сметага киритилиши, лекин алоҳида кўрсатилиши лозим. Чунки булар лойиҳани амалга оширувчи корхона харажатларига кирсада, мамлакат харажатларига кирмайди.

Харажатлар сметаси, одатда, икки қисмдан ташкил топади:

1. Асосий смета.

2. Кўзда тутилмаган харажатлар қўшимча сметаси.

Асосий смета дастлаб лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини асослаш учун тузилади ва тузатиб борилади. У тузилиш пайтида лойиҳанинг энг аниқ қийматини акс эттиради. Лекин у асосий смета тузилгандан лойиҳа тугаллангунга қадар рўй берадиган миқдор ва баҳо ўзгаришларини, мисол учун, етказиб бериш, қурилиш ишларини тугаллаш муддатларидаги ўзгаришларни ҳисобга олмайди. Бу ўзгаришлар кўзда тутилмаган харажатлар қўшимча сметасида ҳисобга олинади. Ҳар икки сметани ўз ичига олган харажатларнинг тўлиқ сметаси лойиҳанинг якуний қийматини аниқ баҳолайди. Қўшимча смета лойиҳа характериға боғлиқ ва лойиҳанинг ҳар бир асосий компоненти учун алоҳида тузилади.

Физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгариши. Сотиб олинадиган ускуналар сони ва турида, бажариладиган ишлар ҳажми ёки лойиҳани амалга ошириш усулларида бўладиган ўзгаришлар туфайли лойиҳа харажатларининг ўзгариши физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгаришида акс этади. Бундай ўзгаришлар миқдори ва характерини доим ҳам олдиндан кўриб бўлмайди. Табиий ҳодисалар, сел, бўрон, қурғоқчилик, ер қимирлашлари кўзда тутилмаган шундай ҳодисаларга мисол бўла олади ва уларда ҳеч қайси лойиҳа тўлиқ ҳимояланмаган.

Бу ўзгаришларни акс эттирувчи заҳиралар турли лойиҳаларда турлича бўлади. Бундай кўзда тутилмаган харажатлар заҳираларининг Жаҳон банки томонидан қабул қилинган даражалари қуйидагича:

- лойиҳаларда доимий фойдаланиладиган ускуна турлари учун ёки асфальт ётқизиш каби енгил аниқланмайдиган иш турлари учун 5%;
- такрорланиб турувчи ва олдиндан кўрса бўладиган ноаниқлик омилларига эга бўлган умумий фуқаро қурилиши учун 10%, мисол учун, бинолар, электр узатиш линиялари, трубопроводлар, текис ерда йўл ётқизиш ишлари учун;
- қайта ишлаш корхоналари, ноқулай бино ва муҳандислик иншоотлари, кичик суғориш ва дренаж ҳамда туғонлар қурилиши учун 15%.

Агар физик кўрсаткичларни кўзда тутилмаган ўзгариши заҳиралари суммаси 15-20% дан ошиб кетса, лойиҳа режасини такомиллаштириш ҳамда ноаниқликларни камайтириш учун вазиятни жойнинг ўзида қўшимча ўрганиш зарур.

Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари. Баҳонинг кўзда тутилмаган ўзгариши билан боғлиқ тузатишлар асосий смета тузилганидан сўнг лойиҳанинг алоҳида компонентлари учун баҳолар ўзгариши туфайли лойиҳа қийматининг мумкин бўлган ўзгаришини акс эттиради. Бундай кўзда тутилмаган харажатлар валюта курси ўзгаришини ҳисобга олиш учун миллий ва хорижий валюталарда алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари лойиҳанинг молиялаштиришга бўлган эҳтиёжини таҳлил этишда фойдаланиладиган, лойиҳа мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун ўтказиладиган иқтисодий ва молиявий таҳлилда қўлланилмайди, чунки бундай таҳлиллар барқарор баҳоларга асосланади. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришларининг вазиятга мос келувчи даражасини аниқлаш учун икки омилни кўриб чиқиш зарур:

1. Лойиҳани амалга ошириш муддатларида мамлакат ичида ва жаҳонда кутилаётган инфляция даражалари.

2. Умумий инфляция тенденцияларидан алоҳида турдаги ишлар ва хизматларга бўлган ички ва ташқи баҳолар фарқининг кутилаётган даражаси.

Агар лойиҳа бўйича тузилган шартномаларда бажарилган ишлар ёки ускуналар баҳосини индексация қилишнинг маълум усуллари келишиб олинган бўлса, бундай ҳолат заҳира миқдорини аниқлашда ҳисобга олиниши керак. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари заҳираси ҳар бир йил учун ҳисобланиб, лойиҳани амал қилиш муддати бўйича қўшиб чиқилади.

Лойиҳанинг техник жиҳатларини ишлаб чиқиш ҳеч бўлмаганда лойиҳани амалга оширишнинг ким, нимани ва қачон бажарилиши кўрсатиб ўтилган дастлабки режасини тузишни ўз ичига олиши керак. Бундай фаолият баъзида

тармоқли таҳлил ёки критик йўл услубида таҳлил деб юритилади. Охирги атама дастурларни баҳолаш ва изоҳлаш услуби каби мураккаб тизимларни ўз ичига олади. Бу тизимлар бир тадбир бошланишидан олдин тугалланиши керак бўлган ёки белгиланган муддатда тугалланмай қолиши бутун лойиҳа бўйича ишларнинг кечикишига олиб келиши мумкин бўлган тадбирларни аниқлашга мўлжалланган. Бу тизимлар йирик фуқаро иншоотларини ўз ичига олган лойиҳаларни режалаштиришнинг самарали воситаси бўлсада, бошқа лойиҳалар учун тадбирлар кетма-кетлигини белгиловчи ва изоҳлар билан тўлдирилган оддий календар режалари ҳам етарли ҳисобланади. Ҳар иккала ҳолда ҳам ўз вақтида бажарилиши лойиҳани амалга оширишга таъсир кўрсатувчи тадбирларни аниқлаш ва уларни тугаллашга етарли вақтни таъминлаш керак. Бу тадбирларни етарли даражада режалаштирмаслик оқибатида лойиҳани режалаштириш муддатлари чўзилиб кетиши мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар графиги реал, яъни корхоналар ва шахсларнинг имкониятлари даражасига асосланган бўлиши шарт. Ҳаддан ортиқ оптимистик графиклардан фойдаланиш салбий натижаларга, оператив режалаштиришнинг издан чиқиши, ишлар режадан орқада қолганда турли ташкилотлар ўртасида келишмовчиликларга олиб келади. Бундан ташқари ишлар графиги нореал тузилганда иқтисодий ва молиявий таҳлилда нотўғри хулосаларга келишга сабаб бўлади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишдан мақсад.
2. Техник таҳлил қилишнинг асосий вазифаларини айтинг.
3. Техник таҳлил таркиби.
4. Лойиҳанинг қандай компонентлари мавжуд?
5. Лойиҳа кўлами деганда нима тушунилади?
6. Ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган компонентлар деб нимага айтилади?
7. Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи компонентлар деб нимага айтилади?
8. Мустақил компонентлар деб нимага айтилади?
9. Харажатлар сметаси нима?
10. Харажатлар сметаси қандай қисмларни ўз ичига олади?
11. Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар графиги қандай тузилади?

8-мавзу. Экологик таҳлил. (2 соат)

Режа:

8.1.Экологик таҳлилнинг моҳияти ва вазифаси.

8.2.Атроф-муҳитни ҳимоя қилишни молиялаштириш манбалари.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: Экологик таҳлил, экологик лойиҳалар, экологик бошқариш, экотизим, халқаро нодавлат ташкилотлар, ЭКОСАН, атроф-муҳит, лойиҳа-смета харажатлари, экологик лойиҳаларни молиялаштириш, индивидуал меъёр.

8.1.Экологик таҳлилнинг моҳияти ва вазифаси

Ҳозирги давр фан-техника тараққиётининг жадаллашиши ва инсоннинг табиатга таъсири кучайганлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда микро ва макро кўламда тузилаётган лойиҳалардан ҳар бирининг экологик мувозанатга таъсири мустақил экологик экспертлар томонидан баҳоланиши шарт. Агар тижорат лойиҳалари экологик мувозанатга салбий таъсир этса, бундай лойиҳалар молиялаштирилмайди. Шу билан бирга давлат томонидан экологияни яхшилашга қаратилган нотижорат лойиҳалари ишлаб чиқилади. Бундай лойиҳаларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Халқаро нодавлат ташкилотлари, мисол учун, ЭКОСАН каби ташкилотлар маълум грант лойиҳаларини амалга оширади. Умуман олганда, экологик лойиҳалар грантлар, давлат бюджети ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Инвестиция лойиҳалар ҳам экологик таҳлилдан ўтказилиши талаб этилади. Агар лойиҳада экологик вазиятга (сувга, ҳавога, ўсимлик дунёсига ва бошқаларга) таъсир этувчи технология ёки асбоб-ускуналар бўлса, уларнинг экологияга таъсирини йўқотиш учун қўшимча лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилади. Мисол учун, оддий транспорт воситаларидан фойдаланишни қўпайтириш янги трассалар қуришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида ландшафтнинг ўзгариши, аҳоли оқимининг ошишига олиб келади. Айрим ҳолларда шу жойнинг табиатига салбий таъсир кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши атроф-муҳит ҳавоси зарарли чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда бу салбий натижаларни самара натижалари билан таққослаш ва бу нисбатни чуқур таҳлил қилиш зарур.

Экологик таҳлилнинг асосий вазифаси лойиҳа натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал зарарни олдиндан белгилаш ва унинг таъсирини юмшатиш ёки батамом тугатиш йўллари топишдир. Бу жараён лойиҳада кўзда тутилган натижаларга салбий таъсир кўрсатиши керак эмас. Ташқи муҳит «табиий капитал бўлиб», у иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради. Нотўғри

режалаштирилган лойиҳалар эса унинг бузилишига, миллий капиталнинг емирилишига олиб келиши мумкин.

Экологик бошқаришнинг вазифаси аҳолининг табиий таъсирларга бўлган талаби билан атроф-муҳитнинг шу талабни қондира олиш имкониятлари орасидаги мувозанатни (балансни) топишдан иборат. Лойиҳаларни амалга ошириш «экологик сиғим» потенциалини камайтириши керак эмас. Лойиҳаларни амалга оширишдан олдин уларнинг атроф-муҳитга муҳим таъсирларини белгилаш, лойиҳалар таъсири асосида муҳит бузилиб кетгандан кейин уни ўз ҳолига келтиришдан афзалроқдир.

Шунинг учун ҳар қандай лойиҳанинг экотизимга келтирадиган салбий оқибатларини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Агар лойиҳа экотизимга меъёрдан юқори салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, уни янгидан кўриб чиқиш, шундан кейин ҳам вазият ўзгармаса, ундан воз кечиш зарур. Экотизим битта давлат ҳудудидаги муаммо эмас, балки унинг ўзгариши бутун ер шарига таъсир кўрсатади, жумладан, Орол муаммоси. Шунинг учун экотизим таҳлил қилинганда бир мамлакат манфаатларидангина келиб чиқиш керак эмас.

8.2.Атроф-муҳитни ҳимоя қилишни молиялаштириш манбалари

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларини кўзлаш лойиҳа-смета харажатларида ўз аксини топади. Иқтисодий ривожланиш муаммоларини инсонлар томонидан илмий ўрганиш кучайиши билан лойиҳаларнинг экотизимга таъсирини жуда бўлмаганда минимал хавфсизлик меъёри даражасига тушириш имкони пайдо бўлади. Бу меъёрларга инсон саломатлигига бўлган хавф даражаси, атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқариш меъёрлари ва бошқалар мисол бўлади. Лойиҳалар экотизимни муҳофаза қилиш бўйича чет эл мамлакатлари билан тузилган шартномалар бузилишига олиб келиши керак эмас.

Айрим ҳолларда лойиҳа таъсирида экологик ҳолат салбий томонга қараб ўзгариши ва бунга рухсат берилиши ҳам мумкин. Мисол учун, аҳоли жойлашган жой яқинига темир йўл қуриш лойиҳалаштирилса ва бу лойиҳа амалга ошса, шовқин кўпаяди ҳамда бу аҳоли яшаш тарзига салбий таъсир этиши мумкин. Лойиҳада бу салбий таъсирни бартараф қилиш йўллари бўлиши керак. Бунинг учун аҳолини бошқа жойга кўчириш ёки шовқинни камайтирадиган мосламаларни уйларга ўрнатиш керак. Бу, албатта, қўшимча харажатларга олиб келади. Ундан ташқари айрим вақтларда аҳолини компенсация бериш йўли билан ҳам рози қилиш мумкин. Мисол учун, электростанция қуриш лойиҳаси амалга оширилса, корхона эгалари атрофда яшовчи аҳолига электроэнергияни текинга беришни ўз бўйнига олади.

Экологик таъсирни бартараф қилиш муаммоси инвестиция олди босқичида ҳал қилиниши керак, шунда бу жараёнга қилинадиган харажатлар энг кам миқдорда бўлади. Умуман, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш харажатлари тахминан 5% ини ташкил этади.

Экологик лойиҳалар харажатини умумий лойиҳадан фойда кўрадиган шахслар қоплаши керак. Агар лойиҳа давлат томонидан амалга оширилса,

харажатлар манбаи давлат бюджети ҳисобланади. Лекин масалага бундай ёндашувнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Мисол учун, пировардида экологик лойиҳа туфайли ким манфаатдор эканлигини аниқлаш жуда қийин, ундан ташқари лойиҳанинг мақсади йўқотилган ёки бузилган экологик элементларни тиклаш ёки хавф олдини олиш бўлиши мумкин. Бунда ютуқ тўғрисида фикр юритилмайди. Агар металлургия комбинати атроф-муҳитни бўлғаетган бўлса, экологик хавфни бартараф қилиш харажатларини ўз бўйнига олиши керак. Сел хавфидан сақланиш учун канал қурилиши харажатларининг манбаи давлат бюджетидир.

Атроф-муҳитни ифлосланишдан асраш учун кураш рухсатномалар ва лицензиялар олиш тартибини жорий этиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Корхоналар ташқи муҳитга маълум миқдорда зарарли моддалар чиқариши учун лицензия оладилар. Бунинг учун заҳарли моддаларни атмосферага чиқариш, вақт бирлигида сувларга оқаваларни ташлаш меъёрларини вужудга келтириш зарур. Бу меъёрлар ҳамма турдаги корхоналар учун умумий қилиб тузилганлиги учун ҳам яхши самара бермайди. Шунинг учун тажрибада ҳар хил соҳадаги корхоналар учун алоҳида меъёрлар белгиланади. Индивидуал меъёрлар корхона жойлашган жойга қараб ўзгариши мумкин. Тадбирлардан яна бири атроф-муҳитнинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатган корхоналарга жарима солиш ҳисобланади. Жарималар тизимини пухта ўйлаб вужудга келтириш атроф-муҳитни ифлослантиришдан сақлаб қолади.

Жаҳон банки томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар асосан индивидуал меъёрларга асосланган. Айрим мамлакатлар тажрибасида меъёрдан юқори бўлган чиқиндилар савдо-сотиғи амалга оширилади. Мисол учун, шаҳарларда ҳавога заҳарли моддалар чиқаришни камайтиришда ана шундай тадбир қўлланилади ва бу ижобий натижага олиб келган. Шаҳарларда жойлашган корхоналарга ҳавога маълум миқдорда (шаҳарни ўртача ифлослаш даражасига унчалик таъсир этмайдиган миқдорда) заҳарли моддалар чиқариш учун рухсат берилган. Айтайлик, ё бир корхона янги технология жорий қилиш йўли билан ҳавога заҳарли моддалар чиқаришни маълум миқдорда камайтирди. Қолган корхоналар бу корхонадан ортиқча чиқарилган заҳарли моддаларни сотиб олишлари керак. Бундай ҳол бошқа корхоналарни ҳам янги, илғор технологияларни тадбиқ қилишга ундайди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Экологик таҳлил қилишдан мақсад.
2. Экологик таҳлилнинг моҳияти тушунтириб беринг.
3. Экологик таҳлилнинг вазифасини айтинг.
4. Экологик бошқариш деганда нима тушунилади?
5. Лойиҳаларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш йўллари қандай?
6. Экотизим нима?
7. Экологик лойиҳалар харажатларини қоплаш манбаларига изох беринг.
8. Экологик лойиҳалар қандай тузилади?

9-мавзу. Ижтимоий таҳлил. (4 соат)

Режа:

- 9.1.Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари.
- 9.2.Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари.
- 9.3.Лойиҳаларни амалга оширишда манфаатдорликни таъминлаш.
- 9.4.Лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хотин-қизларнинг роли.
- 9.5.Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

***Таянч иборалар:** Ижтимоий таҳлил, ижтимоий лойиҳалар, аҳолининг ижтимоий-маданий хусусиятлари, аҳолининг демографик хусусиятлари, лойиҳа ва маҳаллий маданият, лойиҳалардан манфаатдорлик, лойиҳаларда хотин-қизлар роли, мутахассислар малакаси, ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш, лойиҳалар самарадорлиги.*

9.1.Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари

Ҳар қандай лойиҳа самарали амалга оширилиши учун ижтимоий таҳлилнинг аҳамияти катта. Лойиҳанинг таклиф этилаётган у ёки бу варианты аҳолининг мақсадли гуруҳи манфаати талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини аниқлаш ижтимоий таҳлилнинг вазифаси ҳисобланади. Ижтимоий таҳлил лойиҳа ва у йўналтирилган ижтимоий гуруҳнинг ўзаро мувофиқ келишини яхшилаш бўйича тадбирларни таклиф этади. Шунингдек, ижтимоий таҳлил аҳоли томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳамда жамоатчилик фикри ва қарашларидаги ўзгаришларни рағбатлантириш йўли билан лойиҳа мақсадларига эришишни таъминлайдиган лойиҳа стратегиясини белгилайди.

Ижтимоий таҳлил қилинмаган лойиҳа мазмунига уни ишлаб чиқарувчиларнинг маданий қарашлари лойиҳа мўлжалланган кишиларнинг маданий қарашларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади. Ижтимоий таҳлил лойиҳа таҳлилининг бошқа турлари билан бирга ўтказилиши керак. Лойиҳа таҳлилининг бошқа турлари сингари ижтимоий таҳлил ҳам лойиҳа олди босқичида бошланиб, лойиҳа даврининг кейинги ҳар бир босқичида давом этиши керак.

Ижтимоий таҳлил тўрт асосий соҳага эътиборни жамлайди. Булар:

1. Лойиҳага таъсир кўрсатадиган аҳолининг ижтимоий-маданий тавсифи, миқдорий тавсифи ва ижтимоий тузилмаси бўйича таҳлил.
2. Лойиҳа амал қиладиган ҳудуддаги аҳоли томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, шу жумладан, оилалар, уй хўжаликлари тузилмаси, ишчи кучининг мавжудлиги, ерга эгалик қилиш шакллари, ресурслардан фойдаланиш имконияти ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари таҳлили.

3. Лойиҳанинг маҳаллий маданият нуқтаи назаридан талабга жавоб бериши, хусусий лойиҳанинг мавжуд ижтимоий меъёрларга мослашувчанлиги, кишиларнинг қарашларида, ўз эҳтиёжларини англашларида зарур ўзгаришлар ясашга қобиллиги.

4. Лойиҳадан уни амалга оширувчи ташкилот ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатдорлигини таъминлаш стратегияси. Бундан мақсад аҳоли ва ташкилотларнинг лойиҳанинг барча босқичларида узлуксиз иштирокини таъминлашдир.

9.2. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари

Ижтимоий таҳлилнинг биринчи босқичи лойиҳа йўналтирилган аҳоли гуруҳи, унинг миқдори ва таркибини аниқлашдан иборат.

Лойиҳа йўналтирилган аҳолининг турмуш тарзи кўпинча уни ишлаб чиқувчи кишиларнинг турмуш тарзидан фарқ қилади. Шу туфайли режалаштириш жараёнларига маҳаллий аҳоли жалб этилмаса, лойиҳа маҳаллий шароитга мос келмаслиги мумкин. Маҳаллий шароитларни билмаслик, бу тўғрида бир гуруҳ шахслар, хусусан, раҳбарларнинг фикрига кўра иш юритиш аҳоли кўпчиликлари табақалари қарашларининг эътиборидан четда қолишига олиб келади.

Шаҳар ҳамда қишлоқ жойларидаги оилавий хўжаликлар таркиби тўғрисида тўғри тасаввурга эришиш ҳам катта куч талаб этади. Шаҳар жойлари учун мўлжалланган айрим лойиҳаларда бу ерларда оила аъзолари қишлоқ жойларида муҳим рол ўйновчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидан бутунлай алоқасини узган деб қаралган. Аслида кам таъминланган шаҳар оиласи тез ўзгариб турувчи ижтимоий куч ҳисобланади. Иқтисодий ва сиёсий шароитлар ўзгариши таъсирида бу оила болалари бир уй хўжалигидан бошқасига ўтиб турадилар, бошқа бир аъзолари эса бойроқ қариндошлариникига кўчиб ўтадилар. Бундай ўзгаришлар оила аъзолари сонининг ўзгариб туришига мослаша оладиган уй-жой майдонини талаб этади.

Кўпчилик шаҳар оилалари ўз даромадларининг каттагина қисмини қариндошларидан ёрдам тариқасида оладилар. Шундай йўл билан ижтимоий ҳимоя тизими яратилади ва минимал зарур истеъмол даражаси таъминлаб турилади. Уй-жой қурилишини лойиҳалаштирилганда бу жиҳатлар эътиборга олиниши керак. Агар лойиҳа аҳолини кўчиришни кўзда тутса, ижтимоий маданияти ва демографик хусусиятларни эътиборга олиши зарур. Мажбурий кўчириш ўзига хос ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. У ожизлик, бегоналик туйғуларини туғдиради ҳамда ижтимоий бирдамлик ва гуруҳ ишлаб чиқариш потенциали пасайишига олиб келади.

Кўчириш дастурлари уй жой билан таъминлаш, товон пули тўлаш, ишга жойлаштириш тадбирлари билан бир қаторда, кишиларга уларнинг турмуш даражалари яхшиланишини кафолатлаши керак.

Кўп ҳолларда лойиҳа таъсир кўрсатадиган аҳоли, айниқса қишлоқ жойларида ресурслар ва мавжуд чекловларни ҳисобга олган ҳолда уюшган бўладилар. Бунда мулк ҳуқуқи, ер-сув ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқлари муҳим аҳамиятга эга. Уюшмаларни бошқа бир ташкилий элементи ресурсларни

биргаликда ва индивидуал бошқариш усуллари, капиталга эга бўлиш характери, ишчи кучини мавсумий таклиф этиш, меҳнат тақсимоти, рағбатлантириш тизими, маҳаллий ишлаб чиқариш уюшмаларининг типлари, савдо ва ҳукумат муассасалари билан ўзаро муносабатлар ҳисобланади. Бир қанча камчиликларга эга бўлишига қарамасдан бу ташкилий элементларни доимо ҳисобга олиб бориш керак, чунки улар лойиҳа тузиш учун асос бўлади.

Кўп сонли аҳолига таъсир этувчи лойиҳалар муваффақиятли бўлиши учун уларнинг кўпчилиги лойиҳа мақсадини тушунишлари ва уни қўллаб-қувватлашлари керак. Шу туфайли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида маҳаллий кадриятлар тизимини, урф-одатлар, анъаналар, аниқланган эҳтиёжлар ва мақсадларни ҳисобга олиш зарур.

Миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан самарали бўлган лойиҳалар мақсади маҳаллий аҳоли учун тушунарсиз ёки улар фикрига кўра, аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Оқибатда лойиҳалар маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмайди. Ижтимоий таҳлил маҳаллий шароитларга асосланган ҳолда лойиҳа вазифалари ва умумий мақсадларни маҳаллий аҳолининг индивидуал мақсадлари билан боғлаш йўллари кўрсатиб беради. Оилани режалаштириш масаласида ҳам маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари лойиҳа мақсадига ёки умумий мақсадларга эришишга таъсир кўрсатади.

9.3. Лойиҳаларни амалга оширишда манфаатдорликни таъминлаш

Лойиҳа муваффақиятининг асосий шартларидан бири лойиҳани амалга оширувчи гуруҳнинг лойиҳадан манфаатдорлигини, уни қўллаб-қувватлаш ва иштирокини таъминлашдир. Бу лойиҳани самарали эксплуатация қилиш гаровидир. Кишилар ўзгаришлар қилиш учун таваккалчиликка боришлари ва лойиҳа мақсадларига эришишлари учун қилган куч-ғайратлари ўзини оқлашига ишонч ҳосил қилишлари керак. Лойиҳада иштирок этиш қуйидаги босқич ва шаклларда бўлиши мумкин:

1. Инвестицияларни танлаш ва режалаштириш борасида маслаҳат.
2. Ишчи кучи билан иштирок этиш.
3. Моддий ва пул ресурслари билан иштирок этиш.
4. Лойиҳа бажарилишини кузатиб бориш ва ҳоказо.

Маҳаллий аҳолининг лойиҳада иштирок этиши лойиҳа раҳбарларига жами харажатларни ўзгартирмаган ҳолда кўпроқ сонли аҳолига лойиҳадан манфаат етказиш имконини беради. Қарор қабул қилингунга қадар маҳаллий аҳолидан маслаҳат олиш лойиҳаларга кўрсатиладиган қаршилиқни минималлаштириш, ундан келадиган манфаатни кўпайтириш, хизмат муддатини узайтириш имконини яратади. Мисол учун, фермерлар қишлоқ хўжалиги ходимлари ишлаб чиқариш технологиялари бозорларининг ҳолати, лойиҳанинг мумкин бўлган экологик оқибатлари тўғрисида муҳим ахборот манбаи ҳисобланадилар. Сув иншоотлари куриш ва қишлоқ хўжалигига тегишли бошқа лойиҳаларда бу ахборотлар жуда муҳим рол ўйнайди.

Маҳаллий аҳолининг лойиҳада иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш стратегияси муваффақияти аҳолининг уюшмаларга бирлаша олиш

қобилиятига боғлиқ. Бу уюшмалар орқали улар ўз манфаатларини аниқлайдилар ва ҳимоя қиладилар. Ташкилий ва техник имкониятлар тажриба орттириш билан кенгайтириб борилади. Аммо лойиҳани эксплуатация қилиш бошлангунга қадар маҳаллий аҳолини ўқитиб, бу жараёнларга тайёрлаш кўпроқ самара беради.

Маҳаллий институционал тизимларни яратиш учун вақт талаб қилиниши сабаби кўп лойиҳаларда илгарида мавжуд бўлган ташкилотларга таянилади. Аммо бу ташкилотларга янги вазифалар юклатилганда улар олдиндан бажариб келган вазифаларни кескин эмас, балки аста-секин кенгайтириб бориши керак.

Мавжуд маҳаллий ташкилотлардан фойдаланиш ўз афзалликларига эга бўлсада, бу янги ташкилотлар муваффақиятсиз ишлашини англатмайди. Янги ташкилотлар фаолиятининг муваффақияти бошқа омиллар қаторида янги гуруҳ мавжуд эҳтиёжларни лозим даражада қондира олишига, ходимларнинг тайёргарлиги даражасига, муддатларнинг реаллигига ҳам боғлиқ.

9.4.Лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хотин-қизларнинг роли

Лойиҳаларда хотин-қизлар ролига катта эътибор бериш зарур, чунки аёллар жами аҳолининг камида ярмини ташкил этадилар. Бунинг учун лойиҳада хотин-қизлар иштирокига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш лозим. Айниқса, енгил саноатдаги каби ходимларининг катта қисми хотин-қизлар бўлган тармоқларлаги лойиҳалар учун бу ўта зарур.

Лойиҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, лойиҳалар муҳокама этилаётганда кўпинча хотин-қизлар аҳолининг ярмидан кўпчилигини ташкил этиши эътибордан четда қолади. Лойиҳаларда иштирок этиш ва улардан манфаат кўришда, жинслар ўртасида фарқ борлиги, аёлларнинг иқтисодий манфаатлари лойиҳаларда ҳисобга олиниши шарт, чунки бу лойиҳа муваффақияти гаровларидан биридир. Кўпроқ аёллар меҳнатига таянадиган енгил саноат корхоналари лойиҳаларида бу алоҳида аҳамият касб этади. Аёллар дунё бўйича қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг 50 фоиздан 70 фоизгача қисмини ташкил этади. Оилаларда қишлоқ хўжалигида банд аёллар сони эркакларникидан кўпдир. Шу сабабли қиз болалар таълими учун қилинган сарфлар энг яхши капитал қўйилма бўлиши мумкин. Чунки аёллар маълумотининг яхшиланиши соғлиқни сақлаш, овқатланиш, болалар соғлиғи яхшиланиши, болалар ўлимининг, туғилиш суръатларнинг пасайишига олиб келади. Ривожлантириш жараёнларида аёллар иштирокини кенгайтириш учун лойиҳани ишлаб чиқувчилар аҳоли ўртасида аёлларнинг лойиҳада иштирок этишига ҳамда ундан манфаат кўришига маданий, ҳуқуқий, жисмоний, молиявий тўсиқлар бор-йўқлигини аниқлаш керак. Бундай тадқиқотлар ўтказишда мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фарқ эътиборга олиниши лозим.

9.5.Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи

Ижтимоий муаммолар лойиҳа даврининг турли босқичларида юзага чиқади. Лойиҳа нафақат салбий оқибатларнинг олдини олиш учун, шунингдек, ижтимоий ўзгаришларни бошлаш мақсадида кишилар куч-ғайратларини сафарбар этиши учун ҳам аҳоли урф-одатлари, анъаналарига мосланган бўлиши керак. Кўпгина ижтимоий муаммоларни аниқлаб, моҳиятига етишнинг ўзиёқ уларнинг лойиҳага салбий таъсирини кескин камайтириш имконини беради.

Профессионал тайёргарлик ва ижтимоий таҳлил тажрибаси потенциал ижтимоий муаммоларни аниқлаш учун ўта зарур. Шу сабабли лойиҳа таҳлилида социолог, антрополог каби мутахассислар иштирокини таъминлаш керак. Турли қишлоқ хўжалиги муассасаларининг чорвачилик бўлимларида чорва билан шуғулланувчи мутахассислар бўлгани ҳолда чорвани етиштириш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг йўқлиги кўпгина мамлакатларда чорвачилик лойиҳалари самарадорлигининг пастлиги сабабларидан биридир.

Лойиҳани самарали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қуйидан маҳаллий аҳоли иштироки ва юқоридан ҳукумат томонидан раҳбарлик қилинишини талаб этади. Муваффақиятли ва иқтисодий самарали лойиҳалар кишиларни ўзларининг бир ёки бир неча мақсадларига эришиш йўлида сафарбар этади ва уларни ўз кучларига таянишга ўргатади. Ривожлантириш лойиҳаларида кўпинча бир-бирига зид келувчи ва ўзаро боғланган бу икки шарт бир вақтда бажарилиши керак. Ижтимоий таҳлил улар ўртасида муҳим боғловчи бўғин сифатида хизмат қилади.

Ижтимоий таҳлил бошқа лойиҳалар самарасига, мутахассислар тажрибаси ва малакасига таянган ҳолда кишиларнинг эҳтимол бўлган ҳатти-ҳаракатларини объектив баҳолаш орқали лойиҳаларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш ва амалга оширишга ёрдам беради.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти тушунтириб беринг.
2. Ижтимоий таҳлилнинг вазифасини айтинг.
3. Ижтимоий лойиҳалар қандай тузилади?
4. Ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишдан мақсад нимада?
5. Лойиҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хотин-қизлар иштирокини таъминлаш.
6. Лойиҳалардан ижтимоий манфаатдорлик деганда нима тушунилади?
7. Лойиҳаларда моддий манфаатдорликни таъминлаш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?
8. Лойиҳаларни ижтимоий таҳлил қилишда мутахассислар масаласи.

10-мавзу. Институционал таҳлил. (4 соат)

Режа:

- 10.1. Институционал таҳлилнинг мақсади ва вазифалари.
- 10.2. Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнидаги асосий муаммолар.
- 10.3. Зарурий институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: Институционал таҳлил, инвестиция лойиҳалари, лойиҳанинг моддий таъминоти, лойиҳани ишлаб чиқариш жараёни, лойиҳанинг ҳаракатчан менежери, зарурий институтлар, сиёсий омиллар, мақсадлар мураккаблиги, лойиҳага эътиборсизлик, лойиҳаларни мувофиқлаштириш, лойиҳаларни бошқариш.

10.1. Институционал таҳлилнинг мақсади ва вазифалари

Институционал таҳлил лойиҳа устида бажариладиган ишларнинг энг муҳими ҳисобланади. Инвестиция лойиҳалари натижалари кўп жихатдан ташкилий тузилма сифатига боғлиқ бўлади. Лойиҳани амалга оширувчи ташкилотларни ўрганиш, уларнинг бошқарув имкониятлари, шунингдек, марказий ҳокимиятнинг лойиҳа учун мутасадди бўлган ташкилотларга ёрдам беришга қанчалик тайёр эканликларини баҳолашга имкон беради. Яхши шаклланмаган, такомиллашмаган бошқарув тузилмасига, малакали мутахассислар, ахборот тизимлари ва ҳоказоларга эга бўлмаган ташкилотлар зиммасига лойиҳаларни амалга оширишни топшириш ёки улар таклиф этган лойиҳаларни молиялаштириш муваффақиятсизликка олиб келиши ёки қўшимча харажатларни келтириб чиқариши мумкин.

Институционал таҳлил лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва эксплуатация қилишга, шунингдек, мавжуд ташкилотларни мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар билан тўлдиришга кўмак бериши лозим. Кучли институтларни ташкил этиш лойиҳага кўра фойдаланиладиган миллий ҳамда халқаро ресурсларни муҳофаза қилган ҳолда лойиҳаларни самарали амалга ошириш имконини беради. Инвестиция лойиҳалари институционал таҳлилидан мақсад лойиҳа амалга ошириладиган макондаги ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва маъмурий вазиятга баҳо бериш ҳамда лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тавсиялар қуйидаги масалаларни қамраб олади:

- а) бошқарув услублари ва усуллари, шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш;
- б) ташкилий тузилма, ундаги ўзгаришлар;
- в) режалаштириш, шу жумладан, инвестицияларни жойлаштиришни режалаштириш;
- г) ходимлар таркибини тўлдириш, ўқитиш, малакасини ошириш;

- д) молиявий фаолият, шу жумладан, молиявий фаолиятни бошқариш, сметалар тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва тафтиш;
- е) лойиҳаларнинг моддий-техник таъминоти;
- ж) эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тизимлари;
- з) ташкилотлараро мувофиқлаштириш;
- и) алоҳида секторларга нисбатан сиёсат масалалари.

Бу вазифалар нафақат лойиҳаларни амалга ошираётган ва эксплуатация қилаётган ташкилотлар, шунингдек, лойиҳа муваффақиятига таъсир кўрсатувчи ҳукумат ва тармоқ тузилмаларига, яъни вазирликлар, идоралар, банклар, тадқиқот муассасаларига ҳам тегишли.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда институционал таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири эски давлат ташкилотларини бозор иқтисодиётидаги бошқачароқ вазифаларни бажаришга мослашган янги ташкилотлар, агентликлар ва корхоналарга айлантиришни режалаштиришдан иборат. Бу муаммонинг нақадар муҳимлиги бир қатор мамлакатларда оммавий хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чоғида яққол намоён бўлди.

Иқтисодиётни қайта қуриш шароитида лойиҳага мутасадди бўлган ташкилотлар учун “мулкчилик” концепцияси ўта муҳим ҳисобланади. Лойиҳани амалга оширувчи ташкилотлар унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги учун масъулиятни ўз зиммаларига олгандагина ижобий натижага эришилади. Мулк ҳуқуқи – мутасадди ташкилотлар менежерлари лойиҳа мақсадларини англашлари ва бу мақсадларга эришиш учун зарур қарор қабул қилиш ваколатига эга эканликларини англатади. Бундай вазиятда уларда ҳам шахсий манфаатдорлик, ҳам лойиҳага раҳбарлик қилиш имконияти мавжуд бўлади. Институционал таҳлилнинг каттагина қисми “мулкчилик” омили лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга қанчалик таъсир этишини аниқлашга қаратилган. Инвестиция лойиҳаларини институционал таҳлил қилиш учун турли шароитларга тезда мослаштира бўладиган муқобил ечимлар ёки моделлар деярли йўқ. Институтларни ривожлантириш узоқ давом этувчи тажрибалар ва мослашув жараёнларидан иборат. Бу жараёнлар эса кўпинча сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг салбий ўзгаришлари туфайли муваффақиятсизликка учрайди. Умуман олганда институционал таҳлилга қуйидаги вазифаларни бажариш киради:

- лойиҳа амалга ошириладиган институционал шарт-шароитларни аниқлаш ва тасвирлаб бериш;
- лойиҳада иштирок этувчи ташкилотларнинг моддий ва меҳнат ресурслари, техник малакаси, ташкилий тузилмаси, бошқарув ва маъмурий имкониятлари, молиявий аҳволи нуқтаи назаридан кучли ва заиф томонларини баҳолаш;
- қонунлар, сиёсат ва йўриқномалар ўзгаришининг лойиҳани амалга ошириш ва эксплуатация қилишга бўлган таъсирини баҳолаш;
- лойиҳада қатнашувчи ташкилотларнинг заиф жиҳатларини бартараф қилишнинг муқобил йўллари хамда қонунлар, сиёсат ва йўриқномаларнинг лойиҳага кўрсатиши мумкин бўлган потенциал салбий таъсирига қарши чора-тадбирларни илгари суриш;

- тавсия қилинаётган ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш учун керак бўлиши мумкин бўлган техник ёрдам бўйича таклифларни илгари суриш ҳамда зарур ишларни ўтказиш графигини ишлаб чиқиш.

10.2. Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнидаги асосий муаммолар

Иқтисодийни қайта қуриш жараёнида икки муҳим институционал муаммо кузатилади. Биринчидан, бу мавжуд ҳукумат муассасаларини ислоҳ қилиш зарурати, иккинчидан, илгари мавжуд бўлмаган янги институтларни ташкил этиш.

Институционал муаммоларни характерлаш учун кўпинча зарур ечимларни топишга тўсқинлик қилувчи юзаки атамалар қўлланилади. Мисол учун, қийинчиликка учраган лойиҳа ҳақида унинг “раҳбарлари заиф” дейилса, лойиҳа муваффақиятини “лойиҳанинг ҳаракатчан менежери” билан боғлашади. Молиявий фаолиятни назорат қилишда юзага келган қийинчиликларни эса кўпинча бухгалтерияда персонал компьютерларнинг йўқлиги билан изоҳлашади, ходимлар ва маъмуриятнинг қониқарсиз иши эса, ходимларда етарли малака йўқ, деб осонгина изоҳлаб қўйилади. Аммо бу кўриниб турган камчиликларни тузатиш бўйича таклиф қилинган қарорлар кўпинча навбатдаги муаммолар қатламини аниқлашнинг анча қиммат турадиган йўлидир. Албатта, яхши менежер керак. Лекин менежерлар аслида ишга лаёқатли бўлсалару, бир-бирига зид талабларга дуч келишса ҳамда бу зиддиятни ечиш ваколатига эга бўлишмаса, менежерларни ўзгартиришдек кўп вақт талаб қилувчи ва қиммат турувчи жараён ҳеч қандай ижобий натижа бермайди. Шу сингари ҳақиқий муаммо бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш эмас, балки аниқ ахборотнинг келиб туриши бўлса, компьютер ўрнатиш билан масала ечилиб қолмайди.

Кўпгина давлатларда вазирликлардаги бюджет ҳисоб-китобларида персонал компьютерларни қўллаш нафақат ахборотларни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ва тезлигини ошириш туфайли, шунингдек, вазирликлар раҳбарларига ахборот тизимининг ўзини ўзгартириш имконини бергани учун ҳам муваффақиятли бўлди. Натижада ҳисоботларни топшириш тартиби соддалашди ва шу қадар тезлашдики, топшириш муддатлари ҳафта ва ойлар ўрнига кунларгача қисқарди ҳамда турли хилдаги ва ҳажмдаги харажатлар оқибатини анча аниқроқ баҳолаш тизимини ўрнатишга эришилди.

Худди шунингдек, айрим ҳолларда ходимлар малакасининг етишмаслиги уларнинг қониқарсиз ишлашининг вазифаларини белгилашда аниқлик етишмаслиги, хизматда кўтарилиш имкониятлари чекланганлиги каби омилларга нисбатан иккинчи даражали сабаби бўлиши мумкин. Бу омилларда ўзгариш ясамасдан туриб, ходимларни ўқитиш борасидаги чора-тадбирлар кутилган натижани бермайди.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳаларни амалга ошираётганда пайдо бўладиган кўпгина институционал муаммолар жуда чуқур сабабларга эга. Бу сабабларни аниқламасдан туриб эса узоқ муддатли қарорлар қабул қилиш қийин. Санаб ўтилган қийинчиликлардан кўпини ҳал этиш ўнлаб йилларни талаб қилиши мумкин. Чунки улар чуқур иқтисодий, техник, ижтимоий ва маданий чекланишларни акс эттиради. Янги институтлар ўз жамиятида илдиз отиши ва ўз

маданий муҳитига мослашиши керак. Техник ва бошқарув лаёқати сиёсатни самарали режалаштириш, ишларни дастурлаш, молия ва кадрларни бошқариш ва ҳозирги замон ташкилотининг бошқа муҳим вазифаларини бажаришни таъминлаши учун аста-секин яхшиланиб бориши керак.

10.3.Зарурий институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар

Зарурий институтларни ташкил этиш қуйидаги уч гуруҳ омиллар таъсирида мураккаблашади. Булар:

- а) ноқулай сиёсий шарт-шароитларнинг салбий таъсири;
- б) лойиҳа олдига қўйилган мақсадларнинг мураккаблиги;
- в) лойиҳанинг инвестициядан кейинги босқичига эътиборсизлик.

Шу туфайли институционал муаммоларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда ечиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш учун ушбу омилларни эътиборга олиш зарур.

Сиёсий омиллар таъсири. Барча ривожлантириш лойиҳалари ҳоҳ у давлат секторида, ҳоҳ у хусусий секторда бўлсин, ҳукумат макроиктисодий сиёсатининг ҳамда бу сиёсатни ўзида мужассамлаштирган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар кучли таъсири остида бўлади. Агар ташкилий тузилмалар ўз куч ва ресурсларини сиёсий қарорларининг салбий таъсирига қарши курашга сарфлашга мажбур бўлсалар, бу тузилмалар узоқ истиқболга муваффақият билан ишлай олмайдилар. Ҳукумат сиёсати лойиҳа амалга оширилаётган иқтисодий шарт-шароитларни бузиб кўрсатса, институционал муаммолар сони ортиб кетади. Асосланмаган валюта алмашув курси ёки савдо сиёсати нафақат лойиҳа бўйича олинадиган даромадлар даражасига таъсир кўрсатади, шунингдек, экспорт-импорт операциялари йўлидаги тўсиқларни енгиш кабиларга ортиқча куч келишга олиб келади.

Айниқса, давлатнинг баҳо ва бюджет сиёсати лойиҳанинг иқтисодий ва молиявий фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, бунинг таъсирида лойиҳа менежерлари ҳамда ходимлар фаолияти баҳолаш мумкин бўлмай қолади. Чунки ташкилотнинг қоникарсиз ишига доимо яхши ишлашга ҳалақит бераётган сиёсий вазият сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Давлат томонидан тартибга солиш, назорат қилиш ва бевосита аралашувнинг мураккаб тизими мавжудлиги таъсирида сиёсий вазиятнинг салбий таъсири янада чуқурлашиши мумкин.

Мақсадлар мураккаблиги. Кўпчилик истеъмолчилар ва манфаат кўрувчилар талабини ифода этувчи йирик, ижтимоий йўналтирилган ривожлантириш лойиҳаларида кўп ҳолларда лойиҳа мақсади ва унга эришиш воситаларини белгилаш қийин бўлади. Бунга мисол тариқасида таълим дастури ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга инвестиция сарфлари лойиҳаларини таққослашимиз мумкин. Маълумотли ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашувчан кишиларни тайёрлаш вазифасини маълум миқдордаги ўғит ишлаб чиқариш вазифасига кўра баҳолаш қийин. Ўқитиш дастурида мақсадга эришиш усуллари ҳам анча мураккаб ва ноаниқдир.

Айрим лойиҳаларда мақсадлар аниқ-равшан бўлсада, улар шунчалик кўпки, уларнинг ҳаммасига бир текис эришишни таъминлаб бўлмайди. Мисол учун, туманларни комплекс ривожлантириш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришни кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий хизматларни кенгайтириш, маданий анъаналарни ўзгартириш каби мақсадларга дуч келди.

Ижтимоий йўналтирилган лойиҳалар кўп сонли аҳоли билан иш кўрадики, лойиҳа агентлиги уларга доим ҳам бевосита таъсир кўрсата олмайди

Лойиҳанинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик. Лойиҳаларни амалга оширишдан кейинги босқичга доим ҳам етарлича эътибор берилавермайди. Кўпинча бу ҳолат қарор қабул қилувчи шахсларнинг асосий эътибори инвестициялаш босқичига жамлангани ҳолда, эксплуатация ва жорий хизмат масалалари эътибордан четда қолишида намоён бўлади. Бунинг оқибатида лойиҳадан олинаётган даромад камаяди, асосий фондлар қисқариб кетади ҳамда ташкилий тузилма ривожланишида жиддий молиявий ва бошқарув муаммолари келиб чиқади. Лойиҳани амалга оширишдан манфаатдор бир қанча ташкилотлар ва шахсларни санаб ўтиш мумкин. Лекин лойиҳа тугалланиши биланок уни самарали эксплуатация қилиш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш ҳамда маъмурий бошқарув тизими томонидан етарлича эътибор бериш борасида муаммолар пайдо бўлади.

Лойиҳани эксплуатация қилиш босқичига эътиборсизликнинг кўринишларидан бири техник хизмат кўрсатиш харажатлари ва ундан келадиган даромадларга кам аҳамият берилишидир. Бу соҳага етарли эътибор берилиши лойиҳадан кутилаётган самарани янада оширади. Лойиҳани эксплуатация қилиш босқичига эътиборсизлик оқибатларидан бири қайтарилиб турувчи инвестиция харажатлари етарли даражада таҳлил қилинмаслигидир. Бунинг устига, бу харажатларни қоплаш манбалари зарур даражада режалаштирилмайди.

Лойиҳани ўраб турган муҳитга нисбатан уни бошқаришнинг уч жиҳатига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур:

1. Стандарт ва тажриба лойиҳаларидан фойдаланиш.
2. Ишларни мувофиқлаштириш услублари.
3. Бошқарув назоратини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар.

Инфратузилмалар, коммунал иншоотлар ва йирик саноат корхоналари куриш лойиҳалари ташкилий жиҳатдан бирмунча афзалликка эгалар, яъни улар учун зарур ташкилий тадбирлар ва технологиялар, стандарт ечимлар мавжуд. Кўпчилик лойиҳалар учун эса стандарт ечимлар, технологияларни қўллаб бўлмайди. Бундай шароитда мослаштириш қобилияти ташкилий тузилманинг муваффақият гарови бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда лойиҳани амалга оширувчи ташкилотга мураккаб институционал ва моддий-техник талаблар қўйиладиган битта йирик лойиҳадан кўра, ўрнатилган график бўйича бир нечта тажриба-синов учун лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Экспериментал лойиҳаларга муқобил вариант - кичик дастурларни субпудратчи ташкилотларга топширишдир. Бунда бош пудратчи бундай дастурларни молиялаштириш, техник ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олади.

Мувофиқлаштириш муаммолари. Йирик лойиҳаларга хос бўлган ташкилий муаммоларни ҳал этишнинг яна бир йўли лойиҳанинг бош мақсадига эришиш учун қайси фаолият турлари асосий эканлигини аниқлаб, чекланган ташкилий ресурсларни шу фаолиятга жамлаш ҳамда иккинчи даражали

вазифаларни кейинроққа қолдиришдир. Шундай ёндашувни лойиҳа бўйича ишларни мувофиқлаштиришга нисбатан ҳам қўллаш мумкин, чунки кўп сонли ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўп вақт талаб этади ва керакли натижа бермаслиги мумкин. Мувофиқлаштиришни инкор этиб бўлмайдиган шароитларда турли ижрочилар вазифалари аниқ белгиланиши керак. Иккинчи даражали ресурсларни назорат этувчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи қўмита тузгандан кўра, уларни кичик ишчи гуруҳларга бирлаштириш мувофиқлаштиришнинг самаралироқ механизми бўлиши мумкин.

Бошқарув назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари. Лойиҳа натижаларини баҳолашдаги қийинчиликларни лойиҳа фаолиятининг мумкин қадар кичикроқ назорат ва бошқарув осон бўлган вазифаларга бўлиш йўли билан камайтириш мумкин. Таълим ва ижтимоий масалалар бўйича лойиҳаларда молия фаолиятини бошқаришга катта эътибор берилади. Молиявий оқимларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш эса бу лойиҳалардаги ноаниқликларни камайтириб, уларни бошқаришни яхшилаб, молиявий тартибни мустаҳкамлайди. Шунингдек, замонавий бошқарув ахборот тизимини яратиш имкониятини берадики, бу ўз навбатида лойиҳани самарали бошқарувнинг асосий унсуридир. Патент бериш ёки коммунал хизмат кўрсатиш бўйича хусусий корхоналар билан шартнома тузиш услублари бошқарув назоратини такомиллаштириш усули сифатида кейинги йилларда алоҳида эътибор жалб этапти. Турли сабабларга кўра ҳукумат идоралари билан шартнома асосида ишловчи хусусий корхоналар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш транспорт, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда хизмат сифатини оширишга, харажатларни қисқартирилишига олиб келади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Институционал таҳлил қилишдан мақсад.
2. Институционал таҳлилнинг моҳияти тушунтириб беринг.
3. Институционал таҳлилнинг вазифасини айтинг.
4. Институционал бошқариш деганда нима тушунилади?
5. Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнидаги асосий муаммоларни айтинг.
6. Зарурий институтларни ташкил этиш деганда нима тушунилади?
7. Зарурий институтларни ташкил этишга қандай омиллар таъсир этади?
8. Лойиҳани бошқаришнинг қандай жиҳатларини биласиз?

11-мавзу. Молиявий таҳлил. (4 соат)

Режа:

- 11.1.Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турлари.
- 11.2.Молиявий рентабеллик таҳлили.
- 11.3.Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили.
- 11.4.Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили.
- 11.5.Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

***Таянч иборалар:** Молиявий таҳлил, молиявий ҳолат, инвестиция самарадорлиги, инвестиция лойиҳалари, молиялаштиришга эҳтиёж, лойиҳа эксплуатацияси, харажатлар қопланиши, рентабеллик, кўрсаткич, ликвидлик кўрсаткичлари, иш фаоллиги кўрсаткичлари, тўловга қодирлилик кўрсаткичлари, рентабеллик кўрсаткичлари.*

11.1.Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турлари

Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ахборотларнинг маълумотлари асосида ўрганиб, мавжуд молиявий имкониятларни аниқлаш ва молиявий ҳолатни яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш усули **молиявий таҳлил** деб аталади.

Молиявий таҳлилнинг асосий қисми бўлиб корхоналар молиявий ҳолатининг таҳлили ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ҳолати унинг молиявий барқарорлиги, молиявий мустақиллиги, тўловга қодирлиги, ўз маблағлари билан таъминланганлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати каби жиҳатларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткичлар даражасини ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда уларнинг натижаларини умумлаштириш орқали корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо берилади. Шунинг учун ҳам ушбу кўрсаткичларни ўз вақтида таҳлил қилиб туриш – корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш ҳамда иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратади. Шу нуқтаи назардан таҳлилнинг аҳамияти ниҳоятда катта ва беқиёсдир. Таҳлил – корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш гаровидир.

Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади бўлиб, корхона активлари, капитали ва мажбуриятларини, молиявий барқарорлик даражасини, тўловга қодирлик аҳволини, ўз ва қарз маблағлари билан таъминланиш даражасини, молиявий мустақиллик аҳволини, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг муайян даврга бўлган ҳолатини ўрганиш асосида корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш ва уни яхшилаш имкониятларини кўрсатиш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Корхонанинг активлари, капитали, мажбуриятлари ҳолатини аниқлаш ва ўзгаришига баҳо бериш;
- Молиявий аҳволнинг барқарорлигини аниқлаш ва унинг ўзгаришига баҳо бериш;
- Баланс ликвидлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш;
- Корхонанинг тўлов лаёқати коэффициентини аниқлаш ва унинг ўзгаришига баҳо бериш;
- Молиявий коэффициентларни аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига баҳо бериш.
- Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш.
- Фойдаланилмаган имкониятларни сафарбар этиш бўйича тавсиялар, таклифлар бериш.

Инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили деганда корхонага қўйилган инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва уларни олдиндан баҳолаш учун қўлланиладиган усуллар, кўрсаткичлар, коэффициентлар мажмуаси тушунилади.

Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишнинг зарурлиги:

- инвестициянинг ҳаётийлик даврини аниқлаш;
- инвестор билан корхона муносабатини белгилаш;
- инвестициянинг самарадорлигини баҳолаш;
- инвестициянинг жорий қийматини аниқлаш;
- барча харажатлар ҳажмини белгилаш;
- соф фойдани ҳисоблаш кабиларда намоён бўлади.

Инвестиция натижасида инвестор ўз маблағига ва қўшимча фойдага эга бўлади. Корхона эса шу ҳажмдаги моддий-техник базага эга бўлади. Инвестициянинг самарадорлигидан икки томон ҳам манфаат кўради.

Инвестиция лойиҳаларини молиявий таҳлил қилиш натижасида:

- лойиҳанинг ҳар йиллик ва бутун ҳаётий даври давомида келтирадиган фойдаси аниқланади:
- лойиҳанинг энг самарали йўналишини танлаб олиш имконини беради;
- инвестиция самарадорлигига таъсир этувчи омилларни олдиндан баҳолаш ва салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқиш имконини беради;
- инвестиция қийматини инфляция даражаси инобатга олганда маълум муддатдан кейин қанча бўлишини олдиндан аниқлаш имконини беради;
- лойиҳанинг хатарлилик даражасини баҳолашни тақозо қилади.

Лойиҳани молиявий таҳлил қилиш бир неча кўринишга эга бўлиб, лойиҳа турига қараб, икки ёки ундан кўпроқ турдаги молиявий таҳлил амалга оширилиши мумкин. Молиявий таҳлил қуйидаги турларни ўз ичига олади:

1. Молиявий рентабеллик таҳлили.
2. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили.
3. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили.
4. Харажатларнинг қопланиши таҳлили.

Молиявий таҳлилнинг санаб ўтилган турлари қайси вазифаларга эга бўлиши, лойиҳанинг молиявий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги у қайси нуктаи назардан туриб кўриб чиқиладиганлигига боғлиқ. Буни қуйидаги 11.1.-жадвалда кўрамиз:

11.1.-жадвал

Молиявий таҳлил турлари

Таҳлил тури	Молиявий рентабеллик таҳлили	Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили	Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотни молиявий таҳлили	Харажатларни қопланиши таҳлили
Таҳлил мақсади	Лойиҳага кўйилган капитал маблағлар самарадорлигини аниқлаш	Лойиҳани амалга ошириш учун маблағ билан таъминлашни режалаштириш	Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий аҳволи ва бошқарув сифатини аниқлаш	Давлат лойиҳаларидан фойдаланувчилардан тушадиган тўловлар ҳисобига харажатлар қопланишини баҳолаш
Лойиҳа таҳлили қайси позициядан туриб амалга оширилади	Лойиҳа позициясидан туриб	Лойиҳадан фойдаланувчилар ва ундан манфаат кўрувчилар позициясидан туриб	Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилот позициясидан туриб	Лойиҳадан фойдаланувчилар ундан манфаат кўрувчилар ҳамда лойиҳани бошқариш позициясидан туриб
Фойдаланиладиган молиявий ҳисоботлар тизими	Дисконтланган пул тушумлари ва чиқимлари оқими ҳисоботи	Молиявий режа	Фойда ва зарарлар ҳисоботи, Пул оқимлари ҳисоботи, баланс ҳисоботи.	Харажатларни қоплаш кўрсаткичлари, тўлов ҳажми, ёки фойдаланувчилардан олинадиган солиқ ҳажми.
Мезонлар	Ички фойда меъёри, Соф келтирилган қиймат	Қарзларни ва улар бўйича фоизларни тўлаш учун қилинган харажатларни қоплаш даражаси.	Самарадорлик меъёри, молиявий кўрсаткичлар	Тўлов ҳажми ва таркиби

Молиявий таҳлилнинг ҳар хил турлари лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, лойиҳа иштирокчилари учун рағбатларни, молиявий режаларнинг асосланганлигини,

молиявий бошқарувнинг лаёқатлилиги даражасини ҳамда лойиҳани амалга ошириш натижасида кутилаётган фойда даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

У ёки бу турдаги таҳлилни ўтказиш зарурати лойиҳанинг мураккаблиги даражасига, унинг хусусий сектордаги ёки давлат лойиҳаси эканлигига ҳамда иқтисодиётнинг қайси тармоғига тааллуқлигига боғлиқ.

Молиявий таҳлилда даромад ва харажатларни ҳисоблашда фақат алоҳида бозор баҳолари қўлланилади, капитал харажатлар лойиҳанинг бутун хизмат даврига тақсимлаб чиқилади, солиқлар ва турли гуруҳлар ўртасидаги бир томонлама тўловлар ҳисобга олиниб, хусусий дисконт ставкаси қўлланилади.

11.2.Молиявий рентабеллик таҳлили

Молиявий рентабеллик таҳлилининг мақсади лойиҳанинг ҳаёт даври давомида инвестициялардан келадиган самарани баҳолашдан иборат. Бу таҳлил лойиҳанинг молиявий мақсадга мувофиқлиги таҳлили деб ҳам юритилади. Бу таҳлил лойиҳадаги пул тушумлари ва чиқимлари оқимига асосланган ҳолда ўтказилади. Бунда эътибор лойиҳани амалга оширувчи ташкилотларнинг молиявий ҳолатига эмас, балки лойиҳанинг ўзига қаратилади. Молиявий рентабеллик таҳлили товарлар ва хизматлар савдосини амалга оширувчи лойиҳалар учун ўта муҳим.

Молиявий рентабеллик таҳлилида харажатлар ва даромадлар қўйилган мақсаддан келиб чиқиб аниқланади. Харажатларни фирма ёки ижрочи ташкилотнинг фойдасини камайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этса, даромадларни фойда ёки даромадни кўпайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этади.

Харажатлар ва даромадлар оқимларини лойиҳалаштириш учун ишлаб чиқариш фаолиятининг техник даражасини белгилаб олиш, инвестициялардан кўзда тутилган техник ресурсларнинг лойиҳага кириш ва чиқишдаги оқимини, лойиҳаларнинг бозор ва маъмурий ўрнатиладиган баҳоларда ҳисобланган натижаларини аниқлаб олиш талаб этилади.

Тушумлар оқими маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) ҳажмини уларнинг харид баҳоларига кўпайтириб топилади. Харажатлар оқими эса ишлаб чиқаришда фойдаланилган моддий ресурслар ва хизматлар миқдорини уларни сотиб олиш баҳосига кўпайтириб топилади. Бундай баҳолаш лойиҳанинг бутун яшаш даврига, ҳар бир йил учун ўтказилади.

Лойиҳа учун зарур ресурслар ва ундан кутилаётган натижаларни баҳолашда: биринчидан, ички ва ташқи бозорда яқинда бўлиб ўтган битимларда қўлланилган амалдаги баҳолар асосида реал бозор баҳоларини, иккинчидан, келгусидаги баҳоларни башорат (прогноз) қилиш лозим.

Лойиҳа бўйича ишлаб чиқарилган товар (кўрсатилган хизмат)лар учун тушган барча тўловлар, дебиторлик қарзлари, субсидиялар ва бошқа даромадлар лойиҳа бўйича тушумларга киритилади ва унинг умумий самарасини кўрсатади.

Харажатлар ўз ичига эксплуатация ва капитал харажатларини олади. Эксплуатация харажатларига иш ҳақи, материал, ёқилғи харажатлари, ижара ҳақи тўловлари, коммунал тўловлар, умумий ва маъмурий харажатлар, солиқлар,

жорий таъмирлаш харажатлари, ҳали тўланмаган, аммо ҳисобга олинган кредиторлик қарзлари ва бошқалар киради. Капитал харажатларга эса инвестициялар, лойиҳа фондларини алмаштириш, модернизация қилиш ва капитал таъмирлаш харажатлари киради.

Пул оқимлари баҳолаб бўлингандан сўнг рентабеллик кўрсаткичлари калькуляция қилинади, лойиҳалаштирилаётган тушумлар ва харажатлар дисконтланади ҳамда кўрсаткичлар ҳисобланади.

11.3.Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили

Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили лойиҳани инвестициялаш ва уни эксплуатация қилиш учун керак бўлган барча молиявий эҳтиёжларни башорат (прогноз) қилишни ўз ичига олади. Бу эса зарур ресурслар келиб тушишини таъминлайдиган молиявий режа тўзиш имконини беради. Молиявий режани тайёрлашда хорижий кредиторлар талабларини бажаришни енгиллаштириш учун хорижий валютага бўлган эҳтиёж алоҳида кўрсатилади.

Молиявий режада, шунингдек, молиялаштиришнинг маҳаллий манбалари, лойиҳа учун масъул бўлган ташкилотнинг ўз маблағлари ва фондлари, давлат ва тижорат ташкилотларидан олиниши мумкин бўлган қарзлар ҳам эътиборга олинади.

Молиявий режада лойиҳани эксплуатация қилиш даври харажатлари ўз аксини топмаса, эксплуатация қилиш, жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун фондлар йўқлиги туфайли лойиҳа ускуналари эскириб, тезда яроқсиз ҳолга келиб қолади. Молиявий режа лойиҳадан манфаат кўрувчиларнинг у таклиф этаётган маҳсулотни сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олиши зарур. Молиявий режа жорий баҳоларда тўзилиши ҳамда йиллар бўйича лойиҳанинг бутун амал қилиш даврига қуйидагиларни кўрсатиши керак:

- мўлжалланаётган капитал маблағлар ва эксплуатация харажатлари;
- лойиҳани реализация қилиш ва бошқа манбалардан келадиган даромад;
- қарзларни, инвестицияларни ва лойиҳанинг бошқа эҳтиёжларини қоплашнинг бошқа манбаалари.

Лойиҳани молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари қанча кўп бўлса, унинг инвестор томонидан баҳоланиши шунча енгил бўлади.

11.4.Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили

Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотни молиявий таҳлилга учта молиявий ҳисоботни тайёрлаш, таҳлил этиш ва башорат (прогноз) қилиш киради:

- даромадлар (фойда ва зарарлар) ҳисоботи;
- пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари ҳисоботи;
- баланс ҳисоботи.

Бу ҳисоботлар лойиҳанинг бутун амалда бўладиган даври ёки ҳеч бўлмаганда уни эксплуатация қилишнинг дастлабки бир неча йилига тўзилади.

Кўрсатилган молиявий ҳисоботларни башорат (прогноз) қилиш уларнинг барча компонентларини чуқур таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг умумий қабул қилинган қоидаларини билишни талаб этади. Шу туфайли бу ишни тажрибали бухгалтер-аудиторларга ёки молиявий таҳлилчига топшириш керак.

Фойда ва зарарлар ҳисоботи корхонанинг маълум даврдаги (чорак, йил) ишлаб чиқариш фаолиятидан олган даромадларини, шу даврдаги қилинган ва даромад олиш билан боғлиқ бўлган харажатлари ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Бу ҳисобот жорий хўжалик фаолияти самарадорлиги, лойиҳанинг ўз капиталини ошириш заҳираларини баҳолаш учун зарур. Бу шаклнинг яна бир вазифаси турли солиқ тўловлари ва дивидендлар миқдорини аниқлашдан иборат.

Бу ҳисоботлар қуйидагиларга тақдим қилинади:

1. Ички фойдаланувчилар: таъсисчилар, бошқарувчилар, ички аудиторлар.
2. Ташқи фойдаланувчилар: инвесторлар, солиқ инспекцияси, кредиторлар, жамоат ташкилотлари, ташқи аудиторлар.

Пул маблағлари тушуми ва харажати ҳисоботи ҳисобот даврида пул маблағларини бошқаришни ҳарактерлайди ва ҳисобот йилида корхонанинг пул тушумлари ва чиқимларини ҳисоблаш учун хизмат қилади. Бу ҳисобот ликвидлиликнинг ҳаракати ҳисоботи, пул маблағлари ҳаракати ҳисоботи деб ҳам юритилади. Бундай ҳисоботнинг тайёрланиши зарурати шу билан изоҳланадики, фойда ва зарарлар ҳисоботида пул маблағларининг шу даврдаги ҳаракати тўлиқ акс эттирилмайди.

Баланс ҳисоботи бошқа ҳисоботлардан фарқли равишда корхонанинг маълум бир давр учун эмас, балки аниқ санадаги ҳолатини акс эттиради. Баланс ҳисоботи маълум санада корхона ихтиёрида нималар борлиги ва унинг манбаларини кўрсатиб боради. Лойиҳа амалиётида умумлаштирилган кўринишдаги балансдан фойдаланилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳисобот шаклларида фойдаланган ҳолда зарур молиявий коэффицентлар ҳисобланади ва йиллар бўйича бу коэффицентлар ўзгариши таҳлил қилиниб борилади.

11.5.Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар

Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Корхонанинг ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Корхонанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар.
4. Корхонанинг рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Корхонанинг ликвидлиги деганда унинг маълум бир муддатда қисқа муддатли мажбуриятларини айланма маблағларининг турли қисми билан тўлашга қодирлик даражаси тушунилади.

Корхонанинг ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига қуйидагилар киради:

- умумий ликвидлик коэффиценти;

- оралик ликвидлик коэффиценти;
- мутлоқ ликвидлик коэффиценти;
- товар-моддий захиралари ликвидлилиги.

Умумий ликвидлик коэффиценти (Kul) - корхонанинг айланма маблағлари қисқа муддатли мажбуриятларни қай даражада қоплай олишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичини аниқлаш учун корхонанинг барча айланма маблағларини (Am) қисқа муддатли мажбуриятларга (Qmm) бўлинади, яъни:

$$Kul = \frac{Am}{Qmm} \quad \text{ёки} \quad Kul = \frac{Am_1 + Am_2 + Am_3 + Am_4}{Qmm}$$

бунда: Am – корхонанинг барча айланма маблағлари

Am_1 – товар-моддий захиралар

Am_2 – пул маблағлари

Am_3 – тез сотиладиган қимматбаҳо қоғозлар

Am_4 – дебиторлик қарзлар

Qmm – қисқа муддатли мажбуриятлар

Агар $Kul=1$ бўлса, корхонанинг айланма маблағлари барча қисқа муддатли мажбуриятларга тенг эканлигидан далолат беради. Агар $Kul<1$ бўлса, корхона ўз мажбуриятларини тўлашга қодир эмаслигини, агар $Kul>1$ бўлса тўловга қодир эканлигини кўрсатади.

Оралик ликвидлик коэффиценти (Kol) - айланма маблағларнинг тезроқ сотиладиган қисми билан қисқа муддатли мажбуриятларни қай даражада қоплай олишини ифодалайди. Уни аниқлаш учун айлама маблағларнинг товар-моддий захиралардан ташқари қисмини (Am_2, Am_3, Am_4) қисқа муддатли мажбуриятларга (Qmm) бўлинади, яъни:

$$Kol = \frac{Am_2 + Am_3 + Am_4}{Qmm}$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг товар-моддий захираларисиз айланма маблағлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларининг қанча қисмини қоплай олиш қобилиятига эга эканлигини ифодалайди. Агар ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,75 га тенг бўлса, бу корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларининг 75 % ни тез ликвид бўладиган пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлари ва дебитор қарзлари ҳисобидан қоплаши мумкинлигини кўрсатади.

Мутлоқ ликвидлик коэффиценти (Kml) - ҳам корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларининг қанча қисмини пул маблағлари ва қимматли қоғозлар билан қопланиши мумкинлигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун айланма маблағларнинг зудлик билан тўланадиган қисми (Am_2, Am_3) қисқа муддатли мажбуриятлар суммасига (Qmm) бўлинади, яъни:

$$Kml = \frac{Am_2 + Am_3}{Qmm}$$

Агар $Kml=0,55$ бўлса бу қисқа муддатли мажбуриятларнинг ярмидан кўпини зудлик билан ликвид бўладиган маблағлар эвазига қоплаш мумкинлигини кўрсатади.

Товар-моддий захиралар ликвидлигини ифодаловчи коэффициент ($Ktmz$) - корхонанинг товар-моддий захиралари тез ликвид бўладиган айланма маблағларга нисбатан қандай аҳволда эканлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун товар-моддий захиралар (Am_2, Am_3, Am_4) бўлинади, яъни

$$Ktmz = \frac{Am_1}{Am_2 + Am_3 + Am_4}$$

Агар ушбу коэффициентнинг миқдори 0,75 га тенг бўлса, у корхонанинг товар-моддий захиралари айланма маблағларнинг тез ликвид бўладиган қисмига нисбатан 75 % ни ташкил қилишини кўрсатади. Агар $Ktmz=1$ бўлса, айланма маблағларнинг тенг ярми товар-моддий захиралардан иборат эканлигини ифодалайди. Агар $Ktmz<1$ бўлса, корхонанинг тез ликвид бўладиган айланма маблағлари товар-моддий захираларга нисбатан кўплигидан далолат беради. Агар $Ktmz>1$ бўлса, айланма маблағларнинг асосий қисми товар-моддий захиралардан иборат эканлигини кўрсатади.

Корхона иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига қуйидагилар кирази:

- активлар самарадорлигини ифодаловчи коэффициент (Kas);
- ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи коэффициент ($Ko'ms$);
- дебиторлик қарзларнинг айланувчанлик коэффициенти ($Kdqa$);
- товар-моддий захираларнинг айланувчанлик коэффициенти ($Ktmza$).

Активлар самарадорлигини ифодаловчи коэффициент (Kas) - мазкур кўрсаткични аниқлаш учун барча сотилган маҳсулотлар ҳажмини (H) корхона активларининг ўртача йиллик қийматига (Q) бўлинади, яъни

$$Kas = \frac{H}{Q}$$

Ушбу коэффициент муҳим кўрсаткич бўлиб, у қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади:

- активларнинг ҳар бир сўмига бир йилда қанча сотилган маҳсулот тўғри келганлиги;
- активларнинг самарадорлик даражаси қандай эканлигини;
- активларга қўйилган инвестициянинг бир йилда неча марта айланиши мумкинлиги.

Ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи коэффициент ($Ko'ms$) ни аниқлаш учун сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини (H) ўз маблағларининг ўртача йиллик қийматига ($Qo'z$) бўлинади, яъни:

$$Ko'ms = \frac{H}{Qo'z}$$

Дебитор қарзларнинг айланувчанлик коэффициенти ($Kdqa$) - инвестиция лойиҳасини амалга оширишда аниқланади ва таҳлил қилинади. Ушбу коэффициентни ҳисоблаш учун сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини (H) дебиторлик қарзларнинг ўртача йиллик қийматига (Qdq) бўлиш орқали амалга оширилади:

$$Kdqa = \frac{H}{Qdq}$$

– Товар-моддий захираларнинг айланувчанлик коэффиценти ($Ktmza$) - бир йўла бир қанча хулоса қилиш имконини беради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини (H) товар-моддий захираларнинг ўртача йиллик қийматига ($Qtmz$) бўлинади, яъни:

$$Ktmza = \frac{H}{Qtmz}$$

Ушбу кўрсаткич ҳажмига қараб:

- товар ва моддий захираларга қўйилган маблағларнинг таҳлил қилинаётган даврда неча марта айланганлигини;
- ушбу маблағлар самарадорлиги қандай ҳолатда эканлигини;
- сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг сотилиш жадаллигини;
- айланма маблағларнинг ликвид қисмининг кўпаяётганлиги эвазига корхонада тўлов қобилиятининг яхшиланаётганлигини;
- товар-моддий захиралар ҳажмининг сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмига нисбатан жадал ўсаётганлиги кабиларни билиш мумкин.

Корхона тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- ўзлик коэффиценти (Ko');
- ўз маблағининг ҳукмронлик коэффиценти (Kh);
- барча маблағларнинг қарамлилик коэффиценти (Kbq);
- ўз маблағларининг қарамлилик коэффиценти (Kq);
- ўз маблағининг капиталлашганлик даражаси коэффиценти (Kkd);
- четдан жалб қилинган маблағларнинг қимматлилик коэффиценти ($Kjmq$).

Ўзлик коэффиценти (Ko') - мулкдорнинг, яъни инвесторнинг манфаатини ифода қилади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ўз маблағларини ($O'm$) барча мулкнинг миқдорига (Bm) бўлиш кифоя.

$$Ko' = \frac{O'm}{Bm}$$

Ўз маблағларининг ҳукмронлик коэффиценти (Kh) - инвесторлар учун муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўз маблағининг ҳукмронлиги деганда корхона хўжалик фаолиятининг асосий қисмини ўз маблағлари ҳисобидан таъминланиши тушунилади. Бу учун ўз маблағларининг ҳиссаси четдан жалб қилинган маблағларга нисбатан 1,5 баробардан кам бўлмаслиги керак. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонанинг ўз маблағларини ($O'm$) четдан жалб қилинган маблағларга ($Chjm$) бўлиш керак:

$$Kh = \frac{O'm}{Chjm}$$

Барча маблағларнинг қарамлилик коэффиценти (Kbq) четдан жалб қилинган маблағларни ($Chjm$) корхонанинг барча маблағларига (Bm) нисбати билан аниқланади:

$$Kbq = \frac{Chjm}{Bm}$$

Ўз маблағларининг қарамлилик коэффиценти (Kq)ни аниқлаш учун четдан жалб қилинган маблағлар ($Chjm$)ни ўз маблағлари ($O'm$)га бўлиш керак:

$$Kq = \frac{Chjm}{O'm}$$

Ўз маблағларининг капиталлашганлик даражасини коэффиценти (Kkd) асосий воситалар ва оборотдан ташқари активларни (Av) ўз маблағларига ($O'm$) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$Kkd = \frac{Av}{O'm}$$

Четдан жалб қилинган маблағларнинг қимматлилик коэффиценти ($Kjmq$) инвестиция қўйиладиган вақтда давлатнинг кредит сиёсати қандай аҳволда, банклар билан бўладиган ҳисоб-китоблар қандай ҳолатда эканлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичнн аниқлаш учун банк ва бошқа кредит берган, ташкилотларга тўланган фоиз суммасини (Ft) четдан жалб қилинган маблағларга ($Chjm$) бўлиш лозим, яъни:

$$Kjmq = \frac{Ft}{Chjm}$$

Умуман олганда, корхона тўлов қобилятининг юқори бўлиши унинг инвестиция жозибадорлигини оширади, ҳамкорларни жалб қилади ва пировардида хўжалик фаолиятининг самарадорлигини янада оширади.

Корхона рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига қуйидагилар киради:

- умумий активлар рентабеллиги коэффиценти ($Kuar$);
- ўз маблағлари рентабеллиги коэффиценти ($Ko'r$);
- асосий ва айланма маблағлар рентабеллиги коэффиценти ($Kamr$).

Умумий активлар рентабеллиги коэффиценти ($Kuar$) соф фойдани (SF) активларнинг ўртача йиллик қийматига (Qay) бўлиш йўли билан аниқланади, яъни:

$$Kuar = \frac{SF}{Qay}$$

Ўз маблағлари рентабеллиги коэффиценти ($Ko'r$) бевосита инвесторлар манфатини намоён қиладиган кўрсаткичлардан биридир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун соф фойдани (SF) ўз маблағларининг ўртача йиллик қийматига ($O'm$) бўлиш керак:

$$Ko'r = \frac{SF}{O'm}$$

Асосий ва айланма маблағлар рентабеллиги коэффиценти ($Kamr$) соф фойдани (SF) асосий ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига (Qav) бўлиш йўли билан аниқланади, яъни:

$$Kamr = \frac{SF}{Qav}$$

Муҳокама учун саволлар:

1. Молиявий таҳлилнинг моҳияти тушунтириб беринг.
2. Молиявий таҳлилнинг вазифасини айтинг.
3. Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишнинг зарурлиги.
4. Молиявий таҳлилнинг қандай турлари мавжуд?
5. Молиявий рентабеллик деганда нима тушунилади?
6. Лойиҳани эксплуатация қилиш деганда нима тушунилади?
7. Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлилда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
8. Корхона ликвидлиги деб нимага айтилади?
9. Корхонанинг ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига қандай кўрсаткичлар киради?
10. Корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига қандай кўрсаткичлар киради?
11. Корхонанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига қандай кўрсаткичлар киради?
12. Корхонанинг рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига қандай кўрсаткичлар киради?

12-мавзу. Иқтисодий таҳлил (4 соат)

Режа:

- 12.1.Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсади.
- 12.2.Иқтисодий таҳлилда даромад ва харажатлар.
- 12.3.Инвестициянинг бозор ва муқобил баҳоси.
- 12.4.Лойиҳадан олинадиган фойда ва қилинадиган харажатларни ўлчаш услублари.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: *Иқтисодий таҳлил, инвестиция лойиҳаси, даромад, харажат, фойдали лойиҳа, фойдасиз лойиҳа, баҳо, бозор баҳоси, муқобил баҳо, яширин баҳо, инвестициянинг бошланғич қиймати, инвестициянинг келгуси қиймати, харажатлар самарадорлиги, истеъмол тежамии, ташиқи самаралар.*

12.1.Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсади

Иқтисодий таҳлил инвестиция лойиҳасини умумжамият манфаати нуқтаи назаридан ўрганади. Иқтисодий таҳлил лойиҳаларга кенгрок ёндашиб, даромад ва харажатларни баҳолашда молиявий таҳлилдан фарқ қилади. Умуман, бу таҳлилда даромадлар-харажатлар оқимини баҳолашда молиявий таҳлилга қараганда икки ўзгаришга йўл қўйилади.

Биринчидан, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқарувчилар олган субсидиялар солиқ тўловчиларнинг йўқотишлари билан қопланиб кетса, айрим шахслардан тушадиган тўловлар умуммиллий даражада ресурслар миқдорини ўзгартирмайди. Иккинчидан, бир лойиҳани амалга ошириш иккинчи бир лойиҳа учун ресурслар миқдори камайишига олиб келиши мумкин. Мисол учун, Самарқанд вилоятида 15000 тонна помидор етиштирилади. Европа технологиясида қайта ишланган помидор томат пастаси, агар 220 кг.лик асептек қопларга қадоқланса ва Европанинг ISO-9001 сертификати билан қафолатланса, лойиҳа валюта келтирувчи лойиҳага айланади.

Агар шундай завод мавжуд бўлсаю, унинг талаби 12000 тонна помидорни қайта ишлашга мўлжалланган бўлса, демак, кейинги лойиҳага фақат 3000 тонна помидор қоляпти. Қўшимча захиралар билан яна 5000 тонна помидор етиштирилса ҳам иккинчи турдош корхонанинг лойиҳасига хом ашё тақчил бўлади. Бу ҳолда иккинчи лойиҳа ўзи билан бир хил бўлган биринчи лойиҳага конфликтли лойиҳа деб баҳоланиши мумкин. Бундан хулоса шуки, биринчи лойиҳанинг амалга оширилиши иккинчи лойиҳани молиялаштиришни самарасиз қилиб қўяди. Бу ҳолда умумжамият нуқтаи назаридан иқтисодий даромад молиявий даромаддан паст бўлади ва буни лойиҳа бўйича иш бошлашдан олдин ҳисобга олиш зарур. Молиявий таҳлилда фойдали деб баҳоланган лойиҳа ўзининг

салбий экологик ёки ижтимоий оқибатлари туфайли иқтисодий таҳлилда фойдасиз деб баҳоланиши мумкин.

Лойиҳанинг экологик жиҳатлари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар ҳисобга олинганда кўп ҳолларда у самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Лойиҳанинг экологияга салбий таъсирини олдини олиш учун тозалаш иншоотлари куришга тўғри келади. Бу ҳолда инвестиция харажатлари кўпаяди ва лойиҳанинг самарадорлиги пасаяди. Натижада лойиҳа самарасиз деб ҳисобланиши мумкин. Молиявий таҳлил ва иқтисодий таҳлил ўртасидаги фарқларни қуйидагича келтириш мумкин:

1.Молиявий таҳлилда даромад ва харажатларга нисбатан алоҳида бозор баҳолари қўлланилади. Иқтисодий таҳлилда муқобил ижтимоий қийматлар (даромадлар ва харажатларга нисбатан яширин баҳолар, экологик даромад ва харажатлар, фойдалинилмаётган ёки тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш омиллари) қўлланилади.

2.Молиявий таҳлилда капитал харажатлар лойиҳа хизмат муддатига тақсимлаб чиқилади (амортизация). Иқтисодий таҳлилда эса капитал харажатлар фойдаланиш йилидаги бир маротабалик харажат суммаси сифатида ҳисобга олинади.

3.Молиявий таҳлилда солиқлар ва турли гуруҳлар ўртасидаги бошқа бир томонлама тўловлар ҳисобга олинади. Иқтисодий таҳлилда эса бу тўловлар ва солиқлар жамият ичидаги трансферт тўловлари бўлгани учун ҳисобга олинмайди.

4.Молиявий таҳлилда дисконтнинг хусусий ставкаси қўлланилади. Иқтисодий таҳлилда лойиҳалар бўйича даромадлар ва харажатлар оқимларини даромад даражаларига кўра гуруҳлар бўйича ўрганилади.

Умуман олганда, иқтисодий таҳлил лойиҳанинг ҳомийларига ҳам, бошқаларга ҳам таъсирини ўрганган ҳолда у жамият учун қанчалик фойдали эканлигини, уни амалга ошириш учун жамият нуқтаи назаридан ресурс ажратиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини текширади.

Даромадлар ва харажатларни иқтисодий таҳлил қилиш ресурслардан самаралироқ фойдаланиш мақсадида иқтисодий танлаш муаммосини қулай ва тушунарли изоҳлаш усулидир.

Мамлакат у ёки бу маҳсулотни кўп ишлаб чиқара олади, лекин бир йўла ҳамма маҳсулотни кўп ишлаб чиқариб бўлмайди. Шу сабабли ресурслардан фойдаланишнинг турли вариантларидан бирини танлашга тўғри келади. Минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришишни таъминлайдиган қилиб инвестициялашга эришган мамлакатгина ўз ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлай олади.

Иқтисодий таҳлил мақсади лойиҳа билан боғлиқ барча самараларни кўриб чиқиш учун умумий асос яратишдир. Бунга:

1.Бозор битимларидан ўз аксини топадиган иқтисодий ўзгарувчиларни аниқлаш (масалан, уй баҳоси у жойлашган ҳудуд сифатини-транспорт, мактаб кабиларнинг яқинлигини, уй-жой архитектурасининг урф бўлган турини, хоналар сонини акс эттиради);

2. Лойиҳанинг турли белгиларини баҳолашга аҳоли муносабатини аниқлаш учун лойиҳанинг фойдали томонларини ҳарактерловчи кўрсаткичларга пулда ифодаланмайдиган қийматларни киритиш;

3. Лойиҳаларни бевосита ўлчанадиган бошқа харажатлари ҳамда натижаларини таққослаш имконини берувчи чизмаларни ишлаб чиқиш йўли билан эришилади.

Булар асосида лойиҳадан олинадиган манфаат унга сарфланган харажатдан ошиш-ошмаслиги тўғрисида мураккаб қарорга келинади. Бунда даромад ва харажатлар ягона ўлчов бирлигида ифодаланади.

Лойиҳани қабул қилиш, лойиҳа бўйича истеъмол қилинадиган ресурслардан фойдаланиш борасидаги муқобил вариантлардан ҳеч бири мамлакат олдида турган вазифалар нуқтаи назаридан бундан юқорироқ натижа бермаслигини аниқлатади.

12.2. Иқтисодий таҳлилда даромад ва харажатлар

Даромадлар ва харажатларнинг таҳлили қуйидаги тадбирларни ўтказишдан иборат:

1. Лойиҳа мақсадларини аниқлаш ва бош мақсаднинг иқтисодий мазмуни, оқибатларини аниқлаш;

2. Лойиҳани баҳолаш чизмасини ва босқичларини аниқлаш;

3. Лойиҳа натижалари бўйича талабни прогноз қилиш;

4. Даромад ва харажатларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

5. Рентабеллилик кўрсаткичларини баҳолаш;

6. Таъсирчанлик ва таваккал хавфи (қалтислик) даражасини таҳлил қилиш.

Лойиҳа мақсадлари уни молиялаштирувчи ташкилотнинг тезкор вазифаларини аниқ эътиради. Мисол учун, транспорт соҳаси бўйича лойиҳа мақсади транспорт қатнови самарадорлигини таъминлаш, саноат лойиҳасининг мақсади эса маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўлиши мумкин.

Муқобил вариантларни кўриб чиқиш лойиҳани тайёрлаш ва уни ишлаб чиқишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Техник, муқобил вариантлар (ёқилғи учун ё кўмир ёки газни қўллаш, темир йўлни узайтириш ёки янги автомобил шоссесини қуриш)ни бир-бири билан таққослаш ва энг мақбулини танлаб олиш керак. Агар ҳамма вариантлар миқдор ва сифат жиҳатдан бир хил натижа берса, ҳам инвестиция, ҳам эксплуатация харажатларини ҳисобга олганда энг кам харажат талаб этиладиган лойиҳа танланади.

Иқтисодий таҳлил чизмаси турлича бўлиши мумкин. Бунда лойиҳа мақсадларига салбий таъсир этувчи ҳамма нарса харажатларга, ижобий таъсир этувчи ҳамма нарса даромадларга киритилади.

Лойиҳа таҳлили даромад ва харажатларни ресурслардан фойдаланишнинг бошқа вариантлари бўйича эришилиши мумкин бўлган даромад ва харажатлар билан қиёслади. Кўпинча лойиҳасиз ва лойиҳа билан деган чизма қўлланилади.

Мисол учун, цемент заводи қурилиши бўйича лойиҳа бор бўлса, инвесторлар бошқа лойиҳаларга сармоя қўйиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Аммо цемент ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида унинг нархи тушиб кетиши, харидорлар учун цементга камроқ пул тўлаш, айрим харидорлар учун эса бошқа қурилиш материаллари ўрнига цемент ишлатиш имкониятини пайдо қилиши мумкин.

Лойиҳа билан ва лойиҳасиз вазиятларни солиштириш лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча ва ўсган даромадларни ҳисоблашнинг асосий услубидир. Лойиҳасиз вазиятларни истикболга баҳолашда харажатларнинг тахмин қилинаётган ўсуви ёки даромадларнинг пасайишига нисбатан реакцияни ҳисобга олиш керак. Бу лойиҳани амалга ошириш юзага келтирадиган ўзгаришларни тўлиқ акс эттириш имконини беради.

Лойиҳа натижаларига талабни таҳлил ва прогноз қилиш киритиладиган ресурслар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот бозорларини таҳлил қилишни ўз ичига олади ҳамда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни билишни, лойиҳага тааллуқли ресурслар ва маҳсулотлар маркетинги ҳақида маълумотга эга бўлишни талаб этади.

12.3.Инвестициянинг бозор ва муқобил баҳоси

Лойиҳанинг бозор баҳоси деганда унинг сотилиши ва сотиб олинишида қўлланиладиган баҳо тушунилади. Лойиҳанинг муқобил баҳоси деганда жамиятга келтирадиган фойдаси ёки зарарини ўзида акс эттирган солиқлар билан қўшиб ҳисобланган баҳо тушунилади.

Жамият нуқтаи назаридан қараганда лойиҳа маҳсулотини сотиш ёки ресурсларини сотиб олиш баҳолари доим ҳам харажатлар ва даромадларнинг мақбул даражасини кўрсата олмайди. Мисол учун, баҳолар уларга солиқ тўлашга кетган харажатлар қўшиб юборилиши натижасида ошириб юборилиши ёки давлат субсидияси таъсирида пасайтириб юборилиши мумкин. Иқтисодий таҳлил учун, икки ёқлама ҳисоблашга йўл қўймаслик мақсадида, баҳоларни бу элементлардан тозалаш керак.

Икки ёқлама ҳисоблаш шу туфайли рўй берадики, жамият, дастлаб, ишлаб чиқарувчига сотиб олинаётган маҳсулот баҳосига солиқлар қўшилиши натижасида оширилган (камайтирилган) нархда ҳақ тўлайди, кейин эса ишлаб чиқарувчи даромадининг бир қисмини солиқ сифатида олиб қўяди, яъни бу билан солиқ ва субсидияларни икки бор ҳисобга олади. Бошқа ҳолатларда баҳолар монополистик амалиёти таъсирида, уларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, бож тўловлари ҳамда бошқалар таъсирида мувозанат даражасидан фарқ қилиши, яъни хатоли бўлиши мумкин.

Иқтисодий таҳлилда баҳоларни тозалаш учун ҳисоблаб топилган, яъни бошқача айтганда яширин (соядаги) баҳолардан фойдаланилади. Яширин баҳоларни аниқлашда ички бозорда баҳолар юқорида келтириб чиқарувчи омиллар мавжуд бўлмаган пайтда қандай бўлар эди, деган шартга асосланилади. Яширин баҳоларни аниқлашнинг энг оддий услуби жаҳон баҳоларини олиб, бир неча усулларни қўллаган ҳолда, сўмда қайта ҳисоблаб чиқишдир.

Агар корхона лойиҳани ўз ерида амалга ошираётган бўлса ва шунинг учун ҳам молиявий таҳлил жараёнида ернинг қиймати харажатларга деярли киритилмаса, у ҳолда иқтисодий таҳлилда яширин баҳони:

а) маҳаллий бозордаги шунга ўхшаш лойиҳаларнинг қиймати асосида;

б) агар бундай бозор бўлмаса, у ҳолда шунга ўхшаш лойиҳаларнинг ижара баҳоси асосида;

в) ижарага берилган шунга ўхшаш лойиҳалар бўлмаса, у ҳолда шу ердан олиниши мумкин бўлган лойиҳалар қиймати асосида аниқланади.

Инвестицияни баҳолашда унинг бошланғич ва келгуси қиймати ҳам қўлланилади. Инвестициянинг бошланғич қиймати деганда у қўйилган пайтдаги пулдаги ҳажми тушунилади. Инвестициянинг келгуси қиймати деганда мазкур маблағларнинг фоизини инобатга олган ҳолда дисконтлаштириш коэффицентини қўллаб аниқланган унинг маълум вақтдан кейинги қиймати тушунилади. Мисол учун, инвестор ўзининг 100,0 млн. сўмлик маблағини 10 фоизлик ставка билан 5 йилга инвестицияга қўйди. У шу йиллар давомида қуйидаги миқдорни ташкил қилади:

0 йил $100,0 \times 1,0 = 100,0$ млн. сўм

1 йил $100,0 \times 1,1 = 110,0$ млн. сўм

2 йил $110,0 \times 1,1 = 121,0$ млн. сўм

3 йил $121,0 \times 1,1 = 133,1$ млн. сўм

4 йил $133,1 \times 1,1 = 146,4$ млн. сўм

5 йил $146,4 \times 1,1 = 161,1$ млн. сўм

Агар буни қискартирилган ҳолда оладиган бўлсак, у қуйидагича аниқланади:

$100,0 \times (1 + 0,1)^5 = 100,0 \times 1,611 = 161,1$ млн. сўм

Бу ерда инвестициянинг бошланғич қиймати 100,0 млн. сўмни ташкил қилса, унинг 5 йилдан кейинги келгуси қиймати 161,1 млн. сўмга тенг эканлигини кўрамиз. Демак, инвесторга 5 йилдан кейин 161,1 млн. сўм керак бўлса, у шу йил 10 фоизлик ставкада 100,0 млн. сўм инвестицияга маблағ қўйиши мақсадга мувофиқ экан.

12.4. Лойиҳадан олинадиган фойда ва қилинадиган харажатларни ўлчаш услублари

Лойиҳадан олинадиган фойдани доим ҳам тўлиқ миқдорий баҳолаш мумкин эмас. Мисол учун, лойиҳа натижасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ёки тиббиёт хизмати яхшиланиши туфайли аҳоли соғлиғи яхшиланишини баҳолаш жуда қийин. Агар лойиҳа умумий фойдаланиш учун қулайлик яратса, олинадиган манфаатни алоҳида истеъмолчининг тўлашга тайёрлиги тўғрисидаги маълумотга асосланиб баҳолаб бўлмайди. Ресурслар ҳудудий тақсимланишининг яхшиланиши, мамлакат ичидаги интеграциянинг кучайиши каби лойиҳадан олинадиган бир қанча ўлчаб бўлмайдиган манфаатлар мамлакат ичида ресурсларни жойлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Олинадиган фойдани миқдорий ўлчаш мумкин бўлмаган ёки уларни сифат жиҳатдан қисмангина баҳолаш мумкин бўлган ҳолларда бошқача ёндашувлар қўлланилади. Бундай ёндашувлардан бирига лойиҳа натижасида унинг

яроқлилигини таъминлайдиган фойда-манфаатлар минимумини олиш эҳтимолини таҳлил қилиш керак. Иккинчи ёндашув у ёки бу хизматни кўрсатиш учун бажарилиши шарт деб ҳисобланган, илгаридан ўрнатилган физик ёки қиймат меъёрларига асосланиш ҳисобланади.

Ўлчаш муаммолари тармоқлар бўйича фарқ қилади. Мисол учун, таълим, соғлиқни сақлаш ва умумий овқатланиш соҳаларида даромадга асосланган манфаат мезонлари яроқсиз бўлиб қолади, яъни улардан фойдаланиб бўлмайди. Бундай ҳолларда энг кам харажатлар услубидан ёки техник кўринишдаги муаммолар учун харажатлар самарадорлиги услубидан фойдаланиш мумкин.

Харажатлар самарадорлиги таҳлили бир неча мукобил вариантлардан қўйилган вазифа бажарилишини таъминлайдиган энг арзон лойиҳани танлаб олиш учун қўлланилади. Харажатлар самарадорлиги таҳлилидан қўйилган вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўлини танлаш учун фойдаланилади. Бу таҳлилга лойиҳага қилинадиган барча харажатларни тегишли яширин баҳолар асосида калькуляция қилиш ва уларнинг келтирилган қийматини топиш учун олинган харажатлар оқимини дисконтлаш киради. Бу тадбир лойиҳани амалга оширишнинг барча вариантлари бўйича ўтказилади. Кўзда тутилган натижаларга энг кичик дисконтланган харажатлар билан ёки маҳсулот бирлигига энг кам харажатлар билан эришишни таъминлайдиган лойиҳа энг яхши ҳисобланади. Бу мезон барча лойиҳалар мақсадини сифат жиҳатларидан бир хилда қондиради, деган шартга асосланади. Агар лойиҳа бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатида фарқ бўлса, энг мақбул вариантни аниқлашда бу ҳол кўзда тутилмоғи лозим.

Истеъмол тежами. Кўпгина инвестиция лойиҳалари натижасида истеъмол товарлари ва хизматларининг баҳолари пасаяди. Чунки бундай лойиҳалар таъминотни яхшилади ва товарлар тақчиллигига барҳам беради. Баҳолар пасайишидан истеъмолчилар манфаат кўрадилар, чунки лойиҳани амалга ошириши натижасида тежалган ресурслардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Истеъмол тежами – истеъмолчи товар ва хизмат учун тўлашга тайёр бўлган сумма - ҳақиқатдан сарфланган сумма. Истеъмол тежами қўшимча маҳсулот фақат унинг баҳоси пасайтирилган шароитда сотилганда пайдо бўлади. Бундай вазият кўпроқ тартибга солинадиган бозорлар учун хос. Мисол учун, коммунал хизмат, электр таъминоти ва ҳоказо. Айрим ҳолларда пайдо бўлган истеъмол тежамини аниқлаш осон бўлсада, кўпинча буни ҳисоблаш анча қийин бўлади.

Амалиётда олинган истеъмол тежами эътиборга олинмайди ва лойиҳадан олинган манфаат истеъмолчилардан олиннадиган тўловларга тенглаштирилади. Аммо истеъмол тежами иқтисодий манфаатнинг муҳим қисми бўлганлиги туфайли, уни ҳисобга олмаслик лойиҳадан олиннадиган самарани анча кам қилиб кўрсатишга олиб келади. Агар истеъмол тежамининг тақрибий миқдорини олишга ҳам имкон бўлмаса, лойиҳа вариантларини таққослаётганда бу ҳол эътиборда тутилиши керак. Айрим лойиҳаларни амалга ошириш натижасида «лойиҳасиз» ҳолатга нисбатан маҳсулот хажми шунчалик кўпаядики, у баҳоларнинг пасайишига олиб келади. Бундай ҳолларда пасайган баҳолардан фойдаланиш қўшимча маҳсулотдан келадиган иқтисодий манфаат етарлича баҳоланмаслигига

сабаб бўлади. «Лойиҳасиз» ҳолатга нисбатан лойиҳа натижасида баҳолар пасайиши истеъмол тежамини оширади ва бу ҳол иқтисодий таҳлилда эътиборга олиниши лозим. Одатда, бу фикрлар товарлар ва хизматлар умумий таклифини кескин ўзгартиришга қодир бўлган жуда йирик лойиҳаларга нисбатан тегишли бўлгандагина аҳамиятга эга бўлади.

Ташқи самаралар. Лойиҳанинг лойиҳа доирасида харажатларга ҳам, манфаатларга ҳам кирмайдиган, шу туфайли молиявий ҳужжатларида акс этмайдиган натижалари ташқи самаралар деб аталади. Аммо бундай самаралар жамиятнинг бошқа аъзоларига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатса ёки мамлакат олдида турган мақсадларга эришишга хизмат қилса, уларни иқтисодий таҳлилда ҳисобга олиш зарур. Ташқи харажатларга мисол тариқасида тўғонлар қурилиши натижасида экин майдонларининг сув остида қолиши, атроф-муҳитнинг ифлослантирилиши, суғориш тизимининг аҳоли соғлиғига ва балиқчилик хўжаликлари таъсирини келтириш мумкин. Ташқи манфаатларга - ўқитиш жараёнида олинган билимларни келтириш мумкин.

Янги технологияларни қўллаш учун бир лойиҳа бўйича ускуналарни импорт қилиш иккинчи лойиҳа учун бу жараёнлар арзон ва осон кечишига олиб келиши мумкин. Бунга биринчи лойиҳада иштирок этган мутахассисларни жалб этиш орқали эришилади. Ташқи манфаатларга шунингдек таълим даражаси ортиши натижасида туғилиш суръатларининг пасайишини, транспорт тизимининг ривожланиши натижасида ишчи кучи ҳаракатчанлигининг кучайишини ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Лойиҳаларнинг барча ташқи самараларини ҳисобга олиб ўлчаб бўлмайди, шу сабабли уларнинг энг муҳимларини ҳисобга олиш ҳамда ички самаралар қаторига киритишга ҳаракат қилиш зарур. Мисол учун, тўғон қурилиши ер ости сувлари сатҳи кўтарилишига олиб келса, лойиҳага дренажлар қуриш вазифасини ҳам киритиш зарур.

Айрим лойиҳаларнинг ташқи самараси таркибига халқаро самара ҳам киради. Мисол учун, экспортни оширишга қаратилган лойиҳа натижасида маҳсулот баҳоси жаҳон бозорида пасайиши мумкин. Бундан импорт қилувчилар манфаат кўрса, шу турдаги маҳсулотни экспорт қилувчи бошқа давлатлар зарар кўрадилар ва ҳоказо. Иқтисодий таҳлилда асосан мамлакат ичидаги манфаат ва харажатларгина кўриб чиқилади. Халқаро лойиҳаларда эса барча иштирокчи давлатларнинг фойда-зарарлари ҳисобга олиниши лозим.

Муҳокама учун саволлар:

1. Инвестиция лойиҳасини иқтисодий таҳлил қилишнинг моҳияти.
2. Лойиҳани иқтисодий таҳлил қилишнинг вазифалари.
3. Инвестициянинг бозор баҳоси деганда нима тушунилади?
4. Инвестициянинг муқобил баҳоси деганда нима тушунилади?
5. Инвестициянинг бошланғич қиймати деб нимага айтилади?
6. Инвестициянинг келгуси қиймати деб нимага айтилади?
7. Истеъмол тежами деганда нима тушунилади?
8. Ташқи самаралар деб нимага айтилади?

13-мавзу. Инвестиция лойиҳаларида қалтислик таҳлили. (4 соат)

Режа:

- 13.1. Таваккал хавфи тушунчаси.
- 13.2. Таваккалчилик хавфини баҳолаш усуллари.
- 13.3. Инвестиция лойиҳаларида таваккал хавфи даражаси.
- 13.4. Таваккалчилик шароитида инвестиция лойиҳаларини таҳлили.
- 13.5. Таваккалчилик хавфини босқичма-босқич баҳолаш.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кадоскоп, компьютер, слайдлар:

Таянч иборалар: Қалтислик, таваккалчилик, таваккалчилик хавфи, иқтисодий хавф, таваккал хавфи даражаси, иш билан боғлиқ таваккал хавфи, молиявий бозор хавфи, молиявий хавф, фоииз хавфи, ликвидлик хавфи, тайёрлов босқичи, қурилиш босқичи, эксплуатация босқичи.

13.1. Таваккал хавфи тушунчаси

Инсонлар ҳоҳламаган нарсанинг, воқеанинг содир бўлиш эҳтимолини қалтислик деб атайди. Инвестиция лойиҳалари учун қалтислик – бу лойиҳаларда кўзда тутилган мақсадларга эришмаслик эҳтимолидир.

Инвестиция лойиҳалари бор экан улар билан боғлиқ таваккал хавфи ҳар доим бўлади. Бизнинг вазифамиз инвестиция лойиҳалари самарадорлигини аниқлашдир. Албатта, таваккалчиликни ҳисобга олмасдан лойиҳаларни баҳолашимиз, солиштиришимиз мумкин. Аммо бу ҳақиқий ҳолатни кўрсатмайди. Агар шу лойиҳадан мавжуд таваккалчиликка қўл уришимизга арзийдиган манфаат олсакгина уни амалга оширамиз. Шунинг учун лойиҳа самарадорлигини баҳолашда уларнинг қалтислиги ҳисобга олинади ва у асосан қандай таваккалчиликлардан иборатлиги ўрганилади. Уларни бартараф қилиш имконияти мавжудлиги ўша лойиҳанинг ютуғи ҳисобланади.

Инвестицияларда таваккал хавфи деганда турли омиллар таъсирида инвестиция даромадларининг кўзда тутилган миқдордан камайиш хавфи тушунилади.

Иқтисодий қалтислик деганда пул кўринишида ифодаланиши мумкин бўлган турли зарарларнинг юзага келиш эҳтимоли тушунилади. Улар қуйидагича бўлиши мумкин.

– Зарар кўриш хавфи, эҳтимоли - қайсидир маҳсулотни ишлаб чиқариш зарар келтириши мумкин;

– Ноаниқлик, олдиндан кўра билиш имконияти йўқлиги, яъни бозорнинг ўрганилмаганлиги ёки бошқа сабаблар туфайли маълум бир лойиҳа учун якуний молиявий натижа қандай бўлишини олдиндан айтиш қийин бўлади.

Иқтисодий қалтислик билан ҳоҳлаган субъект тўқнашиши мумкин – алоҳида шахс, гуруҳ, корхона, банк, суғурта компаниялари ва ҳоказо. Иқтисодий

қалтислик кимда бўлишидан қатъий назар, ҳамма қалтислик билан боғлиқ хатарни, зарарларни камайтиришга ҳаракат қилади.

Иқтисодий қалтислик билан боғлиқ эҳтимолий йўқотишнинг камайтишини ҳоҳлайдиган ҳар бир корхона ўзи учун қуйидаги бир қанча муаммоли масалаларни ҳал қилиши керак:

- иқтисодий қалтислик билан боғлиқ эҳтимолий зарарларни баҳолаш;
- қалтисликни тўлиқ ўзида қолдириш ёки бошқа субъектга бериш масалаларни ҳал қилиш;
- ўзида қолдирилган қалтислик сабабли юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш. Бундан мақсад қалтислик мавжуд бўлган шароитда корхонанинг самарали ишлашини таъминлашдир.

Корхонада рўй бериши мумкин бўлган қалтисликлар турли хил, лекин асосан уларнинг икки тури кўрилади:

1. Молиявий қалтисликлар. Уларга қуйидагилар киритилади:
 - фоиз ставкаси ўзгариши;
 - кредитнинг вақтида қайтарилмаслиги;
 - валюта курсининг тебраниши;
 - харидорларнинг тўловга қобилиятсизлиги;
 - хом-ашё ва материаллар нархининг ошиши;
 - харидорлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ва ҳоказолар.
2. Корхона хўжалик фаолияти билан боғлиқ қалтисликлар. Уларнинг пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлади:
 - жиҳозларнинг эскирганлиги;
 - хом-ашё ва материаллар сифатининг ўзгариб туриши;
 - технология етишмаслиги;
 - ишлаб чиқариш кучлари захирасининг йўқлиги;
 - фавқулотда ҳолатлар ва ҳоказо.

13.2. Таваккалчилик хавфини баҳолаш усуллари

Таваккалчилик хавфини баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Таваккалчиликдан қочиш ёки инкор қилиш. Компаниялар ишида қочиш мумкин бўлмаган катта таваккалчиликлар мавжуд бўлади. Бундай таваккалчилик хавфларни биров камайтириш мумкин, аммо бу уларнинг таъсир кучини камайтирмайди. Шунинг учун улардан қочишнинг энг яхши усули улар содир бўлиши эҳтимолини умуман йўқ қилиш керак. Бундай усулни қўллашга мисол маълум маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатиш, шу соҳада бизнесдан кетиш ва бундай таваккалчиликлар бўлмаган бошқа соҳаларни танлаш.

2. Таваккалчилик хавфини ўзига олиш, яъни зарарларни хусусий молиявий имкониятлар асосида қоплашдир. Бу усул қуйидаги ҳолатларда маъқул:

- зарарлар частотаси катта бўлмаганда;
- потенциал зарарлар ҳажмини корхона жорий активлари ҳисобидан қоплаш мумкин бўлганда. Бу усулда зарарлар жорий пул тушумлари ёки шу мақсадларда махсус тузилган захира фонди ҳисобидан қопланади.

3. Таваккалчилик хавфини олдини олиш. Бу усулда улар юзага келиши эҳтимолини камайтиришга қаратилган тадбирлар қилинади. Қуйидаги ҳолларда уни қўллаш маъқулдир:

- зарар юзага келиши эҳтимоли юқори;
- зарар миқдори юқори эмас.

Таваккалчилик хавфини баҳолашда бу усулни қўллаш ҳар хил олдини олиш дастурларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ. Бу дастурлар даврий бўлади ва улар назорат қилиб турилиши керак.

4. Зарарни камайтириш. Бу зарарларни камайтиришга қаратилган усулдир. Бу усулдан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- эҳтимолий зарарни юқори бўлиши;
- хавфни юзага келиш эҳтимоли юқори эмас.

5. Суғурталаш. Бу усул таваккалчилик хавфини баҳолашда энг кўп қўлланиладиган усуллардан биридир. Бунда корхона маълум таваккалчилик хавфларини бартараф қилиш учун суғурта компаниясига беради, хавф содир бўлганда суғурта компанияси кўрилган зарарни қоплайди. Қуйидаги ҳолларда корхона учун бу усулни қўллаш маъқулдир:

– хавф, зарар эҳтимоли юқори эмас, аммо эҳтимол зарар ҳажми катта бўлса. Шунинг назарда тутиш керакки, корхонада таваккалчи хавфи бир хил турда ва кўп бўлса, уларни суғурта компанияси орқали суғурталаш йўли билан эмас, балки суғурта бадалларини корхона ичида жорий этиш орқали бошқариш мумкин.

- хавф бўлиш эҳтимоли юқори, аммо зарар миқдори кам бўлса.

Суғурта асосан бахтсиз ҳодиса юз берган ҳолларда жуда зарурдир. Кўп ҳолларда суғурталаш таваккалчилик хавфини баҳолашда ягона усул ҳисобланади, баъзида эса қонун томонидан мажбурий қилиб қўйилади.

6. Ўз-ўзини суғурта қилиш усули, яъни зарарларни қоплашга қаратилган шахсий суғурта фондларини тузишга қаратилган. У таваккалчилик хавфини баҳолаш усули сифатида қуйидагиларга шароит яратади:

- зарарни қоплаш имкониятларини ошириш;
- суғурта фондларини инвестиция қилиш орқали корхона фойдалилигини ошириш.

7. Таваккалчилик хавфини бошқага ўтказиш усули, бунда корхона ўзидаги эҳтимолий хавфни, зарарни бошқа корхонага ўтказди. Бунинг бир тури суғурта, корхона суғурта бадалини тўлайди ва қалтислик суғурта компаниясига ўтади.

13.3. Инвестиция лойиҳаларида таваккал хавфи даражаси

Инвестициялашда таваккал хавфи деганда инвестиция даромадларининг кўзда тутилган миқдоридан камайиш ҳолати тушунилади. Даромадларнинг ўзгариши шкаласи қанчалик кенг бўлса, инвестициялашда таваккал хавфи даражаси шунчалик юқори бўлади. Инвестициялашда таваккал хавфи манбалари бир-бири билан жуда боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларнинг қайси бири даромадга қанчалик таъсир этганлигини аниқлаш жуда мушкул. Инвестициялашда таваккал хавфининг асосий турлари: иш билан боғлиқ таваккал хавфи, молиявий бозор

хавфлари, аҳолининг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган молиявий хавф, фоиз хавфи ва бошқалар ҳисобланади.

Иш билан боғлиқ таваккал хавфи келаётган даромадларнинг ҳамма инвесторлар билан ҳисоб-китоб қилишга етиши кафотланганлигидир. Бундай ҳолатда жами даромад инвестиция харажатларини қоплай олмайди. Албатта, давлат бундай ҳолатда харажатларнинг маълум бир қисмини ўз зиммасига олади. Асосан бу хавф бизнес билан боғлиқ бўлади.

Молиявий хавф деганда ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар компенсациялари натижасида келиб чиқадиган хавф тушунилади. Инвестиция учун қанчалик кўп четдан қарз жалб этилса, шунчалик молиявий хавф кўпаяди. Бу хавфнинг ошиши асосан корхоналарнинг инвесторлар ўз вақтида фоиз тўловлари тўлашга иложсизлиги оқибатидан келиб чиқади. Белгиланган, яъни вақти аниқ кўрсатилган қарзлар ёки қарз фоизлари лойиҳа ишга тушмасдан, даромад хали келмаган вақтдан бошлаб тўланиши керак. Корхоналарнинг бундай қарзларни тўлай олиш қобилияти йўқлиги молиявий хавфни туғдиради.

Аҳолини товарлар сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ бўлган хавф асосан таклиф инфляцияси вақтида бўлади. Бу даврда пул бирлигининг харид қобилияти пасаяди. Айрим қимматбаҳо қоғозлар белгиланган вақтда инвесторга фойда келтиришни кўзда тутганлиги учун айрим ҳолларда фоиз хавфига эга бўлади. Кўп ҳолларда қимматбаҳо қоғозларнинг курслари олдинги курсларга нисбатан ўзгариб туради. Натижада қимматбаҳо қоғозлар чиқарган компаниялар белгилаб қўйилган фоизларни бера олмайдилар. Бу жараён қимматбаҳо қоғозларнинг бозор баҳолари тез-тез ўзгариб туриши натижасида вужудга келади.

Ликвидлик хавфи корхоналарнинг акцияларни керакли вақтда кўзда тутилган суммага сотишга имконияти бўлмай қолишини англатади. Мисол учун, агар кеча 1000 долларга акция сотиб олган бўлсангиз, бугун уни 800 долларга сотасиз, бундай акция юқори ликвидли эмас.

Бозор хавфи деганда бу даромадларни қимматбаҳо қоғозлар курси ўзгариши эмас, балки иқтисодий-ижтимоий воқеалардан келиб чиқадиган хавф тушунчаларидир. Тасодиф хавфи тўсатдан вужудга келадиган хавф бўлиб, инвестиция натижаларига жуда тез таъсир этади. Бунга иккита йирик компаниянинг бир-бирига қўшилиши ва бошқалар мисол бўла олади.

13.4. Таваккалчилик шароитида инвестиция лойиҳаларини таҳлили

Инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этишда таваккалчилик таҳлили асосий ўринни эгаллаши билан ажралиб туради. Умуман олганда, таваккалчилик таҳлили орқали лойиҳани ишга туширишдаги мақсад йўлида мумкин бўлган барча йўқотишлар ўрганилиб, уларнинг олдини олиш ёки тегишли вазиятларда уларни бенуксон ҳал этиш ёки пасайтириш чоралари ишлаб чиқилади. Таваккалчиликдан келадиган йўқотишларни камайитириш ёки барҳам топтириш ва улар билан боғлиқ салбий оқибатларни камайитириш усулларини таклиф этиш учун, энг аввало, таваккалчиликларнинг вужудга келишига имкон

берувчи омилларни аниқлаш, уларнинг аҳамиятини баҳолаш, яъни таваккалчилик таҳлилини бажариш лозим бўлади.

Таваккалчилик таҳлилининг мақсади инвесторга инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва мумкин бўлган молиявий йўқотишлардан ҳимояланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун керакли маълумотларни тақдим этишдан иборат. Шунга кўра, таваккалчилик таҳлили лойиҳанинг барча иштирокчилари мустақил тарзда олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция лойиҳалари таваккалчиликларини таҳлил этиш инвестиция лойиҳаларини таҳлил этишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Таваккалчилик таҳлили инвестиция лойиҳасининг барча иштирокчилари – буюртмачилар, пудратчилар, банк, суғурта компаниялари, лизинг компаниялари, мол етказиб берувчилар кабилар томонидан олиб борилиши лозим. У одатда, бир-бирини тўлдирувчи икки турга:

— таваккалчиликларнинг турлари, омиллари ва доирасини аниқлаш мақсадини кўзловчи сифатли таҳлил;

— алоҳида таваккалчиликлар каби лойиҳаларнинг ҳам ҳажмини ҳисоблаш имконини берувчи миқдорий таҳлилга бўлинади.

Таваккалчиликлар таҳлили лойиҳанинг иштирокчилари базавий ва бирмунча хавфли вариантларда унинг ривожланиш ҳолатини ишлаб чиқишни кўзда тутди ва ҳар бир ҳолат ва тегишли шароитларда лойиҳани амалга ошириш механизми қандай ишлаши, бунда даромад ва йўқотишлар, барча иштирокчилар учун самарадорлик кўрсаткичлари миқдори қандай бўлиши тадқиқ этилади.

Инвестиция таваккалчиликлари бир неча кўринишларга эга. Одатда, таваккалчиликларнинг кўринишлари ва хавфлилигини билиш билан уларга таъсир кўрсатиш, яъни уларни бошқариш ёки уларнинг лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсирини камайтириш мумкин бўлади.

Шунга кўра, таваккалчиликларни қуйидаги асосий белгилари бўйича таснифлаш мумкин:

1. Ҳосил бўлиш соҳалари бўйича таваккалчиликлар қуйидаги турларга бўлинади:

а) иқтисодий таваккалчилик - унга иқтисодий омилларнинг ўзгариши билан боғлиқ таваккалчиликлар тегишлидир, мисол учун, инвестиция фаолияти иқтисодий соҳада амалга оширилар экан, у албатта, иқтисодий таваккалчиликга маълум даражада дуч келади;

б) сиёсий таваккалчилик - унга давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ, инвестиция фаолиятида вужудга келган маъмурий чеклашларнинг турли хил кўринишлари хос ҳисобланади;

в) ижтимоий таваккалчилик - унга инвестицияланаётган корхоналарнинг ишчилари таъсири остида режалаштирилмаган ижтимоий дастурларни амалга ошириш ва шунга ўхшаш бошқа кўринишдаги таваккалчиликлар тегишлидир;

г) экологик таваккалчилик- инвестицияланаётган объектлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи турли хил экологик офатлар ва фожиялар шулар жумласидан ҳисобланади;

д) бошқа турдаги таваккалчиликлар - уларга рэкет, мулкни талон-тарож қилиш ёки ўғирлаш, инвестицион ёки хўжалик ҳамкорлари томонидан алдаб кетишлар кабиларни киритиш мумкин.

2. Инвестициялаш шакллари бўйича таваккалчиликларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) реал инвестициялаш таваккалчиликлари. Бу таваккалчилик:

- қурилаётган объектнинг жойлашишини номувофиқ танлаш;
- қурилиш материаллари ва ускунани етказиб беришдаги узилишлар;
- инвестицияланган товарлар баҳосининг сезиларли тарзда ўсиши;
- малакасиз ёки инсофсиз пудратчиларнинг танланганлиги;
- инвестицияланаётган объектнинг ишга тушишини кечиктирувчи ва уни ишлатиш жараёнида олинадиган фойда (даромад)ни пасайтирувчи бошқа омиллар билан боғлиқ;

б) молиявий инвестициялаш таваккалчиликлари. Бу таваккалчилик:

- инвестициялаш учун молиявий воситалар ўйланмасдан танланганлиги;
- инвестициялашдага молиявий қийинчиликларнинг вужудга келиши ёки ундаги алоҳида қисмларида банкротликнинг келиб чиқиши;
- инвестициялаш шарт-шароитларининг кўзда тутилмаган ҳолда ўзгариши;
- инвесторларнинг тўғридан-тўғри ўзгариши ва шу кабилар билан боғлиқдир.

3. Пайдо бўлиш манбалари бўйича таваккалчиликлар иккита асосий турга ажратилади:

а) тизимли таваккалчилик. Таваккалчиликни бу тури инвестициялашнинг барча шакллари ва инвестиция фаолиятининг барча иштирокчиларига хосдир. У мамлакат ривожланишининг иқтисодий даври босқичларининг алмашиши ёки инвестиция бозори ривожланишининг конъюнктуравий цикллари ўзгариши билан аниқланади. Шунингдек, инвестициялаш соҳасидаги солиқ қонунчилигининг сезиларли ўзгариши ва инвестициялаш объектини танлашда инвестор таъсир эта олиши мумкин бўлмаган шунга ўхшаш бошқа омиллар билан ҳам аниқланади;

б) тизимсиз таваккалчилик. Таваккалчиликнинг бу тури инвестициялашнинг аниқ объектига ёки аниқ инвестор фаолиятига тааллуқлидир. У компаниянинг малакасиз раҳбариятга эгалиги, инвестиция бозорининг алоҳида сегментидаги рақобатнинг кучайиши, инвестицияланаётган маблағларнинг нораціонал таркибга эгалиги ва инвестицион жараёни самарали бошқаришга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

4. Мавжуд бўлиш хусусиятига кўра таваккалчиликнинг учта тури фарқланади. Булар:

а) тижорат таваккалчилиги. Бу даромадларнинг ишончлилигини акс эттириш учун хизмат қилади ва у саноатнинг барча соҳаларига хосдир. Хусусан, илғор технологияли корхона интенсив халқаро рақобат билан яшайди, бироқ уларнинг маҳсулоти бир лаҳзада эскириб (маънавий жиҳатдан) қолиши мумкин. Бу ҳолат, айнан, тижорат таваккалчилигини англатади ва у саноатнинг шу касб

соҳаларидаги кредиторлар томонидан ўрнатилган фоиз ставкаларида ўз аксини топади;

б) ишлаб чиқариш таваккалчилиги. Бу тармоққа нисбатан кўпроқ корхона даражасига хослиги билан тижорат таваккалчиликидан фарқ қилади. Ишлаб чиқариш таваккалчилиги корхонанинг ўз маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талаблардаги ўзгаришларга мослашиш қобилияти билан борлиқ;

в) молиявий таваккалчилик. Бу молиявий активлар билан боғлиқ бошқарув қарорларининг қабул қилиниши оқибатларида юзага келади. Мисол учун, қатъий дивидендга эга бўлмаган оддий акциялар кредитга нисбатан молиялаштиришнинг кам чегараланган манбаи ҳисобланади.

Таваккалчилик таҳлили қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

– биринчи босқичда муайян турдаги таваккалчиликнинг кўпайиши ёки камайишига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар аниқланади;

– иккинчи босқичда аниқланган омиллар таҳлили ўтказилади;

– учинчи босқичда қуйидаги икки усул (ёндашув) асосида молиявий нуқтаи назардан аниқ кўринишдаги таваккалчилик таҳлили олиб борилади:

а) лойиҳанинг молиявий аҳволини аниқлаш;

б) инвестиция лойиҳасида иштирок этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

– тўртинчи босқичда таваккалчиликнинг танланган даражаси бўйича алоҳида операциялар таҳлили ўтказилади;

– бешинчи босқичда таваккалчилик оқибатида кутилиши мумкин бўлган йўқотишлар ҳажми аниқланади;

– олтинчи босқичда, кўриб чиқиладиган лойиҳада қатнашиш бўйича ижобий қарор қабул қилинган ҳолларда таваккалчиликни йўқотиш ёки пасайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

13.5. Таваккалчилик хавфини босқичма-босқич баҳолаш

Лойиҳа амалга киргунга қадар ҳар хил босқичлардан ўтади. Ҳар бир босқичда ўзига хос таваккалчилик хавфи бўлиб, уларни босқичма-босқич баҳолаш ва барчасининг йиғиндисини топиш керак. Маълумки, лойиҳа қуйидаги босқичлардан иборат:

- тайёрлов босқичи;
- қурилиш босқичи;
- эксплуатация босқичи.

Лойиҳа бўйича ҳисоб-китоблар лойиҳани вужудга келтириш пайтида ва лойиҳанинг хавфли элементлари аниқлангандан кейин амалга оширилади.

Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида қуйидаги таваккалчилик хавфларини босқичма-босқич баҳолаб бориш лозим:

Тайёрлов босқичи:

- Мухандислик тармоқларидан лойиҳанинг узоқ-яқинлиги;
- Маҳаллий раҳбарларнинг лойиҳага муносабати;
- Қўшимча ишларнинг мавжудлиги.

Қурилиш босқичи:

- Буюртмачининг ҳақ тўлаш имконияти;
- Кўзда тутилмаган харажатлар;
- Қурилишга зарур бўлган ускуналарни ўз вақтида етказмаслик хавфи;
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб бермаслик хавфи;
- Муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчиларни ўз вақтида қайта тайёрлашнинг кечикиши хавфи;
- Қурилишни бажарадиган пудратчиларнинг ишга лоқайдлилик хавфи.

Эксплуатация босқичи:

- Иқтисодий ва молиявий хавф;
- Маҳсулотга бўлган талабнинг барқарор эмаслиги;
- Муқобил маҳсулотнинг пайдо бўлиши;
- Рақобатчилар томонидан маҳсулот баҳосининг пасайтирилиши;
- Рақобатчилар маҳсулот миқдорини ошириши хавфи;
- Солиқларнинг оширилиши хавфи;
- Истеъмолчиларнинг ҳақ тўлолмаслик хавфи;
- Хом ашёни ва транспорт хизмати баҳоларининг ошириши хавфи;
- Етказиб берувчиларга боғлиқлик хавфи;
- Ўз айланма маблағларининг етмаслиги хавфи.

Ижтимоий хавфлар:

- Малакали ишчилар билан таъминлашни эплай олмаслик хавфи;
- Иш ташлаш хавфи;
- Маҳаллий раҳбарларнинг муносабати;
- Иш ҳақи етарли эмаслиги хавфи;
- Кадрлар малакаси.

Техник хавфлар:

- Хом ашё ва материаллар сифатининг барқарор эмаслиги;
- Технологиянинг янгилик даражаси;
- Технология етарли даражада ишончли эмаслиги хавфи;
- Қўшимча қувватларнинг йўқлиги хавфи.

Экологик хавфлар:

- Атроф-муҳитга чиқинди чиқариш хавфи;
- Ишлаб чиқаришнинг зарарлиги хавфи.

Юқоридаги келтирилган хавфлардан ташқари қуйидаги хавфлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни тайёрлов босқичига киритиш мумкин:

- транспортдан узоқда жойлашганлиги;
- муқобил хом ашё манбаларига эга ёки эга эмаслиги;
- қурилишга оид ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш;
- объектни бошқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган хавфлар.

Муҳокама учун саволлар:

1. Қалтислик деганда нима тушунилади?
2. Таваккалчиликка таъриф беринг.
3. Таваккалчилик хавфи деганда нима тушунилади?
4. Таваккал хавфи даражаси деганда нима тушунилади?
5. Таваккалчилик хавфини баҳолаш усуллари айтилинг.
6. Таваккалчилик хавфининг қандай тарлари бор?
7. Таваккалчилик хавфи қандай босқичларда баҳоланади?

14-мавзу: Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари. (4 соат)

Режа:

- 14.1. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати.
- 14.2. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш шакллари ва уни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси.
- 14.3. Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари.
- 14.4. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури.

Адабиётлар:

Электрон дарсликлар, кодоскоп, компьютер, слайдлар:

***Таянч иборалар:** Инвестиция сиёсати, инвестиция дастури, режалаштирилган хорижий инвестиция, ўзлаштирилган хорижий инвестиция, стратегик усул, тактик усул, инвестиция муҳити, эркин иқтисодий ҳудуд. инвестиция фаолияти.*

14.1. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати

Давлатимиз мустақилликка эришган йиллардан бошлаб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиликлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Давлати ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда. Тузилмавий инвестиция сиёсати ҳудудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир. Ҳудудлар инвестиция сиёсати инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи ҳудудда олиб бориладиган чоратadbирлар мажмуи. Тармоқ инвестиция сиёсати эса бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарлари, иш жойларга бўлган талабини қисқа вақт ичида юқори даражада таъминлашга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларга амал қилмоқда:

- эскирган ишлаб чиқаришларни секин-аста муомаладан чиқариб ташлаш;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;

- тўлов қобилиятига эга бўлган ва талабга мос ҳолда ишлаб чиқариш тузилмаларини яратиш;
- ишлаб чиқариш ресурсларидан ва илмий-техника салоҳиятидан имкон қадар юқори даражада фойдаланишни таъминлаш;
- мамлакатнинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни кучайтириш;
- самарали, рақобатга асосланган ишлаб чиқаришлар, бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишини уйғунлаштириш;
- иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш ва янги тармоқларни барпо этиш;
- аҳолининг иш билан бандлигини ҳамда иқтисодий фаоллигини ошириш;
- ҳудудлар ижтимоий инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.

Тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб боришда муҳим стратегиялар ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг моҳияти кичик иқтисодий субъектлар ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборат. Мазкур ишларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, инвестиция муҳитини жуда қулайлиги хорижий инвесторлар узок муддатли инвестиция лойиҳаларини тузишда асос бўлмоқда. Бундан ташқари, жалб этилган чет эл инвестициялари ва кредитлари учун кафолатлар тақдим этиш, солиқ ва божхона таърифлари бўйича имтиёзлар, заём ва фоииз ставкаларини субсидиялаш каби шарт-шароитлар яратилмоқда, ўнлаб қонуний ҳужжатлар амал қилмоқда. Жумладан, хусусий инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига янада жалб қилиш мақсадида 2005 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Бу фармонга биноан саноатнинг алоҳида соҳаларидаги корхоналар асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналарга солинадиган ягона солиқдан, шунингдек, инвестиция миқдorigа қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга «Республика йўл жамғармаси»га ажратмалардан озод қилинади.

Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатини жойларда жумладан, қишлоқларда амалга оширишда газ, сув, электр, коммуникация тармоқларини яхшилаш, давлат имтиёзлари асосида кичик корхоналар ташкил этиш зарур. Чунки шу йўл билангина қишлоқ корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб этиш мумкин.

14.2.Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш шакллари ва уни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил таваккалчиликларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга

ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни кўпроқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

- 1) улуш қўшиб катнашиш орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш;
- 2) 100% мол-мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- 3) йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шўъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;
- 4) концессия ва лизинг шартномалари тузиш;
- 5) тендерлар эълон қилиш;
- 6) эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- 7) молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларида биридир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 30 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат ҳуқуқий шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 300000 АҚШ доллариға тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарға айтилади. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасининг 300000 АҚШ долларида кам бўлмаслиги сифатсиз маҳсулотларининг олди-сотдиси ва уларни республикаға импорт қилиш ишлари билан шуғулланишға ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол-мулкларининг бир қисмини ажратиб, шўъба корхоналар очиши мумкин. Бундай шўъба корхоналарға ҳам қўшма корхоналарға қўйилган талаблар белгиланган.

Икки ёки учдан ортиқ давлат ёки корхоналар ўз капиталларини жамлаган ҳолда халқаро ташкилотлар ташкил этиши мумкин, ушбу халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун қуйидаги шартнома турлари қўлланилади.

Концессия шартномалари - бу табиий бойликларни, айрим фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир.

Лизинг шартномаси эса чет эл инвестициялари иштирокида асбоб-ускуналарни, техника-технологияларни узоқ муддатга ижараға олиш. Тендерлар эса танлов асосида инвесторларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришға жалб этилишидир. Эркин иқтисодий ҳудуд - бу маълум ҳудудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларға нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган ҳудуддир. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодиёт ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунида эркин иқтисодий ҳудудға қуйидагича таъриф

берилган: «Эркин иқтисодий ҳудудлар - минтақани жадал ижтимоий — иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир». Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш жараёнида давлат қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи ҳамда назорат қилувчи сифатида бош ислохотчи бўлиши лозим. Давлатнинг бош ислохотчи сифатида қатнашиши хориж тажрибасида аниқ намоён бўлади. Масалан, Хитой ҳукумати 1 доллар чет эл инвестицияларни жалб этиш учун 4 доллар ўз маблағларини сафарбар этган. Натижада, миллий ва асосан, хорижий инвесторлар ҳудудларга инвестициялар кирита бошлаган, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривож учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Россияда яратилган эркин иқтисодий ҳудудларга Находка, Калининград вилояти, Санкт-Петербург шаҳари ва бошқалар кирази. Қозоғистондаги биринчи эркин иқтисодий ҳудудлар 1991 йилда пайдо бўлган. Булар: Жезқозғон вилоятидаги Жайрен-Атасу, Костанай вилоятидаги Лисаков ва Остона шаҳридаги «Отакент» эркин иқтисодий ҳудудларидир. Ўзбекистон Республикасидаги биринчи эркин иқтисодий ҳудуд - Навоий вилоятида ташкил этиш учун 2008 йилда танлов эълон қилинди.

Молиявий активлар - бу қимматли қоғозлар бўлиб, у чет эл капиталини жалб этиш, чет эл кредитларини олиш ва чет эл капиталини банк депозитларига жалб этиш учун эмиссия қилинади.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафақат, ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек, инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқиш зарурдир. Бунда, асосан, чет эл инвестициясини иқтисодиёт соҳалари бўйича мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва унда тармоқларни, асосан, 3 гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга бўлиб, инвестицияни устувор даражада реал секторга йўналтириб, сўнг қолган соҳаларни ривожлантиришга ҳамда иқтисодиёт ривожланиши ва заруриятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга ҳам жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ривожланган мамлакатлар халқаро капитал ҳаракатини, асосан, капитал экспорти-импортини миллий ва халқаро даражада рағбатлантириш орқали амалга оширадilar. Капиталнинг қарзлар, портфель инвестициялар ва бошқалар шаклида ҳаракат қилиши борасидаги давлат сиёсати унинг ҳаракатидаги барча чеклашларни олиб ташлаш мақсадида олиб борилади. Барча хорижий инвестицияларга нисбатан давлат ҳар қандай чеклашларни амалга ошириш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдиради, чунки бу миллий иқтисодий ҳавфсизлик билан боғлиқ. Шуниси ҳарактерлики, капитални четга чиқариш уни жалб қилишга нисбатан кам даражада тартибга солиб турилади.

Давлат тартибга солишнинг қуйидаги усулларида фойдаланади:

- 1) молиявий: жадаллаштирилган амортизация, солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;
- 2) номолиявий: ер участкалари ажратиш, зарурий инфраструктура билан таъминлаш, техник ёрдам кўрсатиш.

14.3. Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган.

14.3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича динамикаси

Йил	Хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)
2001	823,9	96,5
2002	516,5	80,1
2003	602,1	166,7
2004	754,6	333,8
2005	746,6	545,5
2006	895,7	683,8
2007	1285,9	913,7
2008	1837,1	1300,0

Инвестиция дастури доирасида 2008 йили 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди, хорижий инвестициялар иштирокида 700 дан зиёд янги корхона барпо этилди. Кўшма корхоналар биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда - енгил, озиқ-овқат, электротехника, кимё ва нефткимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир. Хорижий инвестициялар ҳажмининг динамикаси тўғрисидаги маълумот 14.3.1-жадвалда келтирилган. Республикамизга хорижий инвестицияларни кириб келиши жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солувчи «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, уларга замон талабларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта - қаерда имтиёз, қаерда шароит бўлса, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа инвестиция келади.

14.3.2-жадвал

2008 йилда Ўзбекистон Республикасида ўзлаштирилган инвестицияларни тармоқлар бўйича тақсимланиши

2008 йил учун	Инвестиция ҳажми (млн. АҚШ доллари)	Жамига нисбатан %
Нефть ва газ	298,1	43,6
Енгил саноат	132,2	19,3
ИТ ва телекоммуникация	104,1	15,2
Озиқ-овқат саноати	42,2	6,2
Молия	20,9	3,1
Қурилиш материаллари саноати	13,1	1,9
Қазилма бойликлари	6,8	1,0
Электроника	4,9	0,3
Кимё ва нефтекимё саноати	2,1	0,1
Машинасозлик	1,8	0,1
Таълим соҳаси	4,9	0,3
Бошқа тармоқлар	52,9	7,7
ЖАМИ:	683,8	100

14.3.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Республика иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар энг аввало нефть ва газ саноати, енгил саноат, телекоммуникация соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик чет эл инвестицияси учун ҳар томонлама қулай шароит яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида қабул қилинаётган имтиёзли муҳитни яратувчи қонунлар чет эллик инвесторларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, 2008 йил 8 апрелда матбуотда эълон қилинган «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давомидир.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ишлаб чиқариш фаолиятини, қандайдиган кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадilar. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хом-ашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда

тутилган. Жумладан, «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддаси ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида - юқорида қайд этилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасида ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди. 2009 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришга барча молиявий манбалар ҳисобидан қиймати 7 миллиард доллар атрофида, жумладан, умумий қиймати тахминан 1,8 миллиард долларга тенг хорижий инвестицияларни киритиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати 40 фоиздан ошади. Хорижий сармояларни киритиш ҳисобидан 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, умумий қиймати 1,4 миллиард долларлик ўттиздан зиёд объектни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу ҳайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

14.4. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури

Инвестиция дастури – бу республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал хом-ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республиканинг айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган, бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга эришиш ва зарур таркибий ўзгартиришларни, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи инвестицияларни жалб этиш асосида унинг дунё иқтисодиётига интеграцияланиши Дастурнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Қуйидагилар Дастурнинг таркибий қисми ҳисобланади:

маблағ билан таъминлаш манбалари бўйича капитал қўйилмалар режаси;

инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури;

устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати.

Дастур ўзида молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишни таъминлашга мўлжалланган иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирларнинг ўзаро боғланган мажмуини ифодалайди.

Бундай чора-тадбирларга:

а) дастур асосий кўрсаткичларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозининг бошқа бўлимлари ва республика Давлат бюджети билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

б) дастурнинг объектларни ишга тушириш бўйича кўрсаткичларини маблағ билан таъминлашнинг тасдиқланган манбалари, қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноати қувватлари билан мувозанатлаш;

в) янги корхоналарни иқтисодий ва экологик жihatдан асосланган ҳолда жойлаштириш ҳамда иқтисодий туманлар ихтисослаштирилиши ва комплекс ривожлантирилиши, табиий бойликлардан, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаларидан, меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб турган корхоналарда қўшимча қувватлар ташкил этиш киради.

Дастурни шакллантириш давлат мақсадли дастурлари, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ва алоҳида минтақаларни ривожлантириш бўйича директив қарорлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таклифлари асосида амалга оширилади. Дастурни ишлаб чиқариш ва руёбга чиқаришга оид ишларни мувофиқлаштиришни Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаменти амалга оширади. Дастур Низом билан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш мезонлари асосида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Дастурни ишлаб чиқиш учун Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, корхоналар ва ташкилотларга инвестиция лойиҳаларини тайёрлашга оид методик кўрсатмаларини ва уларни тақдим этиш муддатларини етказди. Ишлаб чиқилган Дастур Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қуйидагилар Дастурга киритиш учун (экологик нормалар ва талабларга мувофиқ келиши учун мажбурий шартлар) инвестиция лойиҳаларини танлаб олишнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

1. Ишлаб чиқариш мақсадидаги объектлар бўйича:

а) маҳаллий хом-ашё ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш кўламини кенгайтириш, уларни рақобатбардош тайёр маҳсулот даражасигача етказиш;

б) экспорт потенциалини ривожлантиришга мўлжалланган рентабелли, юқори технологияли ва ресурсларни тежовчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

в) коммуникациялар, суғориш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг замонавий тизимларини ривожлантириш;

г) истеъмол бозорини энг зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдириш;

2. Ноишлаб чиқариш мақсадидаги объектлар бўйича:

а) аҳолининг ижтимоий инфратузилмалар хизматларига бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш;

б) ноишлаб чиқариш инфратузилмалари хизматлари сифатини ошириш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кўпайтириш.

Бунда Дастурга киритиш учун:

хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар;

қишлоқ жойларда ва ишчи кучи ортиқча бўлган минтакаларда жойлаштириладиган лойиҳалар;

экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш лойиҳалари устуворлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўзбекистонда инвестиция дастурининг устуворликларини белгилашда ва мамлакатимизга чет эл капиталини жалб этишда давлатнинг устуворлиги сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради. Шу билан бирга, инвестиция дастури лойиҳа–қидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда 3 йиллик даврга шакллантирилади.

Инвестиция дастурини ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар).

Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш ва уни кредитлаш ишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган тадбирга асосан амалга оширилади. Унга мувофиқ Инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган қўйилмалар лимитлар доирасида қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури - бу давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора–тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукаммал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Дастурнинг аниқ рўйхатига марказлаштирилган манбалар, ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий

инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари киритилади.

Аниқ дастурни шакллантириш жараёни ҳар бир лойиҳа бўйича батафсил ахборот тайёрлаш, лойиҳани устуворлиги бўйича танлаб олиш ва рўйхатни шакллантиришдан иборат бўлади.

Дастурнинг йиғма рўйхатига вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мулкчилик шаклларида қатъий назар корхона ва ташкилотларнинг устувор инвестиция таклифлари киритилади. Буютмачилар тасдиқланган инвестиция дастури асосида ваколатли банкларда молиялаштиришни расмийлаштириш учун ҳар йили қурилишларнинг аниқ рўйхатини ва Дастурини амалга оширишнинг иккинчи ва учинчи йилларига киритилган объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларини аниқ рўйхатини аниқлаштирадилар.

Марказлаштирилган манбалар ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларининг аниқ рўйхатлари Иқтисодиёт Вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инвесторлар (буюртмачилар) томонидан тасдиқланади. Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари, инвесторлар (буюртмачи) томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

Кредит ресурсларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ рўйхатлари тегишли кредит шартномаси ёки кредитловчи банкнинг ёзма розилиги мавжуд бўлганда тасдиқланади. Қурилишнинг аниқ рўйхати биринчи йил мобайнида танлов савдолари ёки йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш Кенгашининг алоҳида қарорлари бўйича аниқлаштирилиши мумкин. Истисно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда танлов савдолари натижаларига кўра «бошқа харажатлар» лимити ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилиш лимити аниқлаштирилишига йўл қўйилади.

Қурилишнинг титул рўйхати тасдиқланган лимитлар доирасида қурилишнинг бутун даврига тузилади ва Дастур тасдиқлангандан кейин 2 ойдан кечиктирмасдан танлов савдолари натижаларига кўра шакллантирилади.

Дастурдаги қурилишнинг титул рўйхати инвестор (буюртмачи) томонидан пудратчи билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Қурилишнинг тасдиқланган рўйхатидаги капитал қўйилмалар лимитларида қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар харид қилиш, лойиҳа қидирув ишлари харажатлари (пудратчи буюртмачилар харажатлари алоҳида кўрсатилади) қурилиш йиллари бўйича тақсимланган ҳолда ажратиб кўрсатилади.

Ҳар бир давлат, биринчи навбатда, моддий ишлаб чиқариш соҳасига мамлакат ва чет эл инвесторларини жалб қилиш учун ҳаракат қилмоғи лозим. Ушбу мақсадда муайян инвестиция дастури ишлаб чиқиладиган ва амалга оширилади, тегишли инвестицион муҳит яратилади.

Бугунги кунда республикада юзлаб лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари кредит линиялари маблағлари ҳисобига, бюджетдан ташқари

фондлар, банклар, чет эллик ва хусусий инвесторлар томонидан молиялаштирилар экан, албатта бу маблағларнинг қайтарилиши ва маълум микдорда уларнинг фойда билан таъминланиши талаб этилади. Ушбу маблағларнинг муайян фойда билан қайтишлигини аниқлаш, текшириб бориш ва таҳлил қилиб туриш учун кредиторлар томонидан, мол етказиб берувчилар, хусусан, лизинг суғурта компаниялари ва кафиллик берувчи ташкилотлар томонидан лойиҳаларнинг мониторинги олиб борилади.

Давлат мониторинги Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан давлат назоратининг асосий механизми ҳисобланади.

Қуйидагилар Дастурга киритилган инвестиция лойиҳалари мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- инвестиция лойиҳаларининг ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига руёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, инвестиция жараёни бошқа қатнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, Дастурда назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларнинг ўз вақтида ҳал қилиниши учун уларнинг жавобгарлигини ошириш;
- лойиҳаларни амалга оширишда пайдо бўладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш ва уларнинг тезкорлик билан бартараф этилишини таъминлаш;
- инвестиция иқлимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Давлат мониторинги лойиҳалари Дастурга киритилган манфаатдор вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастури департаменти томонидан ташкил этилади.

Ахборот бериш тартиби, муддатлари, шунингдек Давлат мониторингини амалга ошириш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури – ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлаглардан фойдланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида малакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди.

Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг кўтарилиши ва бутун инфраструктуранинг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция ва инвестиция дастурига боғлиқ.

Инвестиция дастури давлатнинг инвестиция маблағларини мамлакатда моддий бойликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сафарбар қилиш вазифасидан иборатдир. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан давлат сиёсатининг бу соҳаси унинг тегишли идоралари томонидан ушбу сиёсатининг мақсад ва вазифалари амалга ошириладиган фаолиятдир.

Инвестиция дастурининг ташқи томони ҳам бўлиб, у халқ хўжалигини замонавий техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида жадал ривожлантириш вазифасини ҳал этиш учун иқтисодиётга чет эл

инвестицияларини жалб этишни ўз ичига олади. Бу вазифани қўшма корхоналар барпо қилиш, яъни тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестициялардан фойдаланиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари долзарбланиши керак.

Аниқ, самарадор ва қатъий риоя қилинадиган қонунларига эга бўлган очик ва либерал инвестиция дастури хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қудратли қуролидир. Бундай сиёсатни ишлаб чиқиш республиканинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак.

Хорижий инвестиция фақат ишлаб чиқариш ва бозор ривожланган шароитда, яъни халқаро бозордаги сармоя экспорти бунгача мавжуд бўлган товарлар экспортдан юқори бўлганда пайдо бўлади.

Давлат инвестиция жараёнини ташкил қилувчи ва асосий инвестор бўлиб хизмат қилиши керак, ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан бу унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Инвестицияларнинг миқдорий ўсиши ички инвестиция дастури (маблағларни ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳисобига сафарбар қилиш) воситасида таъминланади. Инвестициялар сифатининг ўсиши ички (фан ва техника ютуқларини тадбиқ қилиш) ва тегишли ташқи инвестиция дастури (хорижий инвестициялар – техник таркиби ва хусусиятига кўра юқорироқ бўлганларини жалб этиш) воситасида таъминланади. Ички инвестиция дастури ҳам ташқи инвестиция дастури, ҳам ҳар иккаласини инвестициялашнинг турли манбаларидан турли шакллардаги инвестицияларни жалб этиш заруриятини назарда тутди.

Инвестиция дастурининг моҳияти ва мазмуни энг қулай ҳуқуқий воситаларни топиш – инвестиция жараёни ва инвестицияни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Рационал инвестиция дастурини амалга ошираётган давлат ихтиёрида ҳуқуқий тартибга солишнинг икки воситаси мавжуд: миллий-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий.

Давлатнинг ташқи инвестиция дастури ҳуқуқий нуқтаи назардан хорижий инвестициялар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишдан иборат бўлиб, бу миллий ҳуқуқий тартибот, миллий ҳуқуқий шакллар ва нормалардан (қонунлар ва бошқа меъёрий актлар) ҳамда халқаро-ҳуқуқий тартибот, халқаро-ҳуқуқий шакл ва нормалардан (икки ва кўп томонлама шартномалар ва битимлар) фойдаланишни назарда тутди. Буларнинг барчасида ҳам ички, ҳам ташқи инвестиция сиёсатлари ҳисобга олиниши шарт.

Инвестиция дастурининг аниқ мақсадга йўналтирилган ва илмий асосланган асосий вазифаси (функцияси) давлатнинг жамиятда моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун инвестиция маблағларини сафарбар қилиш бўйича фаолият юритишидан иборат.

Инвестиция фаолияти – бу инвестиция киритиш ва инвестицияларни амалга ошириш бўйича олиб бориладиган амалий ҳаракатларнинг йиғиндисидир.

Инвестиция дастури алоҳида давлатлар томонидан инвестиция муносабатлари субъектларининг (давлатлар, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий) инвестиция фаолиятини кучайтириш мақсадида чоралар

тизимини назарда тутати. Инвестиция фаолияти эса унинг субъектларининг инвестицияни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятлари йиғиндисидир.

Давлат фуқаровий ва халқаро хусусий ҳуқуқ субъектларининг бирортаси эга бўлмаган хусусиятга эга. У бир вақтнинг ўзида жамоат ҳокимиятининг эгаси (ички ва ташқи сиёсат йўналишларини белгилайди, давлат стратегик дастурларини, шу жумладан иқтисодийнинг стратегик масалаларини ҳал этишга қаратилган инвестиция дастурларини қабул қилади) ва хусусий ҳуқуқ муносабатлари қатнашчиси (бу ерда унинг инвестиция фаолиятида иштирок этиши ҳам назарда тутилган) ҳисобланади.

Шундай қилиб, инвестиция фаолияти тушунчаси инвестиция дастури тушунчасининг таркибий қисми бўлиб, буни Ўзбекистон Республикаси «Инвестиция фаолияти ҳақида»ги қонуннинг 14 ва 15 моддаларида ёрқин акс эттирган.

Инвестиция дастури товар-пул муносабатларини такомиллаштириш шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур сиёсат ривожланган товар-пул муносабатларида унча катта аҳамиятга эга эмас. Чунки ўз-ўзини бошқарувчи иқтисодий шароитида инвестиция дастури асосан тартибга солувчи аҳамиятга эга бўлади.

Устувор йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчи устувор йўналиш – оммавий турар жой қурилиши;

иккинчи устувор йўналиш – замонавий коммуникация воситалари, транспорт ва алоқа воситаларини ишлаб чиқариш, транспорт ва информация тармоқларини яратиш ва модернизация қилиш;

учинчи устувор йўналиш – юқори технологиялар. Юқори технологик ва жаҳон бозорларида рақобатбардош, импорт молларининг ўрнини боса оладиган товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

тўртинчи устувор йўналиш – заҳираларни тежовчи, экологик тоза технологиялар. Минерал бойликларни ер остидан қазиб олиш ва табиий хом ашёни тўлиқ ва комплекс қайта ишлаш учун энг янги фан-техника ютуқларидан фойдаланиш.

бешинчи устувор йўналиш – фермерлик ва деҳқон хўжаликлари тармоғи, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қадоклаш, транспортировка қилиш, сотиш ва шифобахш қўшилмалари бўлган экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича андозаларга амал қилган ҳолда назорат қилиш технологиясини ўзлаштириб олган қайта ишловчи ва савдо корхоналарининг кўмаги асосида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини чиқариш

Капитал қўйилмалар асосий фондларни яратиш ва уларни купайтириш учун фойдаланадиган маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига шакллантирилади. Капитал қўйилмалар кўрсаткичлари Иқтисодий вазирлиги томонидан вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жорий йилда ва прогнозлаштирилаётган йилларда суръат, қурилиши тугалланмаган ва ишга тушириладиган объектлар бўйича ишлар ҳажми ажратиб кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш қурилишлари бўйича ишлаб чиқилади.

Прогнозда марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар манбалари ҳисобга олиниши зарур:

а) Марказлашган капитал қўйилмалар. У ўз навбатида қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат бюджет ва нобюджет фондларининг маблағлари;
- давлат кафолати асосида бериладиган чет эл кредитлари ва инвестициялари.

б) Марказлашмаган капитал қўйилмалар:

- корхоналарнинг маблағлари;
- давлат ва бошқарув органларининг маблағлари;
- банкларнинг тижорат кредитлари;
- аҳолининг маблағлари.

Марказлаштирилган инвестициялар ҳажмлари қуйидагилар ҳисобига белгиланади:

- Давлат бюджети ва давлат бюджетдан ташқари фондлар маблағлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш чоғида белгиланган тартибда ва йиғма бюджет таркибида тасдиқланади;

- Ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий инвестициялар ва кредитлар – алоҳида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ.

Марказлаштирилган инвестициялар қоидага кўра, қуйидагиларга ажратилади:

- республика иқтисодиётининг устувор йўналишлари бўйича инвестиция лойиҳаларини, давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга;

- номи кўрсатилган уй-жой қурилишига;

- янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни тиклаш, сув ҳўжалиги қурилиши ва кичик гидроэнергетикани ривожлантиришга;

- аҳоли яшаш жойларининг, биринчи навбатда, яқка тартибда қурилган уй-жой мавзеларининг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга;

- маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига;

- давлат бошқарув органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;

- давлат илмий муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;

- табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва табиий офатлардан химоя қилиш иншоотлари қурилишига.

Таққослама рўйхат инвестицияларни жалб қилишга қаратилган муҳим йўналишларни кўрсатувчи проспект ҳисобланади. Таққослама рўйхатга киритилган инвестиция бўйича:

- доим мониторинг ва дастур тузишнинг ҳар бир босқичига инженеринг кузатувларидан ўтади;

- давлат кафолати остида чет эл кредит линияларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Инвестицион лойиҳаларнинг манзилий дастури ҳар йили ишлаб чиқилиб, молиялашнинг асосий манбалари асосида инвестицион лойиҳаларнинг керакли рўйхатини ўз ичига олади.

Инвестицион лойиҳаларнинг манзилий дастурига киритишнинг зарур шартлари мавжуд:

техник-иқтисодий асосларнинг мавжудлиги;

шартномада кўрсатилган кредитларнинг вақтида қопланганлиги ва молиялаштириш манбалари тасдиғининг мавжудлиги ҳам зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 420-сонли «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича меъёрий ҳукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси инвестицион дастури ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг муҳим қисми бўлиб, давлат инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини акс эттиради. Дастурнинг асосий мақсади бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиётини динамик ривожланишига, зарур структуравий ўзгаришларни амалга оширишга, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар асосида жаҳон иқтисодий тизимида кенг интеграциялашув, табиий минерал хом-ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳисобланади.

Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ёрдамида прогноз қилиш;

муҳим инвестицион таклифларнинг таққослама рўйхати;

инвестицион лойиҳаларнинг манзилий дастури.

Дастур қуйидагиларни амалга оширишга йўналтирилган капитал қўйилмалар прогнозини ўз ичига олади:

– табиий минерал хом-ашё молиявий моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш;

– давлат бюджети республиканинг ички ва ташқи қарздорлиги билан боғлиқлиги;

– молиявий маблағлар билан тасдиқланган объектларни ва кредитлар қайтарилиши, шунингдек, қурилиш ва қуриш материаллари саноатидаги кучларнинг баланслаштиришни киритиш;

– иқтисодий ва экологик жиҳатдан асосланган янги корхоналарни жойлаштириш ва регионларнинг комплекс ривожланишини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритувчи корхоналарда қўшимча кучларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш инфраструктурасидаги ва меҳнат ресурсларидаги табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция дастурини молиялаштиришда асосан хорижий инвестициялар катта ўрин эгаллайди. Бундан ташқари бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга оширишда дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатлари иштирок этмоқда. Инвестицияларни жалб этиш вазифасини давлатимиз кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш асосида ҳақиқий мулкдорликни шакллантириш билан боғлайди.

Хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кўринишларда инвестицияларни амалга оширишлари мумкин:

1) пул (конвертация бўлувчи валюта, Ўзбекистон Республикаси валютаси – хорижий инвестор томонидан реинвестиция қилинган ҳолда реинвестициянинг бирламчи инвестиция объекти ва бошқа объектларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда) ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан кредитлар, пайлар, акциялар ва бозор нархи бўйича конвертация бўлувчи валютада ифодаланган бошқа қимматбаҳо қоғозлар;

2) ҳар қандай кўчмас ва кўчувчи мулк (қурилишлар, бинолар, ускуналар ва истеъмол товарлари ҳамда сотишга мўлжалланган товарлардан ташқари бошқа моддий бойликлар) ва улар билан боғлиқ мулкка эгалик ҳуқуқлари;


3) нархлари конвертация бўлувчи валютада инвестор мамлакатнинг қонунлари ёки халқаро савдо қоидаларига мувофиқ тарзда тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг эксперт баҳосидан ўтган ҳар қандай интеллектуал мулк ҳуқуқлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида легализация қилинган муаллифлик ҳуқуқлари, кашфиётчилик ҳуқуқлари, товар ва хизмат белгилари, “ноу-хау”, фойдали моделлар, саноат намуналари ва бошқалар.

4) қонунчилик ёки шартномаларга мувофиқ берилган ва нархлари инвестор мамлакатнинг қонунчилиги ёки халқаро савдо қоидалари билан конвертацияланувчи валютада тасдиқланган хўжалик ишлари билан шуғулланиш, шу жумладан, табиий бойликларни разведка қилиш, ишлаб чиқиш қазиб олиш ёки эксплуатация қилиш ҳуқуқлари.

Мазкур моддада кўрсатилган хорижий инвестиция турларини тақиқлаш ва чеклаш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос равишда тўғридан-тўғри ёки истисно шаклида амалга оширилиши мумкин.

14.4.1-чизма

ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИ
доирасида хорижий сармояларни жалб этиш динамикаси
(2003-2008 йил)
(млн.АҚШ долл.)



Мухокама учун саволлар:

1. Инвестиция сиёсатининг мақсади нималардан иборат?
2. Инвестиция сиёсати ким томонидан юритилади?
3. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг қандай шакллари биласиз?
4. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишларини айтинг.
5. Режалаштирилган хорижий инвестиция деганда нимани тушунаси?
6. Ўзлаштирилган хорижий инвестиция деганда нимани тушунаси?
7. Инвестиция дастурининг мақсади нимадан иборат?
8. Инвестиция дастурининг устувор йўналишларини айтинг.
9. Давлат инвестиция дастурининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
10. Инвестиция фаолияти деганда нимани тушунаси?
11. Инвестиция фаолиятининг объекти ва субъектини айтинг.
12. Эркин иқтисодий ҳудуд деганда нимани тушунаси?

